

Озод МЎЪМИН ХЎЖА

ХЎЖА МУҲАММАД ПАРРОН

(тарихий воқеаномалар)

Тошкент

Ислом университети нашриёти

Озод Мўъмин Хўжа

Хўжа Муҳаммад Паррон (тарихий воқеаномалар). – Тошкент,
Ислом Университети нашриёти, 2012. – 128 бет.

Озод Мўъмин Хўжа – олим (физика-математика фанлари номзоди, ихтирочи) ва ёзувчи. Ижодини фантастик асарлар битишдан бошлаган. Мустақиллик давридан ноширлик, бизнес ва ижод билан шуғилланмоқда. 1991 йилдан бошлаб “Муҳаммад пайғамбар қиссаси”, “Расулulloҳ ўқиб юрган дуолар”, “Нажот келтирувчи дуолар”, “Беш вақт намоз” ва бошқа исломий китобларга ноширлик қилган. “Ваҳдат ул-ҳақойиқ” фалсафий трактати муаллифи. Булардан ташқари, фантастика, криминал, тарихий асарлари чоп этилган. Чет тилларга таржима этилган ҳикоялари “Бутун дунё электрон кутубхонаси”га киритилган.

ХЎЖА МУҲАММАД ПАРРОН

(тарихий воқеаномалар)

**“Ҳазрат Хўжа Муҳаммад Парроннинг
қабрлари Бухородаги Тоқи Телпак
фурушон остидадир. Бу зоти шариф
миршабларнинг пирлари бўлган.”
“Икки юз етмиш етти пир”
С.Салим Бухорий**

* * * * *

Бир пайтлар мен Ватанимиз тарихини ўрганиб, унинг ўтмишдаги буюк кишилари ҳақида қизиқиб маълумотлар тўплаб юрар эдим. Шундай кунларнинг бирида савол уйғонди: “Нега Ўзбекистоннинг – жуда кўп азиз-авлиёлар ўтган диёрнинг – адабиётида шундай улуғ зотларга бағишланган бадиий асарлар йўқ. Агар бу улуғ кимсалар бошқа мамлакатларда, масалан, Европада, яшаган бўлганларида, улар ҳақида китоблар ёзилган, фильмлар ишланган, бутун дунёга мана бизнинг аждодларни кўриб қўйинг, деб жар солинган, хуллас, бу зотларнинг шахси қанчалар улуғланган бўларди...”, деб ўйладим. Ва шу ўйналишда ҳам ижод қилишга жаҳд қилдим.

Биз ўзимизнинг буюк аждодларимизнинг номлари-ни, ҳаётларини ва қандай ишлар қилганликларини билиши-миз ҳамда бутун жаҳонга маълум қилишимиз керак.

Қўлингиздаги тарихий қисса менинг бу йўлдаги иккинчи қадамимдир.

Муаллиф.

* * *

Ўн бешинчи аср охирлари.

Шу даврда Моворауннаҳрга шимол тарафдан Муҳаммад Шайбоний бошчилигидаги, ўзбеклар деб ном олган жанговар туркий халқ қўшинлари бостириб кирдилар. Бу саркарда, Чингизхоннинг тўнғич ўғли бўлмиш Жўчи авлоди, Сибирь, Олтой ўлкаси ва Дашти қипчоқ (яъни, ҳозирги Қозоқистоннинг шимолий қисми, ҳозирги Россиянинг жануби ва Украина ерлари) ҳукмдори, тарихда катта из қолдирган Абулхайрхоннинг набираси эди.

Ўн олтинчи асрнинг бошларида Муҳаммад Шайбоний Моворауннаҳрни тўлиқ забт этди. Ўзбеклар Туронзаминга кириб, ҳукмронлик қила бошлаганликлари учун, бу юртда истиқомат қилувчи ва туркий тилда сўзлашувчи барча бошқа халқлар ҳам шу даврдан бошлаб уларнинг номларини олдилар. Яъни, минг-минг йиллардан бери шу ўлкада ўз уруғлари номлари билан яшаб, умумий равишда турк ёхуд туркий деб аталувчи инсонлар ягона номга – ўзбек атамасига эга бўлдилар. Бу илк бор ташкил топган Ўзбеклар империяси эди.

Муҳаммад Шайбоний жангу жадалларда ҳалок этилгандан сўнг, тахтга унинг жияни, укаси Маҳмуд Султоннинг фарзанди, кучли шахс сифатида шаклланган Убайдуллахон чиқди. 1539 йилда у вафот этди. Ворислар ҳукмронликни эплай олмай Буюк Ўзбеклар империясида парокандалик вужудга келтирдилар. Натижада, табиийки, ушбу бой ва жаннатмакон юрт тахти учун қирғинбарот жанглар бошланди.

Ниҳоят, 1557 йилда, Абулхайрхоннинг бошқа бир авлоди – Абдуллахон II бутун Буюк Ўзбеклар империясини ўз измига бўйсундирди. Ушбу катта давлатга қуйидаги юртлар кирган

эдилар: Моворауннаҳр, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Бадахшон, Хоразм, Хуросон ўлкалари, Сайрам, Балх, Хисор, Ҳирот ва Қобул атрофлари.

Абдуллахон II ўз давлатининг равнақи учун катта ҳаракатлар қилди. Янги олтин ва кумуш тангалар зарб этдирди. Дехқончилик ривожланиши учун ариқлар ва анҳорлар қаздирди. Ички ва ташқи савдо шарт-шароитларини тартибга солди. Шулар билан бир қаторда, хунармандчиликка ҳам катта йўл очди, янги-янги бозорлар, расталар ташкил этди.

Хусусан, пойтахт сифатида танланган шаҳар – Бухорода гумбазли кўча-бозорлар қурдирди. Жумладан, дўппифуруш-лар, телпакчилар, заргарлар, саррофлар у ерларда савдо қилишган. Бу жойлар тоқи заргарон, тоқи телпакон, тоқи саррофон каби аталганлар.

* * *

Бу гумбазли кўча-бозор ҳозирги пайт – йигирма биринчи асрда ҳам мавжуд. Мабодо, Бухорога бориб қолсангиз, Баҳоуддин Нақшбанд кўчаси бўйлаб, Лаби Ҳовузнинг ўнг томонидан юқорига қараб юринг. Чамаси эллик-юз қадамлар ташласангиз, айтилган савдо расталарига дуч келасиз. Ва ўзига хос, Ўзбекистондаги ҳеч бир шаҳарда йўқ усти ёпиқ кўча-бозор манзарасини кузатасиз.

Мен, илк бор, ана шу ерда “Хўжа Муҳаммад Паррон” билан учрашганман.

* * *

2002 йил 16 февраль.

Шу куни хизмат сафари билан Бухоро томон йўлга тушдим.
Шариф шаҳарга ундаганлар маслаҳат беришди: ўз

машинангизда борганингиз маъқул, чунки сизга керакли корхона ва ташкилотлар тарқоқ жойлашган, шахсий транспорт ишларни тез битиши учун қулай бўлади.

Мен, ўша пайтларда менга ёрдам бериб юрган бир йигитни – Ботир Исамухамедовни олиб, тонг отмасдан азим шаҳарни тарк этдим. Уч соатга етар-етмас йўл юриб Самарқандга келдим. Бу қадимий масканда бизнесҳамкорим Давлат Турсунов бизга қўшилди ва машина моторини қайта юргиздим.

Мўлжалимизнинг биринчи пункти, Бухородан ўн километрча берида жойлашган – Когон шаҳарчасига кириб келганимизда хали пешин бўлмаганди. Озроқ дам олгач, тушлик қилдик. Сўнг, бу ерда учрашишимиз лозим бўлган ташкилот раҳбари билан музокара ўтказдик. Асосий масалаларни эртага ҳал этишга келишиб – шароит шуни тақазо қилди, бориб меҳмонхонага жойлашдик. Юқларимизни у ерга қўйдик ва Бухоронинг қадимий қисми билан танишишга кетдик.

Чунки, биринчидан – мен илгарилари келганимда барча тарихий жойларни тўлиқ айланиб улгурмагандим, иккинчидан – ёрдамчим бу шаҳарга умуман келмаганди. Шариф масканни яхши биладиган Давлат Турсунов машинани Лаби Ҳовуз олдига қўйдирди. У ёғига пиёда айланадиган бўлдик.

Биз, қадимий кўчалар бўйлаб қадам ташлар эканмиз, икки шеригимни билмадим-у, менга, қандайдир кўзга кўринмас нурлар қалбимга тушаётгандек туюларди. Табиатим шундайки, жони-дилим – тарихни ўрганиш.

Ўз ўтмишини тўлиқ билмаган ҳалқ – буюк ҳалқ эмас!

Ўз бобокалонлари ҳаёти билан қизиқмаган инсоннинг, фақат инстинктлар асосида яшовчи ҳайвондан нима фарқи бор?

Инглиз файласуфи Френсис Байрон айтганки, сиз қадимий йўлларга қаранг – уларнинг қайси бири тўғри ва текис бўлса, ўшандан юринг!

Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирий эса, мозийга қараб иш кўрмоқ хайрлидир, деган.

Мен умримнинг ўн беш йилини физика фанини

ривожлантиришга бағишлаганман. Бу соҳада мен маълум муваффақиятларга эришган, билим ва мушоҳада доирамни анча кенгайтирган бўлсам-да, бу аниқ фанга юрагим жиз этмади. Вақт келиб, мени ижод, фалсафа, тарих ва бизнес ўз комига тортди.

Мана, ҳозир Бухоронинг қадимий кўчаларидан юриб борар эканман, дилим яйради. Ажиб ўй-ҳаёллар мени чулғар экан, уччаламиз усти гумбазли қатор расталар олдидан чиқиб қолдик. Бу ерда сотувга қўйилган моллар, асосан, чет эллик туристларга ва бошқа шаҳардан келган меҳмонларга мўлжалланган экан: сопол идишлар, гиламчалар, турли тақинчоқлар ва зардўзи-ю атлас кийимлар. Уларни томоша қилиб, аста юрар эканмиз, мен ёнимизда ёрдамчимнинг йўқлигини сезиб қолдим. Ортимга қарасам, у тўхтаганча бир нуқтага тикилиб қараб турибди. Оҳиста унга яқинлашдим. Ва кўзим шу расталарнинг бир бурчида пишиқ ғиштдан ишланган қабрга тушди. Унга ёпиштирилган мраммар тахтачага ёзиб қўйилганди: “Хўжа Ахмати Паррон”.

Олдига келганимни пайқаб у менга ўгирилди ва жилмайди.

– Бирор авлиёнинг қабри эканми? – сўрадим мен.

– Ҳа, - жавоб берди у.

Мен қабрнинг ёнгинасида ўтириб ўз молларини сотиб ўтирган одамлардан сўрадим:

– Бу зот қандай инсон бўлганлар?

Уларнинг бири – аёл киши дарҳол жавоб қилди.

– Жуда кароматлари кучли бўлган! Ёмон кимсаларни ўзларининг бир нафаслари билан учуриб юборганлар! Шунинг учун, бу авлиёни “Паррон” деб аташган.

– Паррон – учуриб юборувчими? – сўради Ботир.

Олдимизга яқинлашган Давлат сўз қотди:

– Ҳа, шу маънони англатади.

Шундан сўнг, биз тарихий жойларни томоша қилишни давом этдирдик.

Мен шунда, илк бор, тарихимизда Хўжа Аҳмад Паррон деб аталмиш авлиё ўтганини билгандим.

* * *

2006 йил 19 сентябрь.

Қарийб тўрт ярим йил ўтгач, яъни 2006 йилнинг 19 сентябри куни, иккинчи марта худди шу жойга келдим.

Бухорога бу галги сафаримнинг сабаби – Ҳазрат Саид Амир Кулол ҳақида асар ёзиш учун маълумот йиғиш эди. Худди шу куни эрта тонг шариф шаҳарга етиб келгач, Ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлими раҳбари, шоир Тошпўлат Аҳмад ёрдамида Лаби Ҳовуз ёнидаги хусусий меҳмонхонага жойлашдим. Сўнг мўлжалимдаги ишларни амалга оширдим.

Кечки пайт, мезбон хонадонга қайтдим-да, Хўжа Аҳмад Парронни зиёрат қилай деб, ўша, Абдуллахон II даврида қурилган гумбазли кўча-бозор сари йўл олдим.

Чунки, шунча вақт мобайнида мен у зотни эсимдан чиқармагандим. Дуолар ўқиганимда, ҳосил бўлган савоблардан ушбу авлиё руҳига ҳам бахшида қилиб турардим. Очиғини айтаман, менда тарихда ўтган авлиёлар ҳаётига, уларнинг кароматларига ва атроф-муҳитга ўтказган таъсирларини билишга қизиқиш жуда катта. Шунинг учун, ўлкамизнинг қай чеккасига бормай, у ерларда қандай машойхлар ўтган – ўтмаганлигини суриштираман. Ва уларни албатта зиёрат қиламан.

Гумбаз-бозорга киришим билан чап қўл томонда таниш, пишиқ ғишт билан қопланган қабрга кўзим тушди. Фақат ундаги исми-шариф ёзилган мармар тахтача ўзгартирилганди. Эскиси олиб ташланиб, янгисига араб алифбосида “Хўжа Муҳаммад Паррон” деган ёзув битилганди. Авлиёнинг исмини нега ўзгартиришибди, деб хайрон бўлдим. Шу ердан тўрт-беш қадам нарида мўъжаз хонтахта қўйиб, унинг устига турли сувенир маҳсулотлар териб, сотаётган истараси иссиқ, эллик ёшлар атрофидаги кишига кўзим тушди. Ва бу инсонга яқинлашиб савол бердим.

– Тақсир! Кечирасиз, сиздан бир нарса сўрасам майлими?

– Бемалол, қулоғим сизда! – деган жавобни эшитгач, хайронлигимни билдирдим.

У киши тушунтирди.

– Шаҳримиз тарихчилари аниқлашди. Бу авлиёнинг асл исми Муҳаммад бўлган экан.

– Раҳмат, маълумотларингиз учун. Яна бир нарсани сўрамоқчи эдим: Хўжа Муҳаммад Паррон нафаслари билан ёмон кимсаларни пирпирак қилиб учириш қудратига эга бўлганмилар?

– Ҳа, шундай дейишади. Бу гап бекорга чиқмаган бўлса керак.

– Тақсир, ўзингизнинг исми-шарифингиз нима? Менинг бу нарсаларга қизиқаётганимдан хайрон бўлманг, чунки ёзувчиман, номим – Озод Мўъмин.

– Хурсандман, сиз билан танишганимдан. Лекин, исмингизни эшитмаганман.

– Бу табиий. Чунки, асли олим бўлганман ва ижодим сермахсул эмас. Илгари фантастика ёзардим. Ҳозир криминал ва тарихий асарлар битаяпман. Ўзингизнинг номингиз нима?

– Исмин – Абдусаммад Саидов. Ёзувчи экансиз, сизга жуда кўп нарсаларни айтиб беришим мумкин.

– Зўр бўларди! – дедим мен ва хитоб қилдим, - Бу маълумотларни қаердан билишингизни ҳам айтинг!

– Ёшлик чоғимда Қосимжон ота деган кишидан эшитганман, – деди Абдусаммад ака ва менга бир қанча маълумотлар берди.

* * *

Мен энди қизиқарли тарихий воқеаларни бошлайман. Диққат билан ўқинг. Ва бу маълумотларни онгингизга мустаҳкам жойланг – чунки, сиз ушбу асар билан танишаётган экансиз, фақат яхши ейиш, яхши кийиш, яхши машина миниш, яхши уй қуришни ўйлайдиган ва бу билан мақтанишни истайдиган, ўзининг дунёқарашининг ўта торлигини ҳис қилмай, инстинктлар асосида яшайверадиган, чўнтагида пули бор-у, ўзи

ғирт авом одамсифатлар қавмига эмас, онгли ва олий инсон зотига мансуб кишисиз.

Мен тарихни жонлантиришдан аввал сизни огоҳлантириб қўяй: бу асар Абдусаммад акадан эшитганларим, ҳамда бошқа жойлардан йиғилган маълумотлар асосида жамлаб, бир бутун қилиб, бадиийлаштириб ёзилди.

* * *

1584 йил. БУХОРО.

**ХЎЖА МУҲАММАД ПАРРОН
ва АБДУЛЛАХОН II.**

Буюк Ўзбеклар империяси султони Абдуллахон II пойтахт сифатида Бухорои шарифни танлагач, бу масканда ободончилик ишларини бошлаб юборди. Жумладан, дўппифурушлар, телпакчилар, заргарлар, саррофлар ва бошқа хунармандлар учун савдо қилиш расталари қуришни буюрди. Шунинг учун, шаҳарнинг чеккароғида, эски мазорнинг ёнида жадал суратлар билан гумбазли кўча-бозор қурила бошланди.

Ниҳоят, мўлжалланган мажмуа барпо этилгач, хонга хабарчи юборилди ва уни кўздан кечиришга таклиф этилди.

Абдуллахон II у ерга эртаси кун – жума намоздан сўнг қадам ранжида этишини билдирди.

Янги қурилган иншоотга хоннинг келиши дарагини эшитиб, ҳукмдор юрадиган йўлларнинг нотекис жойлари дарҳол тuzатилди, сувлар сепиб супиртирилди, ҳар ўн қадамга биттадан яхши қуролланган сипоҳилар қўйилди. Камончи посбонларни эса баъзи уйларнинг томларига ҳам чиқардилар. Бозорларда, кўчаларда эртадан кечгача тиланиб юрвчи жулдур кийимли гадойлар ушланиб, шаҳар ташқарисига ҳайдалди. Хуллас, олий даражадаги шахснинг бежавотир ҳамда турли нохушликларсиз

янги қурилиш мажмуасини кўриб кетиши учун барча эҳтиёт чоралари кўрилди.

Абдуллахон II нинг жуда севимли оқ оти бўларди. Хон бу отни жанг-у жадалларда минмас, балки сокин юришларда, шошилмай қилинадиган саёҳатларда эгарлашни буюрарди.

Чунки, бу жонивор тез чопмаса ҳам, жуда чиройли ва бир текисда йўрғаларди, кутилмаган ножўя ҳаракатлар қилмасди. Хукмдор унинг устида ўзини мустаҳкам қалъада ўтиргандек ҳис қиларди.

Бу гал ҳам Абдуллахон II шу отни тақимига олди. У соқчилари ва мулозимлари қуршовида янги бино этилган кўча-бозорга йўл олди. Хонни эгнига оҳори тўкилмаган яқтак кийган устабоши ўз ёрдамчилари билан кутиб олди. У салобатли хукмдорни кўриши биланоқ таъзим қилиб салом берди. Ва қўли билан ишора қилиб мажмуага таклиф этди.

– Марҳамат қилинг, улуғ хон! Топшириғингизни баҳоли қудрат бажардик.

Абдуллахон II кириши учун баланд қубба остига кириш йўли бўшатилади. Хукмдор севимли ва ишончли оқ оти устида виқор билан ўтирар экан, жониворини ниқтади. От ҳам буйруққа бўйсуниб оҳиста ичкарига қадам ташлади. Лекин, у кўп юра олмади. Негадир, тўсатдан кишнаб, олди оёқларини юқорига кўтарди. Чунки, унинг рўпарасига бир кийик югуриб келиб қолганди. Отнинг бу ҳаракати тўсатдан ва тез рўй бердики, ҳеч ким эҳтиёт чорасини қилиб улгурмади, натижада хон гурсиллаб ерга йиқилди. Мулозим ва соқчилар зудлик билан хукмдорни ўрнидан турғизишди. Яхши ҳамки, жанг-у жадалларда югуравериш вужуди бақувват бўлиб кетган хон сезиларли лат емабди.

Абдуллахон II нинг жаҳли чиқди.

– Нега атрофга қарамадингиз?! Ким бу ерга кийикни киритди?

– Улуғ хон! Биз тевааракни яхшилаб текширганмиз, ҳеч қандай кийикдан асар йўқ эди! – жавоб берди соқчилар бошлиғи.

Шу пайтда ичкари томондан улар томон оппоқ тўн, оппоқ иштон кийган, оппоқ салла ўраган ва оппоқ соқолли нуроний бир отахон яқинлашиб келди. Ва сўз қотди.

– Ассалом алайкум, аъло ҳазрат! Сизга икки оғиз сўз айтишга рухсат беринг!

Мурожаат қилаётган кимсанинг жуда улуғ зотлардан эканлиги нури салобатидан сезилиб тургани учунми, Абдуллахон II унга бош ирғади.

– Ва алайкум ассалом! Гапиринг тақсир! Не арзингиз бор?

– Хон ҳазрат! – сўзларини бошлади қария. – Бу жойга янги, гумбазли кўча-бозор қурдирганингиз жуда соз. Бу Бухоро аҳолисанинг савдо-сотиқ билан шуғилланиши учун қулайликлар вужудга келтиради. Аммо, менинг арзим шуки, бу ернинг ўрни илгари мазор бўлгани туфайли ва худди жойга улуғ авлиё Хўжа Муҳаммад дафн этилгани сабабли ҳозирги фалокат рўй берди. Бу ер валий даргоҳидир! Бундай жойга эса от миниб кирмайдилар. Оллоҳ таоло ўзига яқин бўлган кимсаларни оёқ ости қилинишларига йўл қўймайди.

Абдуллахон II ҳайратланди.

– Наҳотки? Бу ерда авлиёнинг қабри бўлганми? – у мулозимларига юзланди.

Мулозимлар елка қисдилар.

– Бизнинг хабаримиз йўқ эди, улуғ хон!

Уларнинг бири устабошига юзланди.

– Сен билармидинг бунни?

Қурувчилар бошлиғи жавоб берди.

– Менга сиз топшириқ бердингиз, худди шу ерга бозор қургин деб! Мен қурдим. Ҳақиқатдан ҳам худди шу ерда бир авлиё дафн этилган экан. Мен имом билан маслаҳатлашиб, улуғ зотнинг қабрини нариги томонга кўчиртирдим!

У қўли билан ишора қилди.

Абдуллахон II нуроний отахондан сўради.

– Муҳтарам зот, бу ҳолатга сиз нима дейсиз?

– Хон ҳазрат! Бу иш нотўғри қилинган. Топшириқ беринг,

авлиёнинг хокини қайта ўз ўрнига қўйсинлар, яъни мана бу ерга! – қария гумбаз тагига кираверишдан чап томонни кўрсатди, – Ва ўзингиз оддий халққа ўрناق бўлинг, бундан кейин отлиқ ҳолда бу ерга кирманг! Ана шунда тузган буюк салтанатингиз равнақи анчага даврларга чўзилади. Чунки, ўтган азизларнинг ва пирларнинг дуолари ҳам катта қудратга эгадир!

Абдуллахон II мулозимларига буюрди.

– Валийнинг ҳоки ўз ўрнига қайта дафн қилинсин! Бу ер азиз жой сифатида эъзозлансин. Бундан сўнг, минбаъд бу ерга ҳеч ким, ким бўлишидан қатъи назар, отлиқ ҳолда кирмасин.

Хон шундан сўнг яна нуроний отахонга юзланди.

– Муҳтарам зот! Бу азиз валий қачон яшаганлар? Қандай кароматлари бўлган? Хабарингиз борми?

– Хўжа Муҳаммад бундан тўрт аср илгари умр кечирганлар. Бу зотнинг оталари Бухорои Шарифга Қуддусдан келганлар ва шу ерда турғун бўлиб қолганлар. Ҳазрат Хўжа Муҳаммаднинг нафаслари жуда кучли бўлганки, биргина дуо билан ёмон кимсаларнинг зараридан покдил инсонларни қутқара олганлар. Фақат кўнгли тоза, имонли кишиларгагина ёрдам берганлар.

Отахон шу сўзларни айтгач, ортига қайрилди ва ҳеч кимга ҳеч нарса демай юриб кетди.

Бир қанча сониядан сўнг кўздан йўқолди.

Абдуллахон II унинг ортидан қараб қолар экан, мулозимларидан сўради.

– Ким бу нуроний отахон?

Улар елка қисдилар.

– Биз билмаймиз! – жавоб бердилар ва шу ерда ҳозир у нозир бўлиб турган шаҳарнинг бош имомига саволомуз қарадилар.

У ҳам бу кимсани биринчи бор кўриб турганини айтди.

Шу ердагиларнинг ҳеч бири у нуроний отахонни танийман деб айтмади...

Абдуллахон II мажмуани пиёда айланиб чиққач, усталарнинг ишидан мамнунлигини айтди ва устабошига зарбоф тўн

кийдирди. Бошқа усталарга ҳам ўн олтин тангадан мукофот берилишига амр қилди.

Шу куни рўй берган воқеадан сўнг, Бухоро аҳолиси буюк валий Хўжа Муҳаммад исми ёнига “Паррон”, яъни учириб юборувчи сифати қўшиб айтилишини эшлашди. Баъзилар, хаттоки, Абдуллахон II га мурожаат қилган отахонни – Хўжа Муҳаммаднинг Парроннинг руҳи инсон шаклига кириб келган, отни ҳуркитган кийикни ҳам у юборган, чунки бу ишни шароит тақазо этган. Бу иш улуғ авлиёнинг каромати туфайли рўй берган, деб гап тарқатдилар.

* * *

1128-1130 йиллар.

ҚУДДУС ШАҲРИ.

* * *

Тарихий ахборот

Қуддус Ислом дини ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган шаҳарлардандир. Бу маскан Қуръонда ҳам тилга олинган. Пайғамбаримиз Муҳаммад Салаллаҳи Алайҳи Васаллам

Меърожга худди ердан чиққанлар.

Қуддус шаҳрининг, баъзан уни Байтулмақаддас ёки Иерусалим деб ҳам аташади, бошқа бир жиҳати борки, у ҳам бўлса Ислом, христиан ва яҳудий динларини жамулжам қилган заминдир. Шунинг учун, бу ер инсоният тарихи мобайнида катта жангларни, қирғинларни, парокандаликларни ҳамда гуллаб-яшнашларни кўрган.

Ушбу асарда, мен Қуддус тарихини ўзимнинг асарим учун

керак бўлган вақтларинигина кўрсатаман.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Салаллаҳи Алайҳи Васаллам Оллоҳнинг каломини ер юзига ёётган даврларида, бу муқаддас маскан, пойтахти Константинополь шаҳри (ҳозирги Стамбул) бўлган Византия империясига қарам бўлган. Қуддусда христиан дининг католик оқими ҳам, православ оқими вакиллари ҳам ҳаёт кечиришган.

Расулulloҳ вафотларидан кейин, чорёрлардан Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврларида – 638 йилда Қуддус мусулмонлар томонидан эгалланган. Халифа бу ерда биринчи масжидни қурдирган. Шаҳарнинг асосий қисми мусулмон динини қабул қилган. Араблар ҳам бу ерга кўплаб кўчиб келишган.

691 йилда Байтулмуқаддасда ҳазрат Умар ибн Хаттобга бағишлаб, қайтадан улкан масжид барпо этилган.

800 йилда феъли кенг халифа – Хорун ар-Рашид Байтулмуқаддасда христианларнинг ҳам яшашига, черков ва монастирлар қурилишига ижозат берган.

1099 йилда бу шаҳарни европалик салбчилар, яъни фаранглар мусулмонлар билан қирғинбарот жанглар қилиб, эгаллашган. Сабаби, улар Қуддусни фақат христианларники бўлиши керак деб ҳисоблашган. То 1187 йилгача, яъни 88 йил давомида Байтулмуқаддас жуда кўп марта қўлдан қўлга ўтган. Салбчилар бу ерда муқим яшовчи мусулмонларга ва оз сонли яхудийларга ҳам кун беришмаган. Масжидларни черковларга айлантиришга уринишган.

1187 йили, келиб чиқиши моворауннаҳрлик, асли туркийлардан бўлган султон Салоҳиддин, мусулмонларга бош бўлиб, барча салбчи фарангларни Байтулмуқаддасдан қувиб чиқарган. Европаликлар унинг ҳарбий маҳоратига, мардлигига тан беришган ва ҳурмат билан Саладин деб аташган.

Шу вақтдан бошлаб, то 1967 йилгача Қуддус шаҳри фақат мусулмон давлатлар ҳудудида бўлган. Саккиз аср мобайнида христианларга ҳам, яхудийларга эркин яшашлари ҳамда ибодат қилишлари учун барча эркинликлар берилган ва зарур

шароитлар яратилган.

Худди шу – 1967 йили, Иккинчи Жаҳон урушида жафо чеккан яҳудийлар бирлашсин дея, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йилда ташкил этилган Исроил давлати, АҚШ га суянган холда зимдан катта тайёргарлик кўрди, ва кўққисдан Қуддусга тажовузкорона хужум қилди. Натижада, Байтулмақаддас, мусулмон мамлакат - Иордания қироллигидан зўравонлик билан тортиб олинди ва Исроил давлати таркиби деб эълон қилинди..

* * *

1128 йили Қуддус шаҳрида истиқомат қилувчи Хўжа Афзал Илёснинг хонадонида хурсандчилик юз берди. Оллоҳ унга яна бир фарзанд ато этди. Жуфти ҳалоли кўчқордек ўғил туғди. Ота чақалоққа, яхши ният билан, пайғамбаримизга муносиб уммат бўлсин учун, Муҳаммад деб исм қўйди.

Ер юзига илк бор кўз ташлаган янги инсон – Хўжа Афзал Илёс учун иккинчи ўғил эди. Биринчиси, бу пайтларда бемалол чопқиллаб юрадиган, бийрон гапирадиган бўлиб қолганди, яъни уч ёшга тўлганди. Унинг номи Аҳмад эди.

Хўжа Афзал Илёс масжидда имом эди. У жуда саводли бўлиб, Қуръонни ёд билар, қироатини келтириб ўқирди. Диний билими чуқур ва мушоҳадаси кенг бўлгани учун уни кўпчилик ҳурмат қилар, уни мартабали кишилар қаторида кўришарди. Аммо, ушбу шаҳар – Байтулмақаддасни ишғол қилиб, бу ерларда ўзларича қироллик ташкил этган салбчилар шундоқ зотга ёт кўз билан боқишарди.

Хўжа Афзал Илёс бу маскан – Қуддусда мусулмонлар бор экан, уларнинг хизматини қилишни ўзининг вазифаси деб билар, фарангларнинг истибдодига чидаб яшар эди.

1131 йилда Байтулмақаддас тахтига янги қирол Фулько V чиқди. У ўзининг ўта жоҳиллиги билан ажралиб турарди. Фулько

V нинг илк буйруқларидан бири – шаҳардаги барча масжидларни ёпиш ва уларни христиан динидаги кишиларнинг чўқинадиган жойига –черковларга айлантириш бўлди. Натижада, мусулмонлар жамоат бўлиб намоз ўқиш имкониятидан маҳрум бўлдилар.

Хўжа Афзал Илёс ҳарбий киши эмасди. Акс холда, қўлига қилич ва найза олиб, фарангларга қарши аёвсиз жанг қилган бўларди. У илм одами эди. Масжид ёпилгандан сўнг, икки хафта мобайнида нима қилишни билмай, бола-чақамни қандай боқаман деб, гарангсираб юрди. Бирон иш қилай деса, ҳунари йўқ. Илм эса бу масканда керак бўлмай қолди. Бошини қаерга урсин?!. Қайси маҳкамага қадам қўйсин?.. У ҳар куни шу кайфиятда бошини ёстиққа қўярди.

Бир куни, пайшанба куни эди, шундай ҳолатда, ҳеч нарса танавул қилишни ҳам истамай уйқуга кетди. Тонгда эса туш кўрди.

Тушида бир номаълум шаҳарда юрган эмиш. Бу маскан масжид-у мадрасаларга тўла эмиш. Баланд-баланд миноралардан ёқимли овозда намозга чақириқлар янграётган эмиш. Атрофидаги одамларнинг истаралари иссиқ, барча мўъмин ва мусулмон эмиш. Бу юрт қай ер экан, деб ўйлаб турса, бир мўйсафид зот унга жилмайиб яқинлашиб келибди. Хўжа Афзал Илёс дархол унга салом берибди. Мўйсафид алик олгач, қутлабди.

– Тақсир! Шаҳримиз Бухорога хуш келибсиз! Нега бир ўзингиз келдингиз? Кейинги сафар оилангизни ҳам ола келинг! Шу ерни Ватан қилинг! Сизни кутамиз!

Хўжа Афзал Илёс бу сўзлардан ўзининг Бухорода юрганини англабди ва жавоб берибди.

– Қабул қилсангиз, албатта келаман, ҳазрат! Ўзим қаерга бош уришни билмай юргандим.

– Бу юрт сиздек ориф кишига муштоқ, тақсир! Бемалол, истиҳола қилмай келаберинг! – дебди мўйсафид ва жилмай-ганча хайрлашибди. – Хўжа Афзал Илёс, майли, ҳозирча хайр! Лекин, шаҳримизга албатта келинг! Сиз шу ерда яшашингиз лозим...

Айни шу ҳолатда Хўжа Афзал Илёс уйғониб қолди. Ва бу не

синоат экан деб, анча ўйлаб ётди. Пайғамбаримизнинг туш ҳақида ҳадислари бор, фикрлади у, яъни Расулуллоҳ айтганларки, мусулмон кишининг туши нубувватнинг (набийликнинг) бўлакларидан бир бўлагидир. У зот яна таъкидлаганларки, энг рост туш сахар пайтида кўрилган тушдир. Демак, Қуддусни тарк этиб, Бухорога бориши керак. Ҳар бир инсон Оллоҳнинг бандасидир. Мавло, қийналган бандасига тўғри йўлни кўрсатиши ёки бу ҳақда бирон белги бериши мумкин. Ушбу туш – шундай белгидир.

Хўжа Афзал Илёс бомдод намозини ўқигач, оиласи билан нонуштага ўтирди. Шу жараёнда аёли ва болаларига бошқа шаҳарга кетишга қарор қилганлигини айтди.

Уларнинг кўзларида қувончдан ўт чақнади. Душман кайфиятидаги фаранглар қуршовида яшаш осон эмасди. Бошқа ерда зора рўшнолик кўриб яшашса!

– Қаерга!.. – хурсанд бўлиб сўради аёли.

– Бухорога! – хабар қилди у.

Аёли яна сўз қотди. У ҳам эри каби билимли ва жуда солиҳа эди.

– Бухоро жуда узоқда-ку! Қандай етиб борамиз у ерга?

– Бизни Оллоҳ қўлласа бўлди, етамиз манзилимизга. Карвонларга қўшилиб бораверамиз! – деди Хўжа Афзал Илёс.

Шу куниёқ у ҳовлисини сотилишини овоза қилди. Ва Моворауннаҳр томонга йўл олувчи карвонлар ҳақида суриштира бошлади.

* * *

1132 йил.

БУХОРО шаҳри.

Хўжа Афзал Илёс оиласининг Бухорога етиб келиш осон бўлмади.

Бир карвонга қўшилиб, Бағдодга боришди. Бир-икки кун тин

олишгач, бошқа савдогарлар билан Нишопурга етиб олишди. Кейин, бу ерда сал кўпроқ дам олмоқчи бўлишди, чунки йўл жуда толиқтирганди. Уч ёш фарзандни – икки ўғил ва бир қизни – эргаштириб сафар қилиш жуда машаққатли экан. Тағинам, жуфти ҳалоли уларни эплади. Йўл азоби – гўр азоби, дейдилар. Тоғлардан ҳарсиллаб ўтдилар, боғ-у роғларнинг энгил ҳавосидан нафас олиб жадалладилар, чўлларнинг, саҳроларнинг иссиқ ва қумли шамолларини ҳам энгиб, аста, лекин тинмай одим ташладилар...

Нишопурдаги ҳордиқ сал чўзилди. Бухорога борувчи карвон йўлга чиққунча ўн кунча вақт кетди. Ниҳоят, йўл юриб, йўл юрсалар-да мўл юриб, умумий ҳисобда, икки ой ўтгач шариф шаҳарга қадам қўйдилар.

Қуддуслик меҳмонлар карвонсаройга жойлашишгач, икки-уч роса ухладилар.

Тўртинчи кун, Хўжа Афзал Илёс Бухоро ҳукмдори маҳкамасига қадам ранжида қилиб, ушбу шаҳарда яшашга изн сўради.

Маҳкама ходими араб тилини яхши биладиган мирзолардан экан, уни яхши тушуниб, савол берди.

– Тақсир! Нима учун ва қандай мақсадда шаҳримизда яшамоқчисиз?

– Мен Байтулмуқаддасликман. У ерни ҳозир фаранглар ишғол этишган. Мусулмонларга кун йўқ. Масжидлар ёпилган. Тирикчилик мушкул. Ўзим жангчи, ҳунарманд, савдогар ёки деҳқон эмасман. Илм йўлидаги одамман. Масжидда имом эдим. Бухоро ҳам Исломи дини учун Қуддус каби муқаддас макон. Шунинг учун, анча йиллар ўқиб, йиққан билимларим зое кетмасин, динимизнинг ривожини ва мустаҳкамланишини учун хизмат қилай деган ниятда шаҳрингизга келдим. Оилаликман, учта фарзандим бор.

– Тушунарли. Ундай бўлса, мен масжид имомига хат ёзиб бераман. Илмингиз даражасини аниқлаб, бирон юмуш беради. Ижарага жой керак бўлса, ёрдам ҳам кўрсатади. Исмингиз нима?

– Хўжа Афзал Илёс...

– Яхши. Мана шу хатни имомга етказинг. Араб тилини биладилар. Бухоро аҳолиси икки, яъни туркий ва тожик тилларида гаплашади. Сиз бу ерда турғун яшашни истасангиз, шу забонларни ўрганишингиз лозим.

– Албатта. Шундай ниятим бор.

* * *

Масжид имоми Хўжа Афзал Илёсни хушфёъллик билан кутиб олди. Хатни ўқигач, унга сўз қотди.

– Тақсир! Илм одами экансиз. Байтулмуқаддасдан келибсиз. Лекин, ҳозир тил ўрганмагунингизгача сал оддийроқ ишлар қилиб туришингизга тўғри келади.

– Қандай вазифани лозим топсангиз, қилавераман!

– Ундай бўлса, маҳалламизнинг этагида бир одамнинг бўш ётган ҳовлиси бор. Бола-чақангизни олиб, ўша ерга боринг. Мен сизга бир муллавачча йигитни қўшиб бераман, у ҳовли эгаси билан гаплашишга ёрдамлашади. Эртага шу ерда бомдод намозини ўқигач, ишга киришаверасиз. Келишдикми?

Хўжа Афзал Илёс бошини эгди.

– Хўп бўлади, ҳазрат!

– Айтгандек, шу муллавачча йигит сизга туркий ва тожик тилларини ўргатиши мумкин. У билан гаплашинг. Араб тилидан оз-моз хабари бор. Сиз эса, ўз навбатида, йигитга пайғамбаримиз забонини сингдиринг! Маъқулми?

– Жуда соз!

* * *

Шундай қилиб, қуддуслик Хўжа Афзал Илёс Бухоро шаҳрида муқим яшаб қолди. Уч йилда туркий ва тожик тилларини тўлиқ эгаллаб олди. Шундан сўнг, у бемалол қорилик қиладиган бўлди. Вақт келиб, уни янги қурилган бир масжидга имом қилиб

тайинладилар.

Бу йилларда Бухоро шаҳри **Қорахонийлар империяси** тасарруфида эди.

Қорахонийлар давлати, Еттисув деб аталмиш, Иссиққўлнинг шимолий томонларидаги ва атрофларидаги ерлардаги туркий халқларнинг бирлаштирилиши натижасида X асрда ташкил топган эди. Балосуғун шаҳри пойтахт қилинган эди. Қорахонийлар мамлакати аста-секин ривожланиб борди ва ҳозирги шарқий Туркистон, яъни уйғур халқи истиқомат қилувчи Қашқар атрофлари, кейин эса Фарғона водийси бўйсиндирилди. Натижада, пойтахт аввал Қашқарга, сўнг ҳозирги Ўш яқинидаги Ўзган шаҳрига кўчирилди. Бу ердан туриб империяни бошқариш осон эди. Вақт келиб, улар Моворауннахрга ҳам бостириб кириб, бу қадим ерларни ҳам измиларига олдилар. Ҳамда Самарқандни марказ қилиб танладилар.

Қорахоний ҳукмдорлар ўз ерларидаги турли халқларнинг маданиятини бир-бирига уйғунлаштириш сиёсатини олиб борганлар. Катта шаҳарларда хунармандчиликларни, савдо-сотиқ ишларини ривожлантирганлар. Янги-янги мачитлар, мадрасалар қурганлар. У ерларда аҳоли кўпайиб, шаҳар деворлари хаттоки ташқарига силжитилиб, қайта қурилган.

Бухоро бу пайтда ўзининг олий ўқув юртлари билан шуҳрат қозонган. Узоқ-яқиндан таълим истаб жуда кўп толиблар келишган. Хаттоки, уларга сабоқ берувчи уламолар етишмаган.

Шунинг учун, Хўжа Афзал Илёс каби билимли зотлар бу юртда зарур эдилар.

1137 йилда Қорахонийлар давлатига қорахитойлар деб аталган кўчманчи қабилалар қўшин тортдилар. Улар туркий тилли бўлиб, маълум миқдорда хитойликлар билан қонлари аралашган халқ эдилар. Қорахитойлар жуда жанговар бўлиб, шу воқеадан илгари Енисейдан то Талас дарёси водийсигача

(ҳозирги Қозоқистон ва Қирғизистонда) бўлган ерларни босиб олгандилар ва бу жойлардан қорахонийларни сиқиб чиқаргандилар. Шу йили улар Мовароуннаҳр ҳукмдори, қорахоний Маҳмудни Хўжанд шаҳри яқинида енгдилар. Ва уни катта ўлпон тўлашга мажбур қилдилар.

Вақт ўтиб, Маҳмудхон янги куч тўплади, салжуқийлардан кўмак сўради. Кейин қорахитойларга қайта уруш эълон қилди. Ҳал қилувчи жанг 1141 йили Самарқанд яқинида бўлиб ўтди. Қорахонийларнинг ва салжуқийларнинг бирлашма қўшинлари қорахитойларни барибир янча олмадилар. Аксинча, қақшатқич мағлубиятга учрадилар. Ғолиблар Самарқандни олдилар, сўнг Бухорога кирдилар ва Мовароуннаҳрни тўлиқ эгалладилар. Уларнинг махсус қўшинлари Хоразм томонга ҳам йўлланиб, улардан йиллик ўлпон тўлаб туриш мажбуриятини олиб қайтдилар.

Қорахитойлар бутун катта давлатни босиб олган бўлсалар-да, бу ерда қолмадилар. Улар қорахонийларни бу ерда, ҳар йили катта ўлпон тўлаб туриш шарти билан, ҳукмрон қилиб қолдирдилар.

* * *

1144 йил.

БУХОРО шаҳри

Йиллар ўтди. 1144 йил кириб келди.

Бу даврда, Хўжа Афзал Илёснинг ўғиллари – Аҳмад ва Муҳаммад улғайишиб, мактабни ўқиб битиришганди. Бу жараёнда, улар, кўп билимни падари бузрукворларидан олишганди. Натижада, хатли-саводли бўлиб, Қуръонни бемалол ёддан қироат қилиб ўқий оладиган бўлдилар.

Уларнинг ўсмирлик даври тугаб, йигитликка қадам қўйишгач, катта фарзанд ота йўлидан боришга қарор қилди.

Кичик ўғил – Муҳаммад эса тариқат йўлини танлади.

Унинг бу истагидан Хўжа Афзал Илёснинг боши қотди. Бу йўл – жуда машаққатли, тинимсиз меҳнат, тинимсиз ўқиш ва изланишлар йўли эди. Бунинг устига, кучли пири устоз ҳам топиш, унинг этагидан ушлаб, хизматини қилиш зарур эди. Шундагина, анча йил умр ўтказиб, тариқатнинг маълум бир поғонасига чиқиш эҳтимоллиги бор эди.

Хўжа Афзал Илёс кўнглининг бир четида ўғлимни бу истагини қайриб ташласаммикан, деган ўй ҳам пайдо бўлди, лекин у бу фикрни дарҳол ҳайдади. Чунки, бу йўлга дуч келган одам кирабермайди – унга фақат илоҳий туртки сабабчи бўлиши мумкин. Шунинг учун, ота яқин атрофда ўзининг талабларига жавоб бера оладиган пир қидирди. Кўплардан суриштирди. Лекин, тавсия этилган шайхлар уни қониқтирмади.

Ниҳоят, жуда кўп мулоҳазалардан сўнг, фарзандини ўша даврда араб халифалигининг пойтахти бўлмиш Бағдодга юборишга қарор қилди. Ўша даврда, тариқат илми шу шаҳарда ва унинг атрофларида жуда ривожланган эди. Шу масканда ўғлининг қалбидаги истак машъали зарур пирга йўл топиб беради!..

Хўжа Афзал Илёснинг жуда яқин бир таниши – тажрибали карвонбоши эди. Уни қидириб топди ва вазифани тушунтириб, эндигина йигитликка қадам қўйган ўғлини унга топширди. Натижада, фарзанди узоқ сафарга – араб халифалиги пойтахти сари йўл олди.

* * *

1145 - 1148 йиллар. БАҒДОД шаҳри

Бағдод бухоролик ёш йигит Муҳаммадни ўзининг улуғвор бинолари-ю салобатли мадрасалари билан кутиб олди. Бу шаҳарнинг кўчалари кенгроқ, бозорлари гавжумроқ ва аҳолиси турфароқ экан. Хўжа Афзал Илёснинг ўғли бир нарсага жуда

хайрон бўлди – бу масканда мусулмонлар-у насронийлар бир тилда гаплашиб яшайверишар экан. Уларнинг орасида ашаддий душманлик ва рақобат йўқ экан.

* * *

Бу йилларда ҳам ушбу шаҳар дунёдаги энг ривожланган, гуллаб-яшнаган масканларнинг бири эди. Халифаликда аббосийлар сулоласининг навбатдаги вакили Ал-Муқтафий ҳукмронлик қиларди. Унинг ҳукмронлик даври анча узоқ ва тинч даврларда кечди (1136 – 1160 й.й.). Унинг мамлакатига то 1155 йилгача, Турондан Эронга бостириб кириб, у ернинг катта қисмида, яъни Каспий денгизининг жанубий қирғоғи томонларида Салжуқийлар давлатини ташкил этган жанговар туркий халқлар ҳам кўп таҳдид қила олмаганлар. Фақат шу йилдагина ўзаро тўқнашув натижасида сулҳ тузилган – Ал-Муқтафий, уларга бир қадар бўйсунса ҳам, лекин расман халифа сифатида қолишга эришган.

Салжуқ исмли уруғ ҳукмдорининг набираси Султон Тўғрулбек бошчилигидаги туркий халқнинг Эронга бостириб киришларга сабаб – уларнинг ғазнавийлар ва қорахонийлардан устун келолмаганликлари, ўзларига яшаш учун ер майдони зарурлиги бўлган. Салжуқийлар сулоласи вакиллари, кейинчалик, Кавказ ортини ва Византияни ҳам забт этиб, ҳозирги Туркия ва Озарбайжон давлатларига асос солганлар. Уларнинг бир қисми ўзлигини унутиб, ерли халқ билан қисман арашлаганлар ва эронлашиб, форс забонини она тилига айлантириб курд миллатини ташкил этганлар. Бизнинг даврда, Озарбайжоннинг учдан икки қисми – Эрон территориясида жойлашган. Курдлар эса тарқоқлар, уларнинг ўз давлатлари йўқ. Улар асосий қисми ҳозирги даврда Эрон, Туркия ва Ироқ мамлакатларида яшайди.

Ал-Муқтафий ҳақидаги тарихий маълумотлар кўп қолмаган.

Лекин, мантиқий хулоса чиқариш мумкинки, бу халифа стратегик ақлга эга бўлган, фойдали музокаралар олиб бора олган ва ўз давлати чегараларини ҳимоя қилишга эришган. Натижада, аҳоли тинч, фаровон яшаган. Ҳар соҳада ўсиш, ривожланиш бўлган.

Биз биламизки, ўша даврдаги Бағдод – араб дунёсининг савдо-сотик маркази, илм-фани бешиги ва диний уламолар етишиб чиқувчи олийгоҳи ҳам эди. Шулар билан бир қаторда тасаввуф илми намоёндалари ҳам бу ерда анчагина эди.

* * *

Карвонбоши манзилга етиб келибоқ, ўзининг бу ердаги зарур ишларини битиргач, уни дарҳол яқин орадаги мадрасага олиб борди. Муҳташам иморат ичига киришгач, бир домла хужрасига кирдилар. У ердаги уламо карвонбошига яхши таниш экан. Меҳмонларни хушфёъллик билан кўрпачага ўтказди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, пиёлада шарбат узатди ва муддаолари не эканлигини сўради.

Карвонбоши домлага Муҳаммадни таништирди ва унинг отасига таъриф берди. Сўнг, бу йигитнинг тариқат илимини олишга рағбати борлигини, уни Бағдоддаги энг кучли пирга мурид қилиб топшириш отаси томонидан илтимос қилинганганини айтди.

У зот бу гапларни эшитиб, бир неча вақт йигитчага синовчан боқиб турди. Ва ниҳоят сўз қотди:

- Тақсир! Араб тилини яхши биласизми?
- Ҳа! Оиламизда асосан шу забонда сўзлашамиз.
- Сиз қадам қўймоқчи бўлган жабҳа жуда машаққатлидир, буни биласизми?
- Албатта, хабарим бор.
- Жуда узоқ йиллар пир хизматини қиласиз, очин-тўқин яшайсиз, шунда ҳам тариқат илмини ё эгаллайсиз, ё... умрингиз беҳуда ўтади – бунга тайёرمىсиз?

Муҳаммад энди унга синовчан боқди ва деди:

– Шунча йўл босиб, яқинларимни қолдириб, бир ўзим мени ҳеч ким танимайдиган шаҳарга келдим. Сабаби – қалбимда кучли истақ ва ишонч бор. Майли, пир хизматига, ўқиш-ўрганишга қанча йиллар кетса-да, тариқат илмини эгалласам бўлди. Ҳеч қандай ғов мени бу йўлдан қайтаролмайди. Оллоҳга яқинлашиш йўли ҳеч қачон осон бўлган эмас!..

Бу жавоб уламони қониқтирди. Юзида мамнунлик ифодаси зоҳир бўлди. У карвонбошига ўгирилди.

– Бу йигитчани майли қолдириб кетинг! Мен унинг дин илмини қанчалик эгаллаганлигини ҳам текшириб кўргач, ўзим бир ажойиб шайхга олиб бораман. Анча йиллик қадрдонмиз. Умид билан хузуримга келибсиз – ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

Карвонбоши ҳам жилмайди. Енгил тин олди. Ҳар тугул, иш осон кўчди. Муҳаммад жуда тўғри жавоб қилди. Энди унинг отаси олдида юзи ёруғ бўлади. У, йигитчани устозига топширгунча роса сарсон бўлсам керак, деб ўйлаганди.

– Раҳмат, тақсир! – хитоб қилди карвонбоши. – Сизга Оллоҳдан доимо марҳаматлар келиб турсин!

– Ҳа, йигитчанинг отаси билан яқин экансиз, унга бемалол айтаверинг – хотиржам бўлсинлар. Менимча, бу фарзанд ўз мақсадларига эришадиган одам. Уни ўз пирига топширгач, вақти-вақти билан, дўстлигимиз ҳурмати, хабар олиб тураман. Кейинги галдаги сафарларингизда албатта учраштираман.

Карвонбоши қўзғалди.

– У ҳолда, менга рухсат беринг! Ўзингиз биласиз, касбимни, – ташкилий юмушларим кўп. Уларни амалга ошириб бўлгач, ортга қайтиш тадоригини ҳам кўришим керак.

Уламо дуо ўқиб, Оллоҳдан унга оқ йўл сўради ва суҳбатдошлар ўрнларидан турдилар.

Карвонбоши чиқиб кетгач, уламо Муҳаммадга юзланди.

– Тақсир! Сиз йўлдан келгансиз. Сафар анжомларингизни олинг-да, мен бир хужра кўрсатаман, у ерга кириб бугунча дам олинг. Кечқурун суҳбат қурамиз. Эртага бомдод намозидан сўнг

эса, сизни бир шайх – бўлгуси пири муршидингиз ҳузурига олиб бораман.

* * *

Пири муршид жуда хушфеъл ва олий зот инсон экан. Ҳузурига келган икки кимсани очиқ чеҳра билан кутиб олди.

Уламо шайх билан ҳол-аҳвол сўрашгач, муддаосини айтди.

– Тақсир! Бу йигитнинг исми – Муҳаммад. Ўзи Моворауннаҳрдан келган. Нияти – тариқатни ўрганиш. Менинг яқин дўстим унга ёрдам беришни сўради. Шунинг учун хонақоҳингизга ташриф буюрдик. Уни муридликка қабул қилишингизни сўрайман. Мен Муҳаммад билан анча суҳбатлашдим. Дин илми унда жуда мукамал!

– Жуда соз! Ажойиб жаннатмакон юртдан мени излаб шогирдликка бир инсон келади-ю, мен уни қувиб чиқараманми? Фақат мен уни бир имтиҳон қилиб олишим лозим. Майлими?

Муҳаммад рози бўлиб бош эгди.

Уламо оҳиста жилмайди.

– Сиз одамни имтиҳонсиз ҳам қандай эканлигини биласиз, шайх!

– Балки, шундайдир, лекин, барибир, бу йигитга бир қанча саволларим бор.

Шайх ўзининг синчков кўзлари билан Муҳаммадга аста тикилди. У бу мусофирнинг қалбини тадқиқ этаётган эди. Кузатиш кўп давом этмади. Юрак ғоят тоза эди. У ниҳоят савол берди.

– Отангизнинг исмлари нима? У киши не касб билан рўзғор тебратадилар.

Муридликка номзод йигит бийрон жавоб қилди.

– Отамнинг номлари – Хўжа Афзал Илès... У зот асли Қуддус шаҳриданлар, ҳозирги пайт Бухорода имомлик қиладилар.

– Сизни тариқат йўлига киришга падарингиз ундадиларми ёки бошқа кимсами?

– Ҳеч ким ундагани йўқ. Бу менинг ўзимнинг, қалбимнинг хоҳиши!

– Бу истак қандай пайдо бўлди?

– Ёшлигимда, хат-саводим чиққач, Қуръонни ёд олгач, атрофимизни ўраб турган бу борлиқ ҳақида ва уни Яратган Зот тўғрисида кўп ўйладим. Натижада, шундай фикрга келдимки, ҳар бир инсон жон-жаҳди билан Оллоҳга яқин бўлишга интилноми керак. Фақат шундагина, Унинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўламиз ва умримиз беҳуда ўтмайди. Хамда, қиёматда, ёруғ юз билан, ҳеч чўчимай Мавлога рўбарў бўламиз. Унга яқинлашишнинг йўлларида бири эса – тариқат!

Муҳаммаднинг бу фикрлари пири муршидга жуда маъқул бўлди. Ҳамма ҳам бу ёшда шу тахлит фикрлай олмайди. У яна сўради.

– Мушоҳадангиз ёмон эмас. Лекин, тариқат йўли – жуда мушкул. Ҳаётнинг анча қисми ўқиш-ўрганишга, пир хизматига кетиб қолади!

– Агар муридликка қабул этсангиз, барча қийинчиликларга чидайман, айтганларингизни қиламан ва жон-жаҳдим билан ўқийман!

– У ҳолда, майли, Муҳаммад, сизни фарзандликка қабул этдим. Шу бугундан бошлаб хонақоҳимда яшайсиз ва барча буюрилган ишларни қиласиз!

– Хўп бўлади, пирим!

* * *

Шундай қилиб Муҳаммад ушбу пир хонақоҳида қолди. Эртаси кундан унинг учун янги ҳаёт бошланди.

Шайхнинг ўн олти нафар муриди бор экан. Уларнинг тариқат йўлидаги ўқиш-ўрганишлари поғоналари турлича экан. Уларнинг сафига Муҳаммаддан сал олдин – бир ой илгари икки янги мурид ҳам қўшилган экан. Янги шогирдлар энг катта муридга

бириктирилган эканлар. У нимани ўргатса, қандай юмуш буюрса, барчасини бажаришга шай турар эканлар.

Шайх Муҳаммадни ҳам шу Катта Муридга топширди.

Катта Мурид икки ой унга сабоқ бермади. Муҳаммад хонақоҳни, ҳовлини супириш, тозалаш, кир-чир ювиш, нонушта, тушлик ва кечки овқатларни тайёрлаш каби ишлар билан банд қилинди. Йигит ўзининг сабр-тоқати синалаётганини билар, шунинг учун миқ этмай хизмат қилиб юраберди.

Учинчи ойнинг бошида, Катта Мурид уни имтиҳон қилди. Муҳаммаднинг асл мақсади нима?.. Қуръонни қанчалик даражада билади?.. Ёддан тўлиқ ўқий оладими?.. Ростданми? Йўғ-е!.. Уни тафсирини айтиб бера оладими?.. Ҳадис илми қандай эгалланган?.. Жуда соз! Унда, биринчи поғона ўтилган деб ҳисобланса бўлади!

Муҳаммад Бухорода эгаллаган барча билимини Катта Муридга кўрсатиб бергач, тариқат асосларини, тасаввуф қонуниятларини ўрганишга киришди. У берилган сабоқларни шунчалик тез ва пухта ўзлаштириб олар эдики, бундан шайхнинг биринчи шогирди ҳайратга тушарди. Бошқа муридлар бир-икки йилда ўтган поғонани у икки ойда босди.

Шундан сўнг, шайх уни ҳузурига чақирди.

– Муҳаммад! – деди у. – Катта Муридим айтаяптики, сенга ортиқ сабоқ бера олмас экан. У билган нарсаларнинг ҳаммасидан воқиф бўлиб улгурибсан. Бугундан кейин, сенга фақат ўзим дарс бераман. Бундан ташқари, менга қониқмай, шундай билимлар борки, уларни мустақил равишда эгаллашинг зарур. Уларни турли китоблардан ўзинг топиб ўрганасан. Шунинг учун, сенга бўш вақт ҳам бераман: кутубхоналарга ва китоб расталарига бориб, уларни топасан – ўқийсан. Тушунарлими?

– Ҳа, прим! – бошини эгди Муҳаммад.

Шундай қилиб, бухоролик йигитча бағдодлик тасаввуф билими эгаларини ҳайратда қолдириб, янги даражадаги поғонага тезгина чиқиб олди.

* * *

Шайх Муҳаммаднинг эсда сақлаш қобилиятининг жуда кучли эканлигини яхши ҳис қилгани учун, унга бошқаларга нисбатан икки баробар кўп дарс берар ва айрим мавзулар бўйича мустақил ишлар топширади. Бухоролик мурид бу билимларни минг йилдан бери устига сув тушмаган қумдек шимиб оларди. Ўқиш ва эшитиш орқали келаётган барча маълумотлар унинг онгидан ўчмас бўлиб жой оларди.

Муҳаммаднинг қувваи ҳофизаси шундай эдики, дарсларни бир марта эшитса, китобга озгина нигоҳ ташласа – шунинг ўзи етарди. Шунинг учун, унинг бўш вақти бошқаларникидан кўпроқ эди. Бундай дақиқаларни у китоб бозорда ўтказарди. Хатто, баъзи бир қиммат китобларни ўша ернинг ўзида ёки бир кунга ижарага олиб, хонақоҳда, ўқиб чиқар ва кейин эгасига қайтариб берарди. Мутолаа қилган рисоласининг ҳар нуқта-ю вергулигача унинг ёдида қолар – исталган бетини сўрасалар, шариллатиб айтиб кетарди.

Хонақоҳдаги хизматлар ҳам унинг томонидан тез ва пухта бажарилар, шу сабаб – катта муридлар унга иш буюришни хуш кўришарди. Муҳаммад эса ўзини хокисор тутарди.

У ўз шайхининг насиҳатларини ҳам эсидан чиқармасди. Уларни ўзига ҳаёт қоидаси қилиб олганди:

“Тариқат йўлидаги ҳар кимнинг, ҳар дарвешнинг хўрлиги шундаки, амалдорлар ҳамда бекларни бирор таъма умидида азиз тутиши ва уларга тавоъзе қилишидир.

Аксинча, Оллоҳга интилиб, бу дунё бойликлари-ю ўзига оҳанграбодек тортувчи неъматларидан воз кечган дарвешларнинг дуолари жуда барокатлидир. Хаттоки, бундай дуолар натижасида халқ устига келаётган турли балолар ҳам даф бўлади. Ер юзида ҳаётнинг давом этаётганлиги ҳам шундай зотларнинг – дарвешларнинг мавжудлиги учундир.

Ҳозирги пайт одамида инсоф йўқ; сен унга хизмат қилсанг – у ҳам сенга хизмат қилади; сен уни тарк этсанг – у ҳам сени тарк этади. Яъни, холис муносабат йўқ.”

* * *

Бир куни Муҳаммад вақти топиб китоб бозорига йўл олди. У оҳишта юриб бораркан, сал олдинроқда кетаётган, ўзига тенгдош гавдалик бир йигитга кўзи тушди. Муҳаммад уни орқаваротдан танирди, чунки у хонақоҳ жойлашган маҳаллада яшарди. Гоҳ-гоҳ юзма-юз келиб қолганда бош ирғаб сўрашиб ҳам қўйишарди. Лекин, унинг исмини билмасди.

Муҳаммад ҳали анча юриши керак, агар бу йигит ўша ёққа кетаётган бўлса, балки ҳамроҳ бўлар. Шу умидда, у қадамини тезлатди ва етиб олди.

Йигит ёнига қаради-да, Муҳаммадни танидими, ҳиёл жилмайди. Бухоролик мурид дарҳол салом берди.

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом! – алик олди йигит.

– Узр, тақсир! Мен китоб бозорига бормоқчиман. Агар, сизнинг йўлингиз ҳам ўша тарафга бўлса, суҳбатлашиб кетайлик, деган ниятда сизга етиб олдим. Мен сизни танийман – шу маҳаллада яшайсиз!

– Ҳа! Мен ҳам сизни кўп бор кўрганман. Менинг йўлим китоб бозор эмас-ку, лекин ўша ерга яқин. Келинг, танишиб олайлик!

– Исмим – Муҳаммад. Шайхнинг янги муридлариданман. Асли бухороликман!

– Ростданми!? – йигитнинг кўзларида ўт чақнади. – Шундай узоқ ердан келганмисиз! У шаҳарни Бухорои шариф дейдилар-ку!

Йигит бир оз ҳаяжонга тушиб сукут сақлади-да, номини айтди:

– Менинг исмим – Фотиҳ.

– Нима иш билан шуғилланасиз? – сўради Муҳаммад.

– Биласизми, мен хатли-саводли инсонман. Китоб ўқишни

мен ҳам севаман. Лекин, асосий касбим – ҳунармандчилик. Мен ёғочдан турли қутилар, сандиқчалар ясайман – шаҳарда дўконимиз бор. У ерда укам ишлайди. Мен ва дадам ясаган маҳсулотларни сотади... Сизни эса биламан – тариқатни ўрганаётган мулла йигитсиз!

– Ҳа, ҳунар – ҳунардан унар, деган гап бор бизда. Ҳунари бор одам ҳеч қачон оч қолмайди.

– Муҳаммад, биласизми, бирор касбни эгаллаш яхши, аммо, инсоннинг яна қандайдир қизиқадиган соҳаси бўлиши лозим. Мана, мен ҳозир ўзимга завқ бағишлайдиган машғулотга кетаяпман!

Мурид йигит жонланиб сўради.

– Қандай машғулот?

– Қиличбозлик! Хамда рақиб билан уришиш усуллари!

– Бунга ўргатадиган жой борми?

Фотиҳ жавоб беришдан олдин Муҳаммадга бир қараб олди.

– Бор, албатта! Лекин у ерга ҳаммани ҳам қабул қилаверишмайди.

Мурид йигит, унинг бу огоҳлантириши сабабини англамади. Биринчидан, унга, айтинг, мени ҳам тўгаракка қабул қилишсин деб илтимос қилмади. Иккинчидан, вақти жуда оз бундай машғулотларга. Шунинг учун, савол берди.

– Нима, у ерга бориб машғулот қилишга талабгорлар кўпми?

– Ҳа! Устозимиз йигитларни фақат обдон синаб, кейин шогирдликка қабул қиладилар.

Чунки, келгусида зўр навкар бўлишни орзу қилувчи ёш-яланглар мўл. Лекин, уларнинг ҳаммаси ҳам истеъдодли эмас-да!

Муҳаммад ўзи ўйламаган ҳолда сўз қотди.

– Мен ҳам синовга борардим-ку, бироқ вақтим жуда зиқ. Таҳсил олиш, китоб ўқиш ва хонақоҳнинг ишлари анча қўлимни олади. Гоҳо, камроқ ухлашга ҳам тўғри келади.

Фотиҳ, бу озғингина мулла йигитга боқди. “Умрида қилич ушлаганмикан ўзи?”, ўйлади у ва фикрини билдирди.

– Тариқат ва тасаввуф эгасининг қилич ушлаши, рақиб билан

муштлашиб юриши чиройлик кўринармикан?

Муҳаммад унинг мушоҳадасини тўғри эканлигини тан олди.

– Ҳақиқатдан, шундай. Лекин, болалигимда кўчадаги тенгдошларим билан ёғоч қиличларда уриш-уриш ўйнардик. Бу нарса менга жуда ёқарди!

– Ҳа, болалик жуда ажойиб! – жавоб берди Фотиҳ.

Улар бу пайтда кичик кўчадан қайрилиб, каттасига қайрилишди. Бу йўл тўғри бозорга олиб борарди.

Умуман олганда, Бағдод шаҳри пухта планлаштирилиб, пойтахт сифатида қурилган эди. Унга илк аббосий халифалардан бири Ал-Мансур мелодий 762 (хижрий 145 й.) йилда асос солиб, умумий юзасини белгилаб, атрофини баланд девор билан ўратган эди. Юқоридан қаралса, бу шаҳарнинг кўчалари ўқдек, қайрилишлари ҳам геометрик тўғри бурчакни ташкил этарди. Унинг умумий майдоний шакли овал кўринишида эди.

Фотиҳ сўзида давом этди.

– Мен бозорга етмасдан чап томондаги кўчага қайриламман. Устозимнинг қароргоҳи ўша ерда.

– Сизни кузатиб борсам майлими? – сўради Муҳаммад.

– Шошмаяпсизми?

– Ҳар бир инсон албатта вақтнинг қадрига етиш керак, лекин мен шундай ажойиб машғулотлар қаерда ўтказилаётган экан деб қизиқаяпман...

– Истасангиз, юринг! – жавоб қилди Фотиҳ.

Улар яна ўн – ўн беш дақиқача юриб, бир маҳобатли дарбоза олдида тўхташди.

– Мана шу эшик – менинг машқлар қиладиган жойим. Ичкарига кирасизми?

Муҳаммаднинг жуда киргиси, бу ерни кўргиси келарди. Қанийди, у ҳам забардаст бўлса-ю, ўзига мносиб рақиблар билан қилибозлик қилса!

– Мени ҳайдаб чиқаришмайдими? – уялинқираб сўради у.

– Йўқ, нега энди, – сўз қотди Фотиҳ. – Сиз ахир мен билан кедингиз-ку! Истасангиз, устозим билан таништираман, Бухорои Шарифдан келган йигит дейман!

Мурид йигит бош ирғаб, розилик билдирди.

– Майли.

Дарбоза ёнидаги тақиллатилган эшикни улар тенги бир йигит очди. Таниш кимсани кўриб жилмайди.

– Келдингми, Фотиҳ! Бугун мен сен билан жанг қиламан! Устоз айтдилар!.. Бу ким? – сўради у Муҳаммадга имо қилиб. – У ҳам тўгаракка кирмоқчими?

– Йўқ, – деди Фотиҳ, – машқларни томоша қилмоқчи, агар устоз қарши бўлмасалар.

У – меҳмон, бухоролик!

– Бўпти, киринглар! – хитоб қилди йигит ва эшикни ланг очди.

Бу уйнинг ҳовлиси анча катта экан. У икки қисмга бўлинган экан. Чап томон иморат – у ерда устознинг оиласи яшаса керак. Унинг ҳовлиси алоҳида – девор билан тўсилган экан. Бундан ташқари, у ёққа, шу ўнг томон ҳовлидан кириладиган яна бир эшикка кўзи тушди. Юқори томоннинг ўнг тарафида кичик уй қурилган экан – у ер устознинг хосхонаси ва қурол-аслаҳалари-ю бошқа анжомлари турадиган жой бўлса керак.

Йигитлар шу хона томонга йўналишди. Муҳаммад ҳам уларга эргашди. Шу пайт ўша уйнинг эшиги очилиб, гавдали, кўзлари ёниб турган, мағрур қиёфали қирқ – қирқ бешлар ёшлар чамасидаги киши чиқди. Уйига ўғли бошлаб келаётган кимсаларни кўриб ҳиёл жилмайди. Бирини таниди – ўзининг шогирди. Иккинчисини билмайди – балки қиличбозликка ишқибоз йигитлардандир.

Фотиҳ устозига яқинлашиб бориб салом берди.

– Ассалом алайкум, устоз!

Муҳаммад ҳам дарҳол унга қўшилди.

– Ассалом алайкум!

Устоз алиқ олди.

– Ва алайкум ассалом! Келинглар, йигитлар!

Шундан сўнг, у Фотиҳга савол берди:

– Бу йигит ким, ўртоғингми? Нима учун сен билан келди?

Шогирд тезликда жавоб қилди.

– Ҳа, бу ўғлон менинг ўртоғим. Исми – Муҳаммад. Ўзи Моворауннаҳрлик. Бухорои Шарифдан келган.

Устознинг жилмайишидан юзида ёруғлик пайдо бўлди.

– Ростданми? Жуда соз! Шундай узоқ ерлардан келган меҳмонмисан?

Муҳаммад ҳам табассум қилди.

– Фотиҳга қариндошмисан? – сўради устоз.

– Йўқ! – бош чайқади Муҳаммад. – Мен бу шаҳарга пир истаб келганман. Ҳозир, Фотиҳнинг махалласидаги шайхга муридман.

– Нахотки? – ажабланди устоз.

Унинг кўзларида бир савол ёниб турарди. Унинг қандай эканлигини Муҳаммад дарҳол уқиб олди ва жавоб берди.

– Тақсир! Мени афв этинг, хонадонингизга қадам ранжида қилганим учун. Фотиҳ айтиб қолди – сиздан қиличбозлик ва рақиб билан уришиш сирларини ўрганар экан. Мен илм йўлидаги бир мурид бўлсам ҳам, қалбим негадир шундай машғулотларга интилар экан. Беихтиёр эргашиб келабердим. Агар, рухсат берсангиз, шу жараённи бир озгина кузатсам. Кейин, китоб бозоримга кетабераман.

Устоз яна жилмайди.

– Меҳмон – отангдан улуғ, дейдилар. Мусофир экансан, сенинг илтимосингни рад этишим нотўғри бўлади. Майли, бир чеккада ўтириб томоша қилабер!

У Муҳаммадга тўғридаги катта дарахт тагидаги супага ишора қилди.

Мурид йигит индамай бориб, у ерга ўтирди.

Супанинг шундоқ рўпараси – машқ майдончаси эди. Машғулотлар яққол кўриниб турарди.

Устоз аввалига иккала йигитга бадантарбия машқларини қилдирди. Кейин уларни майдон доираси атрофида югуртирди. Шундан кейингина уларнинг қўлига қилич тутқизди. Бу қуроллар жанговар эмас эди. Тиғлари атайин ўтмаслаштирилганди. Икки йигит бир-бирлари билан қиличбозлик қила бошладилар.

Фотиҳ билан устознинг ўғли чинакам жангчилардек уришардилар. Улар билардилар ҳамлаларини рақиби усталик билан қайтаради. Лекин, маълум вақт ўтгач, кимдир чарчайди ёки чаққонлик қила олмай ўтмас тиғдан калтак ейди ва мағлубиятга учрайди.

Муҳаммад бу манзарадан жуда завқланди. Қани, ўзи ҳам қўлига қилич олса-ю, ким биландир уришса. Ёки чинакам душманни ер тишлатса, яна ёки бирор ўғри-каззобнинг қўлини кесиб ташлаб, муносиб жазо берса! Бундан ажойиб нарса борми?!

Ниҳоят, йигитлар машқни тўхтатишди. Устоз уларнинг камчиликларини алоҳида-алоҳида тушунтирди. Сўнг, дам олишни буюрди. Роса терлаган йигитлар сув ичгани кетдилар. Мезбон эса Муҳаммаднинг олдига келиб, супага чўкди.

– Қалай, Муҳаммад? Томоша қилдингми?

– Ҳа, жуда зўр! Қанийди, мен ҳам шундай уриша олсам!

Устоз унга ҳайратомуз боқди. Ажаб! Муллаваччалар ҳам жанг қилишга қизиқадиларми?! Бу йигит ўзи қилтириққина бўлса, қилични ҳам кўтара олмаса керак?!. Ҳар эҳтимолга қарши савол берди.

– Меҳмон! Қўлингга ҳеч қилич олганмисан?

– Ёшлигимда, ёғоч қилич ўйнаганман, – соддалик билан тўғри жавоб қилди мурид йигит.

Унинг бу сўзларидан устоз “ҳо-ҳо”лаб кулди. Муҳаммад парво қилмай сўради.

– Тақсир! Қиличингизни ушлаб кўрсам майлими?

– Майли, майли! – жавоб қилди у, кулишда давом этаркан.

Муҳаммад бир чеккага қўйилган қиличларнинг бирини қўлига олди. Уни қинидан чиқарди. Ва жангчилардек баланд

қўтарди. Бу иш унинг ўзига жуда ёқди. Тўсатдан, худди қаршисида душман тургандек унга ҳамла қилиб, қилич сермади. Бундан ҳаво кесилиб, шув этган кескин товуш чиқди. Назарида, душманнинг калласи учиб тушгандек бўлди. Унинг қалби тасаввур қилиб бўлмайдиган завққа тўлди.

Кузатиб турган устоз унинг ҳаракатларидан ҳайратга тушди. Умрида жанговар қилич ушламаган йигит шундай ҳаракатлар қиладими? Бу йигит ёки алдади, ёки унда қиличбозлик истеъдоди бор...

Мурид йигит оҳиста қилични қинига солар экан, мезбон унга сўз қотди.

– Муҳаммад! Ростдан ҳам биринчи бор қурол ушлашингми?

– Алдашдан менга не наф? – қарши савол берди йигит. – Ҳозир, негадир, ўзимни ҳақиқий жангчилардек ҳис қилдим!

– Агар, гапларинг рост бўлса, сенда бир истеъдод бор. Бу – қиличбозлик истеъдодидир! Балки, шунинг учун, бундай машғулотларга қизиқсанг керак!

Муҳаммад фикр-мулоҳаза қилмасдан шартта сўради.

– Ундай бўлса, рухсат беринг, сиздан қиличбозлик сирларини ўрганай!

– Сен ахир муридсан! Пиринг нима дейдилар, бу ишингга?

– Мен мунтазам келиб туролмайман. Вақим зиқ. Лекин, рози бўлсангиз, имкон топиб, гоҳи-гоҳида машғулотларингизга келиб тураман! Майлими?

Устоз бир оз ўйлади. Бундай истеъдодли одамларни текинга ўргатсанг ҳам бўлади. Бу савоб иш. Ажойиб йигит! Келгусида жуда зўр қиличбоз чиқади. Майли, бу ишининг мукофотини, лозим топса, Оллоҳ берар...

– Майли, келақол! Эшигим сен учун доимо очик! Билган нарсаларимни ҳаммасини ўргатаман!

Муҳаммаднинг дилида қувонч қайнади.

– Унда, бугундан бошлаб мен сизни устоз деб атаيمان!

Ҳарб устаси яна жилмайди.

– Майли!

– У ҳолда, менга рухсат беринг! Китоб бозорига боришим керак эди.

– Майли, борақол! Энди қачон кўринасан?

– Иншаолло, индинга иложини топиб келаман!

Муҳаммад шундай деди-да, Фотиҳ билан хайрлашишни ҳам нутиб чиқиб кетди.

У ўзини эндигина қанот қоқиб учишга ўрганиб, парвозга интилаётган қушдек ҳис қиларди.

* * *

Муҳаммад биринчи бор бу шаҳарда ўзини бегона эмасдек ҳис қилди. Чунки, у ҳарб устасида қандайдир бир оталик меҳрига ўхшаган ҳис туйди. Бегона одамнинг мусофирчиликда юрган йигит билан, ўзидан ўзи, текиндан текинга машғулот ўтказиши – унинг қалби кенглигидан, одамийлигидан дарак бермайдими?! Бундай зотлар атрофдагиларга катта руҳий куч-қувват берадилар ва бунинг учун, албатта, Оллоҳдан мукофотларини оладилар. Дунёга ана шундай кишилар устун ва соябондирлар – бошқалар, минг пасткаш ва жоҳил бўлсалар-да, фирибгарлик, сотқинлик ва яхши бандаларга жафо қилиб юраберсалар-да, ана шундай одамлар туфайли ер юзида яшайдилар. Энг Буюк Зот бу дунёни, шундай инсонлар мавжудлиги сабабли, йўқлик гирдобига жўнатмайди.

Икки кун ўтгач, бухоролик мурид йигит янги устози – ҳарб устаси уйига кириб келди. У янги шогирдига бу соҳанинг асосларини ўргата бошлади. Муҳаммад машғулотларга мунтазам келолмаса ҳам, қиличбозлик маҳоратини жуда тез эгаллай бошлади. Ҳарб устаси унинг истеъдодидан завқланар, унга жуда кўп нарсаларни сингдиришни истарди. Авваламбор, у Муҳаммадни бадантарбия қилишга ўргатди. “Бу нарса, – деди у, – сенинг вужудингни қувватга тўлдиради, пайларингни таранглаштиради, оёқ-қўлларингни эгилувчан-букилувчан қилади. Шунда қилич билан берган зарбаларинг аниқ мўлжалга

тушади ва кучли бўлади!” У қиличбозликдан сўнг муштлашиш бўйича ҳам дарс беришни ваъда қилди. Устоз доимо қайтарарди: “Ҳар бир инсон душманга аёвсиз бўлишни, ундан қандай ҳимояланиш йўлларини, қоидаларини билиши лозим!”

Муҳаммад пирига ҳарб устаси билан танишганини ва унинг машғулотларига қатнаётганини айтмади. Бу ҳолат шайхга ёқмаслиги мумкин. Шунинг учун, одатдагидек ўқиб, хизматларни қилиб юраберди. Унинг илмий маълумотларни ўзига сингдириши ва амалий машқлари тезлиги асло секинлашмади. Аммо, бир куни эрталаб пири уни ҳузурига чақирди.

– Муҳаммад! – деди у. – Сенга Оллоҳ икки ишни буюрган экан, яъни тариқат йўлига киришни ва ҳарб ишида маҳоратли бўлишни. Бугун, бомдод намозидан сўнг, бу ҳолатни менга пок руҳлар етказдилар. Ва менга маълум бўлдики, сен мендан бесўроқ қиличбозликни ўрганаётган экансан! Бу ишингга Оллоҳдан рағбат борлигини билмаганимда, сени ўзбошимчалигинг учун, хонақоҳимдан қувиб чиқарардим. Сен менинг севимли ёш муридимларимдансан – келажақда азиз авлиёлар даражасига етишиш салоҳиятинг бор. Тариқат сирларини эгаллашда камчилигинг йўқ. Шунинг учун, сени жазоламайман. Ва ҳарб сирларини ҳеч кимдан яширмай ўрганишингга рухсат бераман. Тариқатда етилганингда ва ўз шахрингга кетганингда, бу икки соҳа сенга жуда асқотиши менга маълум қилинди. Борақол, бўтам!

Муҳаммад пирининг даккиси ва насихатидан қизариб кетди. Нима дейишни ҳам билмай қолди. Фақатгина бошини эгиб оҳиста сўз қотди.

– Пирим! Гуноҳимни афв этинг!

– Бу гуноҳ эмас, бўтам! Майли, хафа эмасман. Сенинг қалбинг буюрган ишни қилгансан. Қалб эса Мавло билан боғлиқдир. Ҳарб сирларини ўрганавер. Фақат, машғулотга йўл олганингда, Катта Муридга айтиб кет, хўпми?

– Хўп бўлади, пирим! – хурсанд бўлди Муҳаммад.

* * *

Шу суҳбатдан кейин бухоролик мурид йигит ҳарб ишини ўрганаётганлигини ҳеч кимдан яширмай қўйди. Атрофдагиларнинг баъзилари ажабланишди, бошқа бировлари ҳавас қилишди. У энди ҳар hafta икки марта машғулотларга қатнар, эрталаб вақтли туриб, бомдод намозидан олдин бадантарбия машқларини бажарарди.

Ярим йил ўтгач, унинг елкалари кенгайди, билаклари йўғон тортди ва таранглашди, нигоҳи ўткирлашди. Энг қизиғи, ҳар икки-уч кунда, бир отахон гоҳо тушига кириб, гоҳо дам олиш пайтларида ҳаёлан гаплашиб, унга душманга зарба бериш ва ҳимояланиш усулларида ҳам дарс бера бошлади. Бундай усулларни у билан машғулотлар ўтказаётган ҳарб устаси билмасди. Муҳаммад шу кураш йўллари мустақил ўргангач, устозига намойиш қилар ва маслаҳатлашарди. У эса, ўз навбатида, бу шогирдининг топқирлигига кўнглида офаринлар айтарди. Меҳнатлари бесамар кетмаётганига қувонарди.

Муҳаммад руҳий оламдан ахборот олиб маҳоратини ошираётганини ҳеч кимга айтмасди. Сабаби, тариқат ва тасаввуф йўлига тушганларга руҳий олам билан мулоқот қилиш мушкул эмаслигини ҳамма ҳам билиб, тушунабермасди.

Бу ҳолатни у, хаттоки, жуда яқин дўст бўлиб қолган Фотиҳга ҳам билдирмади.

Муҳаммад ҳунарманд ва қиличбоз Фотиҳ билан гоҳо ўз кўчаларида ёки устознинг ҳарбхонасида учрашар, сал бўшроқ вақти бўлса, гаплашиб ўтирарди. Суҳбатлашишга умумий мавзулар кўп эди. Чунончи, дўсти, отаси агар рози бўлса, ҳарбий хизматга кирмоқчи эканлигини, лашкарбоши бўлишни орзу қилаётганини айтарди. Муҳаммад ундан зўр қўмондон чиқишига ишонч билдирарди. Баъзан, устоз уларни бир-бирлари билан курашга чорлар – бу куч синашиш, албатта, машқ учунгина эди.

Муҳаммаднинг ҳаёти бир йил шу тахлитда ўтди. У ислом динини, шариат илмини, ҳадисларни мукамал ўрганди. Тариқат

илмининг биринчи поғонасидан жуда тез хатлади. Солиштириш учун айтилса, бошқа муридлар бу довонни уч йилда ўтардилар. Шайх ҳам, Катта Мурид-у бошқа тариқат илмини эгаллаётганлар – барча – Муҳаммаднинг ноёб хислатларига тан берардилар ва ундан келажакда буюк пир чиқишига ишонардилар. Лекин...

...Оллоҳ ушбу тариқат йўлида шахдам қадамлар билан кетаётган йигитга бошқа вазифа тайинлаган экан.

Шайх бир куни кечки пайт, ҳамма зикр тушиб бўлгач, уни яккама-якка суҳбатга чорлади. Одатда, пир муридлар билан эрта тонгда гаплашар, керакли кўрсатмаларни берар, лозим топса, уларнинг билимларини текширарди. Шунинг учун, бухоролик йигит қизиқсиниб пири қошига келиб ўтирди. Пир ёш муридига аста тикилди-да, сўз бошлади.

– Бўтам! – хитоб қилди у. – Мен сен ҳақингда жуда кўпдан бери ўйлаб юрибман. Сенга Оллоҳ томондан берилган имкониятлар, хислатлар жуда ноёб! Ўзинг бу ҳақда билмасанг ҳам керак, шундайми?

Муҳаммад аста жилмайди ва елка қисди. У пирининг асосий сўзларини эшитишни истарди. Шунинг учун, унинг гапини бўлмади.

Шайх давом этди.

– Мен сени тариқатнинг олий нуқтасига чиқади, шайхлик хирқасини кияди, атрофига муридларини йиғади, минбарларга чиқиб халққа тўғри йўлни кўрсатувчи, зарур маслаҳатларни берувчи олий зотлардан бўлади, деб ўйлаётгандим...

Пир шу сўзларни айтиб, бир оз сукут сақлади. Чунки, унинг ўзи шунақа зотлардан эди. У Муҳаммадни ўзи каби юқори даражага чиқа олади, ўзи каби ҳаёт жараёнига ижобий таъсир кўрсата оладиган киши бўлишига ишонарди. Лекин, куни кеча унинг қалбига бошқа бир ахборот келганди: Муҳаммаднинг йўли бошқа!..

Шайх яна сўзларида давом этди.

– Бўтам, мен анъанавий тарзда фикрлаган эканман! Сенга берилган истеъдод бу қолипга тушмас экан, яъни сен ўзга йўлга

киришинг лозим экан...

Муҳаммад пирига ҳайратланиб қаради. Ажабо! Ахир, тариқатни ўрганишга ёшлигидан интилади-ку! Яна қайси ўзга йўлга кириши лозим экан?.. Хонақоҳдан кетадимми?!

Шайх унинг ажабланганлигини, кўзларида жовдираш аломатларини кўрди. Оҳиста жилмайди.

– Бўтам! Асло хавотир олма. Сени хонақоҳдан ҳайдаётганим йўқ. Шу ерда таълим олаберасан. Фақат, энди сенга бошқачароқ дарс бера бошлайман ва умуман ўзгача амалларни ўргатаман. Чунки, сенинг вазифанг тариқатнинг олий нуқтасига чиқиш ва муридларга устозлик қилиш эмас, балки ўзингдаги Оллоҳ ато этган хислатлар орқали барча яхши инсонларга ёрдам бериш экан...

Шайх бир оз тин олди-да, жовдираб турган кўзларга қараганча, сўзларида давом этди.

– Муҳаммад! Сен ўзингда қанча ноёб хислатлар борлигини билмайсан. Улар келгуси ҳаётингда албатта намоёнлашадилар. Сен бу илоҳий имкониятларинг билан ёмонларни жазолайсан, яхшиларни ҳимоя қиласан. Юртингдаги ҳаёт жараёнига ижобий таъсир ўтказасан. Шунинг учун, менинг гапларимни жиддий қабул қил ва тинмасдан ишла...

* * *

Шу куни пир энг ёш муридига бундан кейинги асосий вазифаларини яхшилаб тушунтирди.

Эртасидан эса, Муҳаммад шайхдан янгича мавзудаги дарслар ола бошлади.

Бу мавзунинг асосий мазмуни шундан иборат эдики, у инсон зотининг хатти-ҳаракатларига ва хаттоки ўй-фикрларига ижобий таъсир кўрсатишдан иборат эди.

Шайх, аввало, Муҳаммадга инсон онгини руҳий йўл билан текшириб кўришни ўргатди. “Бу иш сен учун қийин эмас, – деди у. – Асосийси, Оллоҳдан руҳий олам билан алоқа йўлини очиб

беришини сўрайсан. Бунинг учун, таҳоратли ҳолда, мен айтган дуоларни керакли миқдорда ўқишинг шарт ва Яратган Зот сенга бу йўлни очади. Пок руҳлар эса қошингдаги кишининг ҳаёлида нималар кечаётганини маълум қилишади. Шунга қараб, уни жазолашинг керакми ёки яхшилик қилишинг лозимми, қарор чиқарасан. Мен бу нарсаларни бекорга айтаётганим йўқ, сен келгусида мамлакатингда тартиб ўрнатувчи бўласан. Ёмон инсонларни яхшиликка чорлайсан, бунга кўнмасалар беаёв жазо берасан. Сенинг жазоларинг шундай тус оладики, бундан барча жиноятчилар зир титрайдилар!.. Тушундингми, бўтам?!”

Муҳаммад ўзида руҳий оламга йўл аллақачон очилганини ҳақида пирига гапирмади. Ҳаёлан, бир руҳий отахондан ҳарб санъатини ўрганаётганини айтиб, мақтанса бўларди, лекин индамади. Шайхнинг айтганларини бажаришга киришди.

Аммо, эртаси куни пирининг ўзи бу ҳақда сўз қотди.

– Муҳаммад! Сен руҳий олам билан мулоқот қила олар экансан-ку! Нега индамадинг?

Ёш мурид ерга қаради.

– Уялдим, пирим... Мақтанчоқликка йўясизми, деган ҳаёлга бордим...

– Бундан кейин уялма, бўтам! Билган нарсангни биламан, дегин. Вақтни беҳуда йўқотмайлик. Сен қанчалик тез Оллоҳнинг вазифасини бажаришга киришсанг, муддатинг етганда, шунчалар ёруғ юз билан Унга рўпара бўласан. Тушундингми?

– Ҳа, пирим!

– Яша, бўталоғим! Энди, биз тўғридан-тўғри асосий мавзуга ўтамиз ва тажрибалар қиламиз...

* * *

Муҳаммад шу тахлит Бағдод шаҳрида яна икки йил ҳаёт кечирди. Бу давр мобайнида пиридан ўзига керакли барча билимларни олди ва Яратганнинг буюрган вазифаларини бажаришга тайёр холга келди. Шайх унга оқ фотиҳа бериб юртига

– Бухорога жўнатди.

1149 йил.

БУХОРО ШАҲРИ.

ҚОЗИХОНАДАГИ ХИЗМАТ

Муҳаммад турли карвонларга қўшилиб, йўл юриб, йўл юрсада мўл юриб, ниҳоят, ўсиб унган маскани – Бухорога етиб келди.

Эрта тонг дарбозадан кириб келар экан, шаҳарнинг ҳавосими ё табиатими – нимасидир унинг қалбига оромбахш туйғу олиб кирди. У шодлик ҳисси билан ўз маҳалласи томон ошиқди. Ярим соатлар чамаси юриб кўчасига етди. У деярли югурарди. Учраган қўшнилари билан ҳам кўп гаплашмади. Фақат саломлашиб кетаберди.

– Вой, роса бўйинг ўсибди! Катта йигит бўлибсан! – деган гапларга жилмайиб қўя қолди.

Эшикни очиб ҳовлисига қадам ташлаши билан қўлида супурги ушлаган онасига кўзи тушди. Она эрта тонгдан ким кириб келди деган ўйда қаради-ю, ўғлини таниди ва қувонч билан боласини бағрига босди.

– Келдингми, Муҳаммад! Сени жуда соғингандим!

Шу дамда уй ичидан дадаси билан акаси чиқиб келишди. Улар ҳам жигарлари билан кучоқлаб кўришишди.

Онаси дарҳол нонушта тайёрлади. Бутун оила жуда хурсанд эди.

Хонтахта атрофида ўтириб тамадди қилишди.

Барча қўлини сочиққа артгач, отаси ажойиб қироат билан қуръон ўқиди ва ўғлининг бегона юртлардан ўтиб, эсон-омон

қайтганига Яратганга шукроналар айтди. Ва шундан сўнггина ўғлига савол берди.

– Муҳаммад! Энди менга гапириб бер: Бағдодда нималар қилдинг, қандай пирга мурид тутиндинг, ундан не билимлар ўргандинг ва қай даражадаги инсон бўлиб қайтдинг?

Фарзанд оҳиста жавоб бера бошлади.

– Отажон! Мени шундай ажойиб юртга ўқишга юборганингиз учун раҳмат! Мен у ерда жуда ажойиб одамларга дуч келдим. Улардан тасаввур қилмаган ҳам билимларни олдим, турли ишлар қилишни ўргандим. Менга пирлик қилган зот – юксак даражадаги шайх эканлар. Бутун араб дунёси уларни ҳурмат қилар экан. Хаттоки, халифа Ал-Мунтақим ҳам гоҳо-гоҳо у зотни ҳузурларига ҳурмат билан чақириб ва маслаҳатлар олиб турар эканлар. Оллоҳга чексиз шукур, шайх мендаги истеъдодни қандай эканлигини аниқладилар ва шу йўналишда ўқитдилар. Менинг келгуси ҳаётимга асосий йўлланма бердилар.

– Хўш, ўғлим, бу қандай йўналиш экан?

– Пирим айтдиларки, бу соҳани мен сизга тушунтиришим қийин экан. Шунинг учун, сизга хат ёзиб бериб юбордилар. Уни ўқиб чиқиб, ўзингиз тушуниб олар экансиз!

– Қани, у нома?

Муҳаммад қўйнида асраб келган хатни олиб отасига тутқизди.

– Мана, ота!

Хўжа Афзал Илёс хатни олиб синчиклаб ўқиб чиқди. Ўғли унинг юзи ифодасидан нома мазмунини англаганини сизди. Ота майин ва хушнуд нигоҳ билан фарзандига тикилди.

– Яхши, ўғлим! Мен тушундим. Оллоҳнинг сенга берган вазифаси жуда шарафли. Энди, мен сенга шу йўналиш бўйича иш топиб беришим лозим. Майли, сен сафардан чарчаб келгансан. Бирор хафта дам ол. Кейин, ўзингга яраша хизмат топамиз.

* * *

Йўл азоби – гўр азоби, дейдилар. Яёвми, отдами ё туядами узоқ юриш – фарқи йўқ, барибир толиқтиради. Буни сафар қилганлар яхши биладилар. Муҳаммад уч кун тинмай ухлади. Шундан сўнг, унинг чарчаган ва оғриётган бўғимлари ўз ҳолига тушди, фикрлари тиниқлашди.

Шу куни кечқурун, отаси ишдан уйига қайтгач, овқатланиб бўлди-да, ўғлига юзланди.

– Болам! Мен сенга лойиқ иш тополганим йўқ. У вақти билан чиқиб қолар. Лекин, бекор юрмаслигинг учун бир имконият бор, у ҳам бўлса болаларга дарс бериш. Бу жуда савобли касб.

– Ота, бу иш албатта савобли, лекин менинг вазифам бутунлай бошқа. Болаларга ҳарфлар ўргатишга менинг умуман қобилиятим ҳам, истагим ҳам йўқ. Пирим айтганлар, менинг вазифам – одамларга мусулмончиликнинг ва шариатнинг қонун-қоидаларини ўргатиш, уларнинг мушкулларини осон қилиш ва адолат ўрнатишдир. Шунинг учун, яхшиси, менга бирор қонун-қоидаларни ўрнатувчи ёки назорат қилувчи маҳкамадан иш суриштириб беринг. Шундай жойда жон-дилим билан хизмат қиламан.

Хўжа Афзал Илёс гаплари тўғри эканлигини англади. Шу сабаб, уни ўз йўриғига юришга мажбур қилмади.

– Майли, ўғлим. Фикрларингда жон бор. Мен яна бошқа жойларни суриштириб кўраман.

Хўжа Афзал Илёс шаҳарнинг бош қозиси билан таниш эди. Бу, Қуддусдан келган инсонга унинг ҳам муносабати яхши эди.

Эртаси куни вақт топиб, қозихонага йўл олди. Қозикалон уни хушмуомила билан кутиб олди.

– Келинг, тақсир! – жилмайди у. – Менинг ҳузуримга қандай шамол учирди.

– Яхшилик шамоли, тақсир! – табассум қилди Хўжа Афзал Илёс ҳам. – Қошингизга бир илтимос билан келдим.

– Бирор жиноятчининг жазосини сўрашга эмасми, ишқилиб?

– Асло, мен бундай юмуш билан келмайман. Менинг

илтимосим шундан иборатки, ўғлим Муҳаммад Бағдодда ўқиб келди. У ерда барча мусулмончилик ва шариат қонунларини батафсил ўрганибди. Мендан шу соҳа бўйича иш топиб беринг деб илтижо қиляпти. Агар, маҳкамангизда ёш йигитларга муносиб хизмат бўлса, олармикансиз, деган ниятда остонангизга бош ураяпман.

Бош қозининг юзига яна табассум югурди.

– Бажонидил, тақсир! Сиздек инсоннинг фарзанди комил билимга эга бўлса керак! Биз ҳам муносиб ўринбосарлар тайёрлашимиз лозим. Лекин, барибир, мен ўғлингизни синовдан ўтказишим шарт. Биласиз, қозилик касби жуда нозик – инсон тақдирини ҳал қилишдек мураккаб вазифа бу. Шунинг учун, эртага аср намозидан сўнг, маҳкамага келсин. Сизнинг номингизни айтса, ҳузуримга киритишади.

Хўжа Афзал Илёс бу гаплардан мамнун бўлди. У ўз фарзандининг билими кенглигига ишонарди. Шараф билан ҳар қандай имтиҳондан ўтади, деган фикрда эди.

– Катта раҳмат! Сиздек улуғ зот илтимосимга йўқ демай кулоқ тутгани учун Оллоҳга чексиз шукур! Эртага албатта айтилган пайтда ўғлим ҳузурингизда бўлади. Энди, менга ижозат беринг, қимматли вақтингиз беҳуда кетмасин!

– Майли, Хўжа Афзал Илёс! Илож топганингизда ҳовлимизга ҳам ташриф буюринг. Бир гурунглашамиз.

Хўжа Афзал Илёс биларди: бош қозининг хонадонига ҳамма ҳам ташриф буюришга ботинолмайди. Таклиф ҳурмат юзасидан ифодаланапти. Бу, яхши муносабат белгисидир. Шунинг учун. хаддан ошиш керак эмас.

–Таклифингиз учун ташаккур! Иншаолло, насиб этса, тўйлар қилсангиз, тўёна кўтариб борармиз!.. Яна бир бор раҳмат, тақсир!

Хўжа Афзал Илёс таъвозе билан бош қози хонасини тарк этди.

* * *

Муҳаммад эртаси куни айтилган пайтда шаҳар қозихонасига

борди. Уни бош қозининг соқчиси қарши олди ва отасининг номини айтиши билан дарҳол идора ичига киритди. Биринчи хонада маҳкама мирзаси ўтирган экан, ўрндан туриб Муҳаммадни хўжайиннинг хонасига бошлаб кирди ва чиқиб кетди.

Муҳаммад дарҳол салом берди ва таъзим қилди.

– Ваалайкум ассалом! Мулла йигит, қани кел, бу ерга ўтир!

Бош қози хона тўридаги ҳашаматли, нақшиндор хонтахта ортида жойлашганди. Устига Қуръон ва бошқа китоблар қўйилган хонтахта атрофига атлас кўрпачалар тўшалган эди. У қўли билан имо қилиб, йигитчани қаршисига ўтказди. Ва гапида давом этди.

– Отангиз – Хўжа Афзал Илёс яхшимилар?

– Ҳа, раҳмат. Ҳалқ хизматини қилиб юрибдилар, – жавоб берди Муҳаммад.

– Исминг нима, мулла йигит?

– Муҳаммад, тақсир!

– Жуда соз. Хўш, Бағдоддек улуғ жойда не билимларга эга бўлдингиз?

– Тақсир, мен у ерда ислом динини, шариат қонунларини, ҳадисларни ўргангандим. Тариқат илми бўйича бошланғич маълумотларга эга бўлдим.

– Нега тариқатни тўлиқ эгаллашга ҳаракат қилмадинг? – сўради бош қози.

– Пирим айтдиларки, Оллоҳнинг менга берган вазифаси бу эмас экан. Менинг йўлим – одамларга мусулмончиликнинг ва шариатнинг қонун-қоидаларини ўргатиш, уларнинг мушуқулларини осон қилиш ва адолат ўрнатиш экан. Ҳамда тузалмас жиноятчиларни муносиб жазолаш экан. Шу сабаб, мен сизнинг маҳкамангизда хизмат қилишни хоҳладим. Қалбим ҳам шу хилдаги ишларни қилишга мойил.

Бош қози бу гапларни эшитиб бир оз – бир неча ўн сония – ўйга толди. Сўнг, Муҳаммадга ўткир нигоҳини ташлади-да, жавоб берди.

– Мулла йигит! Бизнинг ишимиз жуда оғир. Шариат қонунларини тўлиқ билсак-да, баъзан гумондаги одамни ҳақиқий жинойтчимиз ёки йўқми, аниқлаш мушкул бўлади. Бу ишнинг маъсулияти даражаси катта. Сен шундай юкни кўтара оласанми? Янглишиб, нотўғри ҳукм чиқариб, Оллоҳ олдида гуноҳкор бўлиб қолишдан чўчимайсанми?

– Йўқ, тақсир! Менда асло бундай ҳис йўқ. Чунки, мен шу иш учун яратилганман. Пирим, менга: “Сен бу соҳада, иншаолло, ҳеч қачон янглишмайсан!”, деганлар.

– Муҳаммад, сенда ўзингга, қиладиган ишингга катта ишонч борга ўхшайди. Бу – яхши хислат. Майли, мен сени маҳкаманиз ишига қабул қиламан. Аммо, вақтинча! Бир ой мобайнида синовда бўласан. Ишончимизни оқласанг, хизматни давом этдира берасан. Келишдикми?

– Ҳа, тақсир! Розиман.

– Мен сени шариат илми бўйича билимингни текшириб кўрмоқчи эдим, лекин ҳозир бир ерга боришим зарур. Имтиҳонни зарурат туғилганда қиларман. Сезишимча, анча билимлисан. Шунинг учун.., бугун чоршанба, икки кун ўтгач, яъни шанба куни эрталаб соат саккиздан хизматга келаберасан. Мен мирзага тайинлаб қўяман, сени вазифаларинг билан таништиради ва ишга тушиб кетаберасан. Маошинг ҳажмини ҳам мирза белгилаб беради. Англадингми?

– Ҳа, тақсир! Ҳаммаси тушунарли! Ишончингиз учун раҳмат!

Муҳаммад ўрнидан турди-да, ҳиёл таъзим қилиб, орқаси билан хонани тарк этди.

* * *

Ҳафтанинг биринчи куни бўлмиш шанба эрталаб соат саккизда Муҳаммад шаҳар бош қозихонаси биносида ҳозир бўлди. Эшик олдидаги соқчиларнинг биридан мирзани сўради. У имо қилганди, иккинчиси дарҳол мирзани чақириб чиқди. У Муҳаммадни яхши эслаб қолган экан, жилмайиб кутиб олди.

Ичкарига бошлаб кирди ва ўз хонасига қўйилган хонтахтага имо қилди.

– Бугундан бошлаб ана шу ер сизнинг иш жойингиздир. Кўрпачага чўкиб, бемалол ўтиринг. Энди, сиз қозикалоннинг ёрдамчисисиз. У сизни истаган пайтда чақирishi, истаган топшириғини бериши мумкин. Бу топшириқлар турлича бўлиши мумкин. Масалан, шариатга оид китоблар ва қоғоз, қалам-довот лозим бўлиб қолса, олиб кириб берасиз. Ёз, деган нарсаларини ёзасиз. Хатингиз ҳуснлими?.. Шарбат ёки қайнаган сув ичгилари келса, ҳовлидаги ошхонамизга кириб айтилган юмушларни бажарасиз.

Муҳаммад бош ирғади.

– Раҳмат, ҳаммаси тушунарли, – деди у ва сўради, – Китоблар-у қалам-довотлар қаерда?

– Анави жовонда барча ёзув жиҳозлари-ю қонунга оид турли китоблар – Қуръонга ва шариат қоидаларига шарҳлар – барчаси бор, – жавоб қилди мирза.

Муҳаммад аста жовонга яқинлашди.

– То топшириқ берилмагунча, ўзингизга керакли бирор китобни олиб ўқиб ўтиришингиз мумкин! – хитоб қилди мирза.

– Раҳмат! – деди яна янги ходим ва “Шариат” китобини олиб ўз жойига ўтирди. Уни варақлар экан, мирзадан сўради:

– Тақсир! Бу ерда қандай жиноий ишлар кўрилади?

– Асосан, бу ерга катта жиноят қилганларни ва жинояти тўла тасдиқ этилмаган гумондорларни олиб келишади. Майдароқ ва аниқ гуноҳи бор одамларнинг иши маҳаллий қозихоналарида кўрилади.

– Қозикалоннинг ўзлари сўроқ қиладиларми уларни?

– Албатта! У зотнинг билимлари жуда кўламли!

– Мени кечиринг, кўп савол бераётган бўлсам, сиз ҳам ўша жараёнда иштирок этасизми?

– Ахир, мен мирзаман-ку! Сўроқ жараёнини ва ҳукми қоғозга туширишим лозим. Бундан сўнг, ўзингиз ҳам иштирок этасиз бундай ишларда!

Муҳаммаднинг кўзлари чақнади.

– Ростданми?

– Бош қозининг ёрдамчиси ҳар бир суриштириш жараёнида қатнашиши лозим.

– Агар, бугун шундай иш чиқса, қатнашаманми?

– Албатта!

Ёш йигитнинг қалби шу заҳотиёқ ҳаяжонга тўлди. Жуда зўра!.. Муҳаммад тин олди-да, қўлидаги “Шариат” китобини варақлай бошлади. Бу рисола унга ёд бўлиб кетган. Истаган бўлимни, унинг ҳар қандай бетини кўз юмиб айтиб бера олади. Демак, ишида қоқилишлар бўлмайди.

Шу пайт эшик очилиб қозикалоннинг барваста гавдаси кўринди. Мирза ва Муҳаммад дарҳол ўрниларидан туриб салом беришди.

– Ва алайкум ассалом! – жавоб қилди у ва янги ходим томон яқинлашди.

– Хўш, Муҳаммад! Иш жойингга ўрнашдингми, қалай экан бу ер?

– Жуда яхши! Мана, Мирза акам ишимнинг барча жиҳатларини тушунтираяптилар!

– Энди, сен менинг ёрдамчимсан. Шунинг учун, нима иш буюрсам, барчасини бажаришинг керак.

– Буни ҳам айтдилар.

– Унда жуда соз. Унда, сенга биринчи топшириқ: ҳозир менга ҳовлидаги ошхонага кириб, ошпазга айт – менга бир пиёла шарбат берсин. Негадир, чанқадим. Ва шариат китобини олиб хонамга кир. Сени имтиҳон қилиб кўраман.

Муҳаммад дарҳол ташқарига чиқди. Бош қози мирзага юзланди.

– Қалай бу йигит? Сенга ёқдими?

– Ёмонга ўхшамайди. Гаплари жўяли.

– Уни синов муддати билан олганман. Агар, бирон ноқис жиҳатини сезсанг, дарҳол мени хабардор қил!

– Хўп бўлади, қозикалон жаноблари!

– Майли, ишларингни қилабер.

Шу сўзларни айтиб, бош қози ўз хонасига кириб кетди.

Бироз вақт ўтгач, ошпаз патнис устига қўйилган шарбат тўла косани олиб кирди. Хона эгаси уни мириқиб симирди.

– Яна нимадир истайсизми? – сўради ошпаз.

– Йўқ, бўлди, сенга рухсат! – жавоб қилди қозикалон.

Ошхона ходими чиқиб кетгач, Муҳаммад қўлида китоби билан эшикни очди.

– Кираверайми, қозикалон жаноблари!

– Кел! – бу ерга ўтир! – қозикалон рўпарасини кўрсатди.

У хона тўрида, ўша ўтган сафар эътибор қилган ҳашаматли, нақшиндор хонтахта ортига жойлашиб олганди. Муҳаммад таъзим қилди-да, айтилган ерга бориб чўкди.

– Сен менга айтгандингни, шариат илмини ўрганганман, деб. Мен сенга бу соҳа бўйича савол берсам, китобга қарамай жавоб бера оласанми?

– Иншаолло, тақсир!

– Қани, китобингни бер-чи!

Қозикалон қўлига қалингина рисолани олди-да, уни варақлаб, ҳар хил саволлар бера бошлади. Муҳаммад ҳеч бир янглишмай барча сўроқларга тўғри жавобларни қайтарди. Бу имтиҳон ярим соатларча давом этди.

Ниҳоят, маҳкама бошлиғи жилмайиб қаради.

– Баракалла! Ҳамма қонунларни ёд қилиб юборган экансан-ку! Бўлди, мен сендан хурсандман. Ишлайбер!

Муҳаммад ўрнидан турди-да, таъзим қилиб хонани тарк этди.

Шу кундан бошлаб у янги ҳаётга – мустақил ишлаш ҳаётига қадам қўйди.

Бош қози эрталабдан то пешингача, маҳаллий қонунчилар ўз сўроқлари натижасида бир қарорга келолмаган ёки ҳал қилишга ботинмаган ишларни кўрар, гумондаги кишилар ва гувоҳларни сўроқ қиларди. У аниқ фикрга келгач, Муҳаммаддан ушбу жиноят учун шариатда қандай жазо борлигини сўрар ва тегишли ҳукм

чиқарар ҳамда уни ижро этиш учун махсус маҳкамага топширарди. Пешиндан сўнг эса қўл остидаги қозиларни айримларини чақиртирар, улар билан бўлиб ўтган ишларни муҳокама қилар, гоҳо эса уларнинг ҳаммасини йиғиб мажлис ўтказарди. Улардан ҳар бир ишда ҳақиқатни юзага чиқаришини талаб қиларди. Ҳар бир хато ҳукм учун жазо борлигини таъкидларди.

Муҳаммад Бош қозихонага хизматга кирганига икки хафта ўтгач, раҳбар уни ўз ҳузурига чорлади. Ва сўз қотди.

– Сени ишга қабул қилаётганимда айтгандим: бир ойлик синов муддати бўйича ишлайсан, дегандим. Эсингдами?

– Ҳа, тақсир!

– Ўша синов муддати икки хафтада тугади. Энди, сен расман ишга қилиндинг! Табриклайман! Мен сенга, сенинг билимингга ва иқтидорингга тан бердим. Келгусида, агар шу йўсинда ишласанг, сен катта муваффақиятларга эришасан. Шунинг учун, бу йўлдан оғмай хизмат қил!

– Ҳаракат қиламан, қозикалон жаноблари!

– Майли, борақол, юмушларингни бажаравер. Мирзага айтиб қўй, қароримни. Сени ишга расмийлаштирсин ва тегишли маош белгиласин.

– Хўп бўлади!

Муҳаммад қалбида қувонч ҳисси билан бир савол беришга ботинди. Бу илтимосини бир хафтадан бери қандай изҳор қилсам экан, деб ўйлаб юрарди. Шу дамда бунинг мавруди келганди.

– Қозикалон жаноблари бир ўтинчим бор эди.

– Айтавер, уялма!

– Суриштириш жараёнларида, агар рози бўлсангиз, иштирок этиб турсам майлими?

Бош қози бир неча сония индамай қолди ва ҳиёл жилмайди.

– Майли. Фақат мендан рухсат сўраган холда. Сенинг алоҳида иқтидоринг бор, шунинг учун йўқ демайман.

У шу бир хил жараёнда ярим йил ишлади. Шу вақт мобайнида ўзини фақат яхши хислатларинигина кўрсатди. Барча ходимлар

уни ёшлигига қарамай жуда хурмат қиладиган бўлиб қолишди. Ўзи ҳам ишидан мамнун юрар, Бухоро шахрининг ва унинг атрофларининг жиноятчиларини қонуний жазо олишларига муносиб ҳисса қўшаётганидан хурсанд эди. Суриштириш жараёнларида ҳам жиноятнинг мазмунини тўлиқ очишга хизмат қилувчи саволлар берар, бу ҳолат қозикалонга ёқар эди. Кўпинча, жараён жавомида биргина нигоҳ билан раҳбарига юзланар, у шогирдида жўяли савол борлигини ҳис этиб, ишнинг бориши тизгинини унга тутқизарди ва бундан асло ачинмасди.

Бир куни, кечга яқин қозикалон уни хонасига чақирди.

– Эртага, пайшанба куни бу ерга Ревгор қишлоғи қозиси келди. У бир жиноят бўйича тўхтама кела олмаётган экан. Мен жиноятчини ва гувоҳларни бу ерга келтиришни буюрдим. Улар соат ўнга етиб келдилар. Унгача, биз сен билан тайёргарчилик кўришимиз лозим. Бунинг учун, сен қотиллик ҳақидаги барча бўлимларни яхшилаб қараб чиқ. Мен биламан, уларни ёд қилиб юборгансан, шундай бўлса-да, барча китобларга яна бир кўз югуртириб кўр! Тушунардими? Биз жуда мураккаб, топишмоқли ишнинг ечимини топишимиз лозим.

Муҳаммад таъзим қилди.

– Хўп бўлади, устоз!

Эртаси кун, айтилган пайтга Ревгор қозиси ва миршаббоши етиб келдилар. Ёнларида икки миршаб кўриқчилигидаги жиноятда гумон қилинаётган, қўллари бойлоқ шахс ва икки гувоҳ ҳам бор эдилар. Улар қозикалон қароргоҳига олиб кирилдилар. Ревгорликлар оҳиста қозикалон хонасига ўтар эканлар, Муҳаммад бандига разм солиб қаради. Ўттиз ёшлар чамасидаги йигит. Афтидан деҳқончилик ёки боғдорчилик қилади. Юзларида эса соддалик ва тўғрилиқ ифори бор. У ажабланти – шу одам қотиллик қила олар эканми?

Барча жой-жойига ўтиргач, қозикалон ревгорлик қонун чиқарувчидан сўради.

– Қози жаноблари! Аввал, сиз бу жиноятнинг мазмунини

сўзлаб беринг. Кейин, биз сўроқ қилишни бошлаймиз.

Ревгорлик қонун чиқарувчи ўрнидан туриб, бош ҳакамга ҳиёл таъзим қилди ва сўз бошлади.

– Содир этилган жиноятнинг мазмуни шундан иборатки, гумон қилинаётган шахс ўз Абдуҳаким исмли ҳамқишлоғини ўлдиришда айбланмоқда. Унинг айбдорлигига шундоққина ён қўшниси Ашурбой Равшанбой ўғли ва шу қишлоқда истиқомат қилувчи яна бир одам – Хотамбой Тожи ўғли гувоҳмиз деб турибдилар. Ҳалок бўлган одам пичоқ билан ўлдирилган ва ушбу тиф гумондорнинг томорқасидан айтилган ён қўшниси томонидан қон излари кетмаган холда топилган. Лекин, айбланаётган қотил ўз айбини тан олмаётир. Ва икки гувоҳни тухматчи деб атамоқда. Ушбу ҳолатда, унинг сўзларига парво қилмай, мен бемалол ҳукм чиқараберишим мумкин эди. Лекин, бу икки гувоҳнинг сўзлари чинлигига ишончим тўла тўкис эмас. Чунки, ушбу қотил деб айбланаётган шахс ҳақида барча Ревгор аҳолиси фақат ижобий фикрдалар. Шунинг учун, сиздан илтимос қилдим – бу мураккаб муаммоли жиноятни фақат ўзингиз одилона ҳал қила оласиз. Токи, мен нотўғри ҳукм чиқариб гуноҳга қолмай.

Муҳаммад ўтган ярим йил даврида жиноятчиларнинг юрагини, жисмоний эмас, руҳий юрагини ўзининг қалб кўзи билан кўриб олишни одат қилганди. Аксарият, улар қорайган ҳолда намоёнлашардилар. Натижада, бундай шахсларнинг айбдор эканлигига шубҳа у асло қилмас ва шунга қараб саволларини берарди.

Ревгор қозиси воқеани баён қилишда давом этар экан, у гумондорнинг қалбига синчиклаб қаради. Оппоққина юрак. Бу инсоннинг дили пок эканлигига у шубҳа қилмай қўйди. Шундан сўнг, биринчи гувоҳ – ён қўшнининг қалбига боқди: ажаб, бундан қорароғи бўлмайди. Иккинчи гувоҳнинг дилига ҳам назар ташлади: вой-бў, шу қадар ҳам ифлос юрак бўладими?..

Муҳаммад беихтиёр руҳий оламдан хабар сўради: “Ҳақиқий воқеа қандай бўлган?”

Бир неча сония ичида у ҳамма нарсани тушунди. Агар, унга рухсат берилса, шу заҳотиёқ ўзининг бағдодий қиличи билан бу икки тухматчининг калласини олган бўларди. Унинг юрагида бу кимсалар жуда катта нафрат ва ижирғаниш уйғотгандилар.

* * *

Абдулазал – бир деҳқоннинг тўнғич фарзанди эди. Отаси уни мактабда ўқитиб, хат-саводли қилганди. Шунинг учунми, у ёшлигиданоқ китоб ўқишни яхши кўриб қолганди. Бирон бир асар ёки рисола ўқиш унга олам-олам қувонч бағишларди. У ўн етти ёшга киргач, севги ҳақидаги дostonларни ўқишни ёқтириб қолди. У доимо отаси билан бирга деҳқончилик қилар, етиштирилган полиз ва боғ маҳсулотларини Бухоро бозорларига олиб келишганда, отаси тушум пулидан озроқ берар, “Истаган нарсангни олақол, ўғлим!” дерди. Йигитча эса, бундай пулларни йиғиб, китоблар сотиб оларди. У дostonларда баён қилинган ишқ-муҳаббат савдоларини ҳавас билан ўқиб, ўйлар суларди ва ўзи ҳам шундай севги дардларини кечиришни орзу қиларди.

Ҳаётдаги ҳар бир ҳодиса ниятга қараб бўлади деганларидек, у бир куни қўшни кўчадаги бир қизни кўриб эсу-хуши бошидан учди. У ўртоғининг синглиси эди.

Бир куни у дўстини излаб уйининг эшигини тақиллатди. Ичкари томондан майин овоз эшитилди.

– Ким у?

– Бу мен, Давлатнинг ўртоғиман! – хитоб қилди у.

Эшик қия очилди. Ҳовли томонда ёшгина бир қиз турарди. У аста юзини рўмоли билан қия тўсди-да, жавоб берди.

– Давлат акам уйда йўқ эдилар. Кечқурун келсалар керак.

Абдулазал унинг яшириб улгурмаган нурли жамолини кўриб, ҳар қандай мусиқадан ёқимлироқ товушни эшитиб лол бўлиб қолди. Ва базўр гапирди.

– У ҳолда, айтиб қўйинг, ўртоғинг Абдулазал келиб кетди, иложи бўлса, учрашаркансан, деб қўйинг!

– Майли, - жавоб қилди қиз ним жилмайиб ва оҳиста эшикни ёпди.

Абдулазал, шу дақиқадан бошлаб, фақат шу қизни ўйлайдиган, уни кўришни истайдиган бўлиб қолди. Ошнаси Давлатнинг уйига борганларида беихтиёр унга нигоҳи тушар, бундан юраги дукиллаб, вужуди ҳаяжонга тўларди.

Унинг ташрифларида, кўпинча, эшикни шу қиз очар, ўзининг майин товуши билан жавоб қиларди. Қиз боланинг қалби ҳам сезгир бўлади. У ўз акасининг ўртоғи бўлмиш бу йигитнинг боқишларидан, сўзларидан ўзига қаттиқ кўнгли борлигини ҳис этди. Натижада, унинг юрагида ҳам Абдулазалга нисбатан севги ниҳоли куртак отди. Вақт ўтиб, бу қиз, унинг исми Лобар эди, йигитдан юзини беркитиб қочмайдиган бўлиб қолди. Улар қариндошларга ўхшаб, бемалол сўзлашадиган даражага етдилар.

Лобарнинг акаси, албатта, бундай муносабатлардан бир кун хабардор бўлди. Ва айрим чапанилардек, “Менинг синглимдан нарироқ юр!”, деб, дўстига важоҳат билан ташланмади. У фақат ўртоғидан сўради:

– Синглимга нисбатан ниятинг жиддийми?

Абдулазал жавоб берди.

– Ҳа!.. Мен уни севаман. Агар, ота-онанг рози бўлса, уйланардим!

– Ундай бўлса, совчи қўй! Қиз бола – бировнинг хасми. Яна бошқа бировга бериб юборишмасин. Сен менга куёв бўлсанг, қариндошга айланамиз – янада яқинроқ бўламиз. Агар, ҳозир уйлана олмасанг ҳам, ота-оналаримиз келишиб қўйишсин, вақт келганда тўй қиламиз, деб. Сенинг уйингдагилар ҳам, менинг уйимдагилар ҳам мени ва сени, оилаларимизни билишади. Қуда бўлишади, деган фикрдаман.

Шу суҳбатдан сўнг, Абдулазал оҳиста волидасини ниятидан хабардор этди. У онам хурсанд ва рози бўлади деб ўйлаганди, аммо мутлақо бошқа жавоб олди.

– Йўқ! – деди у кескин. – Онасини ёқтирмайман! Унинг қизини сенга олиб бермайман!

– Нега? – жонҳолатда Абдулазал.

– Ана, қўшнимиз Хусния холадан сўра! Айтган қизингнинг бувисини эронликлар жорияликка сотиб кетишган экан! Улар – эронлик!

– Улар ҳечам эронлик эмас! Мен яхши биламан! Ўртоғимни биласиз-ку! Қаери эронликка ўхшайди?!

– Менга ақл ўргатма! Хусния хола ҳамма нарсани яхши билади.

Абдулазал тилга олинган хотинни яхши танимасди, уни фақат қўшни аёл сифатида биларди. Шунинг учун бирон бир тайинли қарши гап айтолмади. У фақат ўйлади: “Бу Хусния хола бошқаларни гапиргунча ўзининг қизини тийиб олса бўлармиди, уни ёши катта бир бола-чақали киши билан ўйнашиб юради дейишади...”

Шу воқеадан сўнг йигит бу ҳақда бошқа ҳеч кимга миқ этмади. У ўз онасининг феълени яхши биларди. Бирор нарсага йўқ дедими, ҳа дейишга кўндириш мушкул. Отаси ҳам ҳеч нарса қилолмайди. Энг яхшиси, умуман уйланишдан бош тортиш ва арқонни узун ташлаш.

Шу пайтдан бошлаб, у индамай юраберди. У бошқа нима тадбир қилишни билмасди. Кечалари тўйиб ухламас, ланж бўлиб уйғонарди. Дардли шеърлар ёзарди. Келгусида Лобар исмли қизсиз қандай қилиб яшашни кўз олдига келтиролмасди. Овқат ҳам томоғидан ўтмас, анча озиб кетди. Онаси унинг бундай ҳолини кўрса ҳам парво қилмасди.

Дадаси ҳам ўғлининг “номуносиб” оиланинг қизига ишқи тушганини эшитган шекилли, Абдулазалга унча рўйхуш бермайдиган, бирон нарса сўраса, кўрс жавоб қиладиган бўлиб қолганди. Бундан йигит янада сиқиларди, аламини тушқун шеърлар ёзишдан оларди.

Шу тариқа тўрт – беш ой вақт ўтди. Абдулазалнинг ўзидан икки ёш кичик синглиси бор эди. Кейинги бир-икки ой ичида негадир унинг совчилари кўпайди. Қариндош-уруғлар ва таниш-билишлар уларнинг хонадонига келин туширишни

истаётганларни жўната бошлашди. Лекин, онаси уларни ёқтирмас ва хали-бери қизини узатмаслигини маълум қиларди. Бир куни, кўпчиликнинг наздида бой-бадавлат ва нуфузли оиладан совчи келди. Улар жуда яхши кийинишган, гапирадиган сўзлари ҳам жуда маъноли одамлар эди. Онасига улар жуда маъқул бўлишди. Шунинг учун уларга кескин рад жавобини бермади. Бир ўйлаб кўрайлик, дадаси билан маслаҳатлашайлик қабилидаги гапни қилди.

Онаси, ана шундай одамлар билан қуда бўлсанг, арзийди, деб ўйлади ва кўнгли қувончга тўлди. Бироқ, улар шу кетганча бошқа қораларини кўрсатмадилар.

Бир ойча вақт ўтгач, хонадонларига амакисининг хотини меҳмон бўлиб келди. Икки овсин гаплашиб ўтиришар экан, опоқиси гапириб қолди:

– Айтганча, сизнинг Хусния деган кўшнингиз борми?

– Ҳа, бор! Жуда ажойиб аёл! Биз жуда яқинмиз. Кунда кунора гаплашиб турамиз!

– Ажойиб аёл бўлмай қолсин! Мен сизнинг қизингизга жуда яхши оиладан совчи юборгандим. Хонадон бекасининг исми Ҳамидахон. Унинг ўғли жуда эсли-хушли, билимли ва хунарли йигит. Келишдими?

– Ҳа, келишувди. Менга ҳам жуда ёққанди. Негадир, бошқа қадам ранжида қилишмади. Балки, вақтлари йўқроқдир...

– Кутманг, уларни энди кўрмайсиз!

– Нега?

– Ўша Хусния холангиз сизнинг қизингиз тўғрисида биласизми, нималар дебди?

– Роса мақтабдиларми?! Ахир, Хусния хола мени жуда ҳурмат қиладилар.

– Ҳа, жуда кифтини келтириб осмонга олиб чиқибдилар... Айтибдиларки, бу қизнинг хонадонига бошқа асло йўлай кўрманлар! У уйидаги бир чўпни нарига олиб қўймайди, тайинли иш қилмайди, ҳаммасини онасига ташлаган. Катталарнинг гапига кирмайди. Фақат қошига ўсма қўйиб,

сочларини тараб ўтиради. Қачон қарасанг, қўшни йигитлар билан ҳингиллашиб юради. У бетаъмиз ва шатаймас қиз! Уни келин қилсангиз, сизларни тоқчага ўтқизиб қўяди. Муқомига йўрғалаб юраберасиз!.. Мана, Хусния холангиз нималар дебди!

– Йўғ-е, янглишгандирсиз... Балки, бошқа бир мени кўролмайдиган қўшни айтгандир?

– Мана шу кўчанинг бошидаги бурчакдаги уйда турадимми ўша Хусния? Ё бошқа хонадондами?

– Ҳа, ўша ерда яшайди...

– Унда, аниқ, ўша сизни “хурмат қиладиган” Хусния холангиз гапирган шунча гапни! Мени сизни алдашдан нима фойда?.. Билиб қўйинг, асл душманингиз кимлигини!

– Вой! Ё, тавба! Одам ҳам шунчалик бўладими? Мен унга ўзимни яқин тутиб барча сирларимни гапирсам, ундан маслаҳатлар сўрасам, Хусния хола нега менга нисбатан бундай муносабатда экан?! Астағфируллоғ!..

– Ҳа, одам олasi ичида, дейишади. Дуч келган, сизга жилмайган хотинга ишонаберманг!

– Ахир, мен унинг гапларига лаққа тушиб, ўғлимни қанча вақтдан бери куйдириб юрибман-а!

Опоқиси овсинига яна ажабланиб боқди. Ва сўради.

– Ҳа, ўғлингизни нега куйдираяпсиз?

– Абдулазал нариги кўчадаги Мавлуданинг қизини ёқтириб қолибди. Сиз у аёлни танийсиз, у қайнсинглингизнинг дугонаси. Шу гапни бир пайтлар айтгандингиз.

– Ҳа, у аёлни яхши биламан. Хўш, Хусния холангиз нималар деди, Мавлуда ҳақида?

– Айтдики, Мавлуданинг онасини эронлик савдогарлар чўрими, жориями қилиб, Мавлуданинг отасига сотиб кетишган экан. Шунинг учун, қизнинг бувиси эронлик, деб айтди. Энди, чўри-ю жорияларни биласиз, қанчадан қанча эркакларнинг қўлидан ўтган улар, вой, ажодлари шундай бўлган одамларнинг қизини оласизми, деб масқара қилди!..

Опоқисининг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Энди, у хайратга

тушди.

– Вой! Ё, товба! Одам ҳам шу даражада мунофиқ ва фирибгар бўладими? Бу гаплар бошдан оёқ тухмат ва ғийбат-ку! Ё, товба!.. Оллоҳдан шу даражада қўрқмайдиганлар ҳам бор экан-а!

– Нима, бу гаплар ҳам ёлғонми?

– Ер ютсин, ўша Хусния холангизни! Ўйласанг, тополмайсан бунақа гапларни! У ўзини жуда художўй қилиб кўрсатса керак-а?

– Ҳа, ҳар гапирганларида тилларидан Оллоҳ тушмайди.

– Энди, бу хотин билан алоқани узинг! Яна ўзингиз биласиз. Мен бир нарсани айтиб қўяй: Мавлуданинг ўзини, аждодларини жуда яхши биламан. Кўп марта қайнсинглим билан унинг уйида бўлганман. Бутун ота-боболари реворлик, ҳеч қанақа ажнабийлар қони қўшилмаган уларга. Жуда таглик-зотлик одамлар. Улардан асло чўри-ю жориялар чиқмаган. Мавлуданинг қизини ҳам кўрганман. Жуда чиройлик ва одоблик қиз. Уй ишини қилиб чарчамайди. Онасига на овқат қилдиради, на ҳовли супуртиради. Афсуски, ўғлим уйланган, акс ҳолда шу қизни олиб берган бўлардим. Келин қиламан десангиз – киройи келин! Асло янглишманг.

Бу гаплар Абдулазалнинг онасини анча ўйлатиб қўйди.

Бир хафта ўтгач, онаси ўғлини ёнига чорлади.

– Абдулазал, – деди у, – майли, мен розиман. Отанг ҳам рози. Биз бошқа томонлардан ҳам уларни суриштирдик. Рисоладаги одамлар экан. Истасанг, мен совчиликка бораман ва сизларни унаштириб қўямиз. Тўйни фақат бу йил эмас, янаги йилга қиламиз. Аввал, синглингни узатайлик, майлими?

Йигит бошини эгди.

– Майли, она! – деди у.

– Анави Хусния холанинг афти қурсин! Жуда ярамас аёл экан. Ўзи Бухорога қатнаб, бир жуҳуд киши билан учрашиб юрар экан, қизи эса бир оилалик йигитга ўйнаш экан! Мен шундай хотинга эътимод қўйиб юрган эканман-а!

Келаси йил Абдулазал ва Лобарнинг тўйлари бўлиб ўтди. Абдулазал, ҳаммасидан ҳам ўз севгилиси, дунёда тенги йўқ гўзал қизга – Лобарга уйлангани учун маст эди. Бу дунёда унга етадиган бахтли одам топилмасди, шу пайтларда. Улар ота-она бағрида бир йил яшашгач, дадаси ўзига қарашли катта боғнинг этагидан уч таноб ер ажратиб, унинг чеккасига бир хона ва бир айвон уй-жой қуриб берди. Бола-чақанг кўпайиб, зарурият туғилса, ўзинг яна иморат тикларсан деди у.

Янги оила тўрт-беш йил жуда ширин турмуш кечирди. Улар бу орада фарзандлик бўлишмаса-да, Яратган Зот албатта марҳамат қилишига умид боғлашарди ва тинч яшаб юришарди.

Аммо, бу Ер юзидаги ҳаёт ҳеч қачон бир текис кетмаган. Инсон зотининг турли нусхалари борки, улар ўз разил ниятларини амалга ошириш учун асло тиниб-тинчимайдилар. Улар шайтон измига кириб, ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайдилар.

Абдулазалнинг ана шундай Ашурбой исмли кўнгли нотоза қўшниси бор эди. Хонадонлар ёнма-ён, гоҳо-гоҳо бир-бирлариникига кириб чиқиш бор. Ана шундай ҳолатларнинг бирида Ашурбойнинг чақчайган ва ҳирсли кўзлари Лобарга тушиб қолди.

Шу дамдан бошлаб у шу гўзал аёлга қандай қилиб бўлса ҳам етишишни, туя ҳаммомни орзу қилгандек, ният қилиб қолди. Аммо, қандай амалга ошириш мумкин бу мақсадини? У узоқ фикр юритди. Масалан, бир йўли – зимдан бу ҳурилиқонинг кўнглини олиш. Лекин, бу иш – ўта мавҳум, чунки эр-хотин бир-бирларини жуда яхши кўришади – бу ўз пайтида барчага маълум бўлган. Ҳозирги шароитда фақат бир йўл бор, у ҳам бўлса Абдулазалнинг бир ўзини узоқ ерларга бадарға қилдириш ёки зиндонга ташлатиш. Уни ўлдириш ёки ўлдиртириш ҳам мумкин, лекин бу жуда жиддий муаммо. Бу ҳолларнинг барчасида у Лобарга совчи жўнатиб, иккинчи хотин қилиб олади ва мақсадига етади. Лекин, бир ўзи бу ишларнинг ҳеч қайсисини амалга оширолмайди. Демак, ўзига шерик топиши лозим. Кимни топса экан? Ҳа,

айтгандек, ошнаси Хотамбой бор-ку! Нега ёрдам бермасин, беради. У ҳеч нарсадан қайтмайдиган йигит. Тилла муллажирингга жуда ўч! Эвазига қанча сўраса беради, кўндиради.

Эртаси куни Ашурбой қоронғида топишган жўраси Хотамбойнинг олдига борди. Ва ўз ният – мўлжалларини баён қилди.

– У айтган аёлинг ҳақиқатдан ҳам жуда гўзалми?

– Тенги йўқ! Уни кўрдим-у юрагимга ўт тушди. Уни бир марта бўлса-да бағримга босмасам ёниб тамом бўламан! Жуда офатижон!

– Бировнинг хотинини-я!

– Нима қилибди? Сенга фарқи борми? Менга ёрдам бер ва сўраганингни ол!

– Уни жуда ҳам жонон дегин-а!

– Айтдим-ку! Ўзинг ҳам кўрсанг девона бўлиб қолардинг!

– Ундай бўлса, майли ёрдам бераман. Фақат менинг ҳам шартим бор.

– Гапир шартингни. Сўраганингни бераман дедим-ку!

– Яхши! У холда, Абдулазални четлатганимиздан сўнг, ўша хурилиқо иккаламизнинг ўртамизда бўлади. Сен унга уйлансанми ёки менми – фарқи йўқ, у гўзал бир кун меники, бир кун сеники бўлади, рози бўлсанг, эртагаёқ ишни бошлаймиз!

Ашурбой оғайнисининг таклифига анқайиб қолди. Хотамбойдан бундай гап чиқишини кутмаганди. У анча-мунча пул сўраса керак деб ўйлаганди. “Бор йўқол!” – деб ҳайдасинми ёки рози бўлсинми?.. Ҳе, ҳе!.. Энди рози бўлмай иложи йўқ, чунки барча сирни унга очиб бўлди. Акс холда, дўст сифатидаги бу пасткашдан ҳамма нарсани кутса бўлади.

– Майли, – деди оқ-сарикдан келган, тепакал Ашурбой ноилож оҳангда. – Хўш, қандай усул билан Абдулазални йўқотамиз?

Қорачароқ Хотамбой эса бир-бирига туташган қалин қора қошларини чимирди. Аввалига, оғайинисига ўқрайди, кейин оҳиста тиржайди.

– Бунинг йўли битта. Абдулазални ўлдирсак, албатта қотилни қидиришади. Худо уриб, топиб қолишса, иккаламиз дорга осиламиз. Шунинг учун, биз бирон кимсани ўлдиришимиз ва унинг қотили сифатида ўша сўтакни кўрсатишимиз лозим. Икки гувоҳ доимо ҳисобга ўтиб келган ва бундан кейин ҳам ўтади. Натижада, хурилиқо бизнинг ихтиёримизда қолади. Тушунарлими?

– Ҳа, калланг ишлайди! – тиржайди Ашурбой ҳам. – Бекорга сенга мурожаат қилмаган эканман. Зўр йўл топдинг!

Бир ҳафта ўтгач, Ревгорнинг чеккасида яшайдиган бир бечораҳол деҳқон ўлдириб кетилгани ҳақида дув-дув гап тарқалди. У пичоқ билан чавоқланган экан. Бу ҳокисор одамнинг ўлими кимга керак бўлиб қолибди, деб ҳамма ҳайратга тушди. У ҳеч ким билан жанжаллашмайдиган, нарса талашмайдиган тинч юрадиган инсон эди.

Қишлоқ миршаблари барча қўшниларни, уни танийдиган кишиларни топиб сўроқ қила бошлашди. Ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Фақат эртасига бош миршабнинг олдига Ашурбой келди. Унинг қўлида латтага ўралган бир пичоқ бор эди.

– Бош миршаб жаноблари! – хитоб қилди у, амалдорнинг олдига олиб келган буюмни қўяр экан. – Менинг мусулмонлик бурчим сизни ҳақиқатдан бохабар этишдир. Кечаси билан айтайми ё йўқми, деб ўйлаб чиқдим. Лекин, бир ҳокисор одам ҳе йўқ, бе йўқ, нобуд бўлиб кетаверадими, деб ачинганим учун, сизга билганларимни айтмоқчиман...

Ашурбой сўзидан тўхтаб, миршаббошига синовчан назар ташлади. У ҳам ўзининг ўткир нигоҳини тўсатдан пайдо бўлиб қолган бу гувоҳга тикиб турарди.

– Бу нима? – сўради у олдигаги латтага қараб.

– Ашёвий далил!

– Яхши, – деди у, латтани ичидаги пичоқни кўргач, – Мана бу ерга ўтиргинда, батафсил тушунтир! – буюрди у, қаршисида ёзилган кўрпачага имо қилиб.

Гувоҳ унинг айтганини бажарди-да, ерга қараганча давом этди.

– Ўтган куни тунда қўшним Абдулазал кийимлари қон ҳолатда уйига кириб келганини кўрдим. Шу пайтда кўчамизда турган эдим. Итим ташқарига чиқиб кетган экан, ўшани излай дегандим... Бундан ташқари, ҳамма билади, иккаламизнинг томорқамизнинг ўртасида девор йўқ, фақат ариқ оқади, шунинг учун бемалол у ёқ бу ёққа ўтаберамиз. Кеча кечқурун эса унинг томорқасидан, шундоқ ариқ ёнидан мана шу қонли пичоқни топиб олдим. Шундан хулоса қилдимки, қотил менинг қўшним Абдулазалдир!

– Ёлғон гувоҳликка жазо борлигини биласанми?

– Биламан, биламан! Истасангиз, Каломуллоҳни ушлаб қасам ичаман!

– Яхши. Бу ҳақда яна ким билади? Хабаринг борми?

– Мен фақат ўз билганларимни айтдим, холос! Балки, яна бошқа биров айтиб қолар, кўрган бўлса.

Шу пайт миршабхона даҳлизининг эшиги очилгани ва кимнингдир кириб келгани эшитилди.

У бош миршабнинг ёрдамчисига нималардир дерди. Бир неча дақиқадан сўнг, ёрдамчи эшикни очди ва хўжайинига юзланди.

– Қотиллик бўйича яна бир гувоҳ келибди. Кираверсинми?

– Ҳа, чақир!

Хонага жиддий қиёфада Хотамбой кирди ва салом берди. Хамда оҳиста Ашурбойга маъноли қараб қўйди.

– Ва алайкум ассалом! Ўтир кўрпачага!.. Хўш, сен нима дейсан?

Хотамбой қоронғида топишган жўраси ёнига ўтирди-да, шошилмай, атай нўноқланиб сўз бошлади.

– Бош миршаб жаноблари! Мени афв этинг, кеча сал бетоброқ эдим. Истмам чиқиб, сизга жиноят ҳақида хабар қилолмадим... Бугун сал тузукроқман... Мен ўтган куни тунда қўшни қишлоқдан келаётган эдим. Ревгорга кириб келар эканман, икки кишининг бир-бирига қаттиқ-қаттиқ гапиришаётганини эшитдим. Яқинроқ

келиб уларни танидим: бири – Абдулазал деган деҳқон йигит – уни кўпчилик билади, иккинчиси – шу ҳалок бўлган одам. Четда кузатиб турай ҳам дедим, лекин чарчаганим учун, уйимга шошилдим. Улардан узоқлашганимдан сўнг, кимнидир “Вой, единг-ку, аблах!” деб бўғиқ овозда бақирганини эшитдим. Мен ўшанда улар шунчаки муштлашишгандир, кимдир калтак егандир, деб фараз қилгандим. Аммо, кеча хабар келдики, ўша инсон чавоқланибди. Менинг билганларим шулардир.

Бош миршаб ундан ҳам сўради.

– Ёлғон гувоҳликка жазо борлигини биласанми?

– Биламан, бош миршаб жаноблари! Қасам ичайми?

– Ҳа, ич!

Миршаббоши олдидаги хонтахта устида турган кўнғироғчани силкитиб жингиллатди. Ёрдамчиси кирди.

– Бу иккисининг гапларини ёзиб, қўл қўйдириб ол! Аввал, Қуръонни тутқиз! Қасам ичишсин! – буюрди унга. Ва сўзларида давом этди. – Кейин миршабларга айт, булар айтган Абдулазални тутиб келтиришсин!

* * *

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Муҳаммаднинг қалб кўзи олдидан тезгина ўтдилар. Ёш йигит дарҳол қозикалонга боқди. У шогирдининг маъноли қарашини илғаб, билинар-билинемас бошини силкиб қўйди. Ревгорлик қози ўз баёнини тугатиши билан маҳкама бошлиғи сўз бошлади.

– Масала шартлари ойдинлашди. Эндиги вазифамиз ушбу масаланинг ҳақиқий ечимини топишдир. Бунинг учун, мен аввалига гумондорни сўроқ қилишдан бошлайман... – у атрофга бир-қараб олди-да, сўзларини давом этдирди. – Хўш, исми-шарифингизни айтинг.

Айбдор деб аталаётган шахс кўзларида яхшилик умидлари чақнаган ҳолда жавоб берди.

– Абдулазал, отамнинг исми Абдурасул.

Бош қози мирзасига қаради, унинг сўроқ жараёнини ёзишга тушганини билгач, яна гумондорга юзланди.

– Абдулазал Абдурасул ўғли, сиз қотилликда айбланаяпсиз. Айбингизни бўйнингизга оласизми?

– Йўқ, қозикалон жаноблари! Менинг умуман айбим йўқ!

– Сизнинг айбдор эканлигингизни икки гувоҳ тасдиқлаяпти. Улар қўлларига Қуръон олиб қасам ичишган.

– Бу ҳолат уларнинг виждонига ҳавола. Бу икки ёлғон гувоҳни бир кунмас бир кун Каломуллоҳ албатта уради! Истасангиз, мен ҳам қўлимга муқаддас китобни олиб, рост гапираётганимни тасдиғи учун қасам ичаман!

– У ҳолда айтинг-чи, Абдуҳаким исмли шахс ўлдирилган пайтда қаерда эдингиз?

– Ўша куни мен ўз уйимда эдим. Ҳеч қаерга чиқмагандим ва ҳеч ким билан суҳбатлашмагандим.

– Ким бунга гувоҳ? Оилангиз борми?

– Ҳа, оилаликман. Хотиним билан яшайман. Менинг уйда эканлигимни у тасдиқлай олади.

Боши қози ревгорлик ҳамкасабасига қараб сўради.

– Абдулазал Абдурасул ўғлининг завжасини сўроқ қилганмисиз?

Ревгорлик қонун вакили қизарди ва истамайгина жавоб қилди.

– Қозикалон жаноблари, бу менинг айбим. Шу нарса ҳаёлимга келмабди.

Маҳкама бошлиғининг жаҳли чиқди.

– Сизга бундай хатолар қилиш ярашмайди! Ҳар бир ишни бекам-у кўст бажариш лозим.

Бош қози бундай хом-хатала ишлар қилувчиларни хуш кўрмасди. Аммо, наилож! Ҳозир, қўл остидагиларга дакки берадиган пайт эмас. У эндигина сўзларини давом этдирмоқчи эди, нигоҳи Муҳаммадга тушди. Шогирдининг нимадир гапирмоқчи эканлигини тушунди. Шунинг учун, аввал атрофдагиларга сўз қотди.

– Мен сўроқ қилишни ўз шогирдим – Муҳаммад Афзал ўғлига бераман. Унинг саволлари тугагач, ишни ўзим якунлайман. Тушунарлими?

Йиғилганлар бош силкидилар.

Қозикалон шогирдига юзланди.

– Муҳаммад Афзал ўғли! Гумондорга саволларингизни бераберинг!

– Ишончингиз учун раҳмат, қозикалон жаноблари! – шогирд йигит раҳбарига миннатдорчилик билдирди ва гумондорга савол берди.

– Абдулазал Абдурасул ўғли, айтинг-чи, томорқангиздан топилган пичоқ сизникими?

– Йўқ. Менда ҳеч қачон бундай пичоқ бўлмаган.

– Буни ким тасдиқлайди?

– Фақат жуфти ҳалолимгина, тақсир!

Муҳаммад раҳбарига юзланди.

– Қозикалон жаноблари! Рухсат берсангиз, гувоҳларга ҳам савол берсам.

– Рухсат этаман.

Муҳаммад биринчи гувоҳга мурожаат қилди.

– Исми-шарифингизни айтинг!

– Ашурбой Равшанбой ўғли.

– Сиз, маълум қилинишича, гумондорнинг томорқасидан қонли пичоқ топиб олган экансиз, шундайми?

– Ҳа, тақсир.

– Бу ерда хабар этилишича, томорқаларингиз орасида тўсиқ йўқ экан, фақат ариқ оқиб экан. Пичоқни қандай шароитда топиб олдингиз?

– Мен эрта тонгдан экинларимни суғорай деб ўртадаги ариқдан сув тараётган эдим, тўсатдан қонли пичоққа кўзим тушди. Дарҳол уни олиб, латтага ўраб олиб қўйдим. Чунки, бу нарсани нима эканлигини яхши англаган эдим.

– Тушунарли. Энди бошқа саволга жавоб беринг: ушбу гумондорни ўша кундан бир кун аввал кечаси уйга

қайтаётганини кўрган экансиз. Бу қандай ҳолатда рўй берган эди?

– Итим негадир ташқарига чиқиб кетибди. Ўша пайт жониворни излаб кўчага чиққандим.

– Қўлингизда машъала бормиди?

– Йўқ. Чунки, биринчидан, ойнинг ёруғи бор эди, иккинчидан, итимни лақабини айтиб чақирсам дарров келарди.

– Пичоқни, ариқ томондан ҳисоблаганда, нечанчи эгатдан топгансиз?

– Аниқ эсимда турибди, тўртинчисидан.

– Кўзингиз қандай ҳолатда шу далилий ашени кўрди? Айтмоқчиманки, сиз бу дамда ўз томорқангизда эдингизми ёки қўшнингизнинг еридамидингиз?

– Сув тараётган пайтимда қаерда бўлардим – ўз томонимда, ариқ ёнида эдим.

– Бу ҳам тушунарли. Айтинг-чи, қўшнингизнинг ерига нима экилган?

– Пиёз.

Ашурбой бу, кўп саволлар бераётган йигитга норози ҳолатда қараб қўйди. Ва яна саволингиз борми, ҳаммасига аниқ – дадил жавоб беравераман, дегандек маънода тикилди.

Муҳаммад эса ревгорлик қозига юзланди.

– Қози жаноблари, ушбу жиноят қайси куни содир этилгани маълумми, у хужжатларда акс этганми?

Ревгорлик қонун вакили олдида ётган хужжатларни варақлади-да, ушбу санани аниқ айтиб берди. Муҳаммад яна гувоҳга ўгирилди.

– Ашурбой Равшанбой ўғли, айтинг-чи, қўшнингизнинг пиёзи ўриб олинганми?

– Пиёзни бу пайтда ким ўради? Ҳали етилмаган, кўм-кўк барра бўлиб ўсиб ётибди.

Муҳаммад Абдулазалга юзланди.

– Абдулазал Абдурасул ўғли, барра пиёзингизнинг баландлиги қанақа?

– Камида икки қарич, тақсир!

Кейинги савол яна гувоҳга берилди.

– Ашурбой Равшанбой ўғли, сиз қандай қилиб, ўз ерингизда турган холда, қўшни томорқасидаги баланд бўлиб ўсган, тўртинчи эгатдаги барра пиёзлар ортидаги пичоқни кўра олдингиз? Бу асло мумкин эмас. Уни фақат атайин қидирилгандагина, тимирскланганда кўрса ва топса бўлади!.. Ҳамда, жиноят содир этилган кун кечаси ой чиқмайдиган паллага тўғри келади. Бундан ҳар бир оддий саводли одам ҳисоблаб чиқа олади. Бундай тунда, машғала ёруғисиз, рўпарадаги одамнинг куйлигидаги қон изларини кўриш жуда мушкул. Бундан ташқари, пичоқнинг гумондорга тегишли эканлиги ҳам исботланмаган. Менинг шахсий хулосам шуки, сизнинг барча гапларингиз тухмат ва гувоҳлигингиз ёлғон! Яна Қуръон ушлаб қасам ҳам ичибсиз?! Оллоҳнинг қаҳридан қўрқмайсизми?

Муҳаммад охирги жумлаларини шундай баланд ва таъсирчан пардаларда ифода этдики, бу ҳақиқатга тўла товуш тўлқинлари гувоҳни эсанкиратиб, унинг кўзларини шокосасидан чиқиб кетадиган ҳолатга келтириб қўйди. У савол берувчининг мантиқий сўзларига лом-мим дея олмай қолди. Чунки, сўроқ бундай даражада бўлади деб кутмаганди ва тайёрланмаганди. Одатдагидек, ёдлаб олган гапимни тўтиқушдек айтаман ва без бўлиб турабераман, деб ҳаёл қилганди. Лекин, бу ерда вазият бошқачароқ тус олди. Ва у довдираб қолди.

Муҳаммад эса вақтни бой бермай баланд пардаларда яна ўткир савол берди. Чунки, асл жиноятчининг руҳий мувозанати ушбу пайт бузилганини сезаётганди. Бу ҳолатдан кечикмай фойдаланиб қолиш лозим эди.

– Ашурбой Равшанбой ўғли! Сиз қандай мақсадда қўшингиз Абдулазал Абдурасул ўғлини ўлимга жўнатмоқчи бўлдингиз?!!

Сохта гувоҳ индамай қолди ва бир неча сониялардан сўнг зўрға ёлдиради.

– Мен... мен... Айбимни кечиринглар!.. Шайтон йўлдан урибди...

– Қўшнингиз сизга нима ёмонлик қилганди?

– Ҳеч бир...

– Ундай бўлса, сабаби нима?

Ашурбой индамай ўтираберди. Муҳаммад ушбу вазиятда унинг қора кўнглини атрофдагиларга ланг очиб бериши керак эди. Шунинг учун, фикрларини шартта-шартта баён қилди ва савол берди.

– Сиз қилган ишингизни ҳеч ким билмайди деб ўйлайсизми?! Менда барча маълумот бор! Сиз қўшнингиз Абдулазал Абдурасул ўғлининг жуфти ҳалолига кўз олайтиргансиз. Унинг эрини йўқ қилсам, уни қучоғимга босаман деб хомҳаёлга берилгансиз. Ва жўрангиз Хотамбой Тожибой ўғли билан тил бириктириб, бир бегуноҳ одамни ўлдиргансиз! Бу ишни эса қўшнингизга тўнкагансиз! Тўғрисини айтинг, ҳамқишлоғингизни сиз чавақладингизми ёки жўрангизми?!

– Йўқ, йўқ! Мен эмас!..

Шу дамга келиб Хотамбой жим туролмади. Чунки, бу ифодадан сўнг асосий гуноҳкор ўзи бўлиб қолиши мумкин эди.

– Вой, аблаҳ! Ҳамма ишни бошлаб, мени йўлдан уриб, бу аёл иккаламизники бўлади, у билан галма галдан ётиб юраберамиз деб, жиноятга бошлайсан-да, энди фақат мени гуноҳкор қиласанми, ит!?

Унинг бу гапларисиз ҳам ушбу хонада ҳайратга тушиб ўтирган одамлар беихтиёр ёқа ушладилар.

– Астағфируллоҳ! Ё, Оллоҳ! Шунақаси ҳам бўларканми?.. Бир хотин икки эркакка?!. Галма галдан ётиб юришади?!. Астағфируллоҳ! Бузуклик ҳам шу даражада бўладими?..

Шу пайтда, хизмати давомида кўп ишларни кўрган қозикалон пинагини бузмай суриштириш жараёни тизгинини ўз қўлига олди. У мирзага қаради.

– Барча гапларни ёзиб улгурдингми?

– Ҳа, қозикалон жаноблари!

– Яхши, саволларни энди мен бераман.

Бош қози гувоҳликдан айбдор мақомига ўтган бу икки

манфурнинг жиноятларини қандай амалга оширганликларини қўшимча саволлар бериб аниқлади ва ниҳоят, ўз ҳукмини чиқарди:

“Абдулазал Абдурасул ўғли ҳеч қандай жиноят қилмаганлиги ва қуруқ тухматга учраганлиги туфайли, оқлансин. У шу заҳотиёқ бандилиқдан озод этилсин.

Ашурбой Равшанбой ўғли ва Хотамбой Тожибой ўғли ўз қора ниятларини амалга ошириш учун содир этган оғир жиноятлари, Каломуллоҳ ушлаб қасам ичиб, сохта гувоҳлик берганликлари учун шариат қонунларига биноан ўлим жазосига ҳукм этилсинлар.”

Бош қозихонадаги жараён тугади. Гувоҳликдан айбдорлик даражасига тушганлар – Ашурбой Равшанбой ўғли билан Хотамбой Тожибой ўғли банди қилиндилар ва ўлим жазоси берилган жиноятчилар зиндонига олиб кетилдилар.

Абдулазал Абдурасул ўғли эса озодликка чиқарилди. Унга ўз қишлоғига кетишга рухсат берилди.

Ҳамма ташқарига чиққач, бандилиқдан қутилган йигит қозикалонга таъзим қилиб миннатдорчилик билдирди. Кейин Муҳаммаднинг қошига келди.

– Ҳақиқатни юзага чиқарганингиз учун сизга катта раҳмат! – хитоб қилди у. – То ўлгунимча бу ишингизни унутмайман! Сизга Оллоҳ улуғ даражалар берсин!

Муҳаммад унинг миннатдорчилигига жавобан жилмайди. Абдулазалнинг қўлини сиқди. Ва сўз қотди.

– Иншаолло, бундан кейинги ҳаётингизда асло жафо чекмайсиз. Бахтли яшайсиз, икки фарзандлик ҳам бўласиз.

Абдулазал ажабланиб боқди.

– Ростданми? – сўради у.

– Ҳа, фақат ҳар намозингиздан сўнг Оллоҳдан сўраб тулинг! – жавоб берди Муҳаммад ва қайрилиб ўз хонасига кириб кетди.

* * *

+

1150 – 1161 йиллар.

БУХОРО ШАҲРИ.

МИРШАБЛИК

Содир бўлган воқеадан сўнг, аввалига Ревгор қишлоғида, кейин бошқа тарафларда Муҳаммад Афзал ўғли ҳақида турли гаплар тарқалди. Бу гапларнинг асосий мазмуни шу эдики, Бухорода Муҳаммад деган бир ёш қози чиқибди, у инсонларнинг дилини кўрар эмиш, уни ҳеч ким алдаёлмас эмиш. У жиноятчиларни, ёлғон гувоҳларни чин сўзлата олар эмиш. Улар бу қози олдида ўз айбларига истасалар ҳам, истамаслар ҳам тўла иқрор бўлар эмишлар!

Қозикалон ҳам ўша кундан ўз ёш шогирдига катта ҳурмат кўзи билан қарай бошлади. Унинг назарида Муҳаммад жуда ноёб инсон эди. Қозихонада ҳам унинг обрўси кўтарилди.

Аммо, у ўзини аввалгидек тутар – камтар ва тавозеъли бўлиб юрарди. У ердаги иш жараёнлари эса аввалгича давом этарди.

Кунлар кетидан кунлар ўтарди. Вақт индамай кетаберарди. Қачон ҳам у товуш чиқариб кетган? Ҳеч қачон!..

Орадан ойлар ўтди. Муҳаммадга бу ердаги хизмат худди мажбурий ишдек туюла бошлади. Худди унинг ҳисларини сезгандек, шу кунларнинг бирида, қозикалон ўз ёрдамчисини ҳузурига суҳбатга чорлади.

Аввалига унга бир оз разм солиб қараб турди. Кейин оҳиста сўз қотди.

– Муҳаммад, сен жуда истеъдодли йигитсан. Билиминг уммон каби бепоён. Оллоҳ сенга жуда катта имкониятлар берган. Сендек кўп қирралик ноёб инсонни кичик бир даражада олиб ўтириш гуноҳ бўлса керак. Шогирдлик мақомини яшин тезлигида босиб ўтдинг. Ҳозир етук билиминг бор. Салоҳиятингга кўра катта бир қишлоқнинг қозилик ишини бемалол олиб бора оласан. Шунинг

учун, бир таклифим бор – ўйлаб кўр...

Қозикалон сўзларида тўхтади. Яна Муҳаммадга синовчан назар ташлади ва гапини давом этдирди.

– ...Ғиждувон қозиси яқинда менинг олдимга келди. У ёши анча улғайганини, кейинги пайтларда чарчаб қолаётганини айтди. Истеъфога чиқишни истаяпти. Аммо, унинг ўрнига қўйишга арзирли қозиларим йўқ. Истовчилар кўп, лекин лойиқлар топилмаяпти. Бугун, мана, сенинг борлигинг эсимга тушди. Агар, рози бўлсанг, мен сени Ғиждувон қишлоғи қозиси этиб тайинлайман. Чунки, бу ишни қийналмай эплайсан.

Муҳаммад бу таклифга нима жавоб беришни билмай қолди. Бироз ўйлагач, сўз қотди.

– Қозикалон жаноблари! Гарчи, менинг билимим бор бўлса-да ва ҳузурингизда маълум тажриба олган эсам-да, мен ҳали жуда ёшман. Шунинг учун, узримни қабул этинг. Мен ишончингизни оқлай олмасликдан кўрқаман. Атрофдагилар ҳам менинг ёшлигимни кўриб, қози сифатида жиддий қабул қила олмасалар керак.

У кўнглидаги фикрларни биратўласи юзага чиқаришни ўзига эп билмай шундай жавоб қилди. Аслида, унинг қалби Бағдод шаҳрида ўрганган қиличбозликларини, ҳарбий кўникмаларини қўллаш мумкин бўлган соҳага интиларди. Бу истак оловдек вужудини қиздирарди. Ўйлаб кўрса, бундай тилаklarига эса миршаблик тўла-тўкис мос келар экан. Шунинг учун, Муҳаммад ёшлигидаги бир ўртоғининг шундай ишга кирганини эшитиб, ундан бу касбнинг турли жиҳатларини сўраб билиб олганди. Миршаблик ўшандан бери уни ўзига оҳанрабодек тортарди.

Қозикалон, унинг бу интилишларидан беҳабар ҳолда, янги лавозимга ўтишга яна ундай бошлади.

– Қозилик бўйича сенда буюк салоҳият бор. Шу вақт ичида бирорта хато қилганинг йўқ. Кўп қозилар аниқлай олмайдиган чигал ва муаммоли ишларни очиб ташлаяпсан! Жиноятчиларни айбига иқроқ қилдираяпсан. Ёлғон гувоҳларнинг айбини тан олдираяпсан. Сенинг ёшингдагилар бу соҳада ҳали атак-чечак

қилиб юришибди. Наҳотки, шундай ажойиб ва ноёб қобилиятинг бўла туриб, шундай имкониятдан воз кечасан? Сени ёш дегувчиларни эса менга қўйиб бер – ҳаммасига ўзим тушунтираман!

Муҳаммад унга дилидаги барча истакларини баён қилишга мажбур бўлди.

– Қозикалон жаноблари! Сиз менга жуда кўп нарсаларни, масалан жиноятчиларни қандай сўроқ қилишни, гувоҳлар билан қандай сўзлашишни ва қандай хулосалар асосида ҳукм чиқаришни ўргатдингиз. Шу берган билимларингизга рози бўлинг! Менинг яна сиз беҳабар бўлган яна бир интилишим ва иқтидорим бор. У ҳам бўлса, ҳарб соҳасидир. Мен Бағдод шаҳрида ўқиб юрганымда қиличбозликни, рақибдан қандай ҳимояланишларни ва уни қандай мағлуб қилишларни ҳам ўрганганман. Разил инсонларни ер тишлатиш менга қийин иш эмас. Қозиликда, мен бу эгаллаган маҳоратимни асло қўллай олмайман. Агар, бу ишни унутиб юборсам, Оллоҳ вақти келганда, “Мен сенга иқтидор бердим, сен уни нега яхшиликка тадбиқ қилмадинг?”, деб сўрамайдими? Балки, бу гапларимдан сипоҳийликнинг ҳиди келаётгандир. Лекин, мен асло ҳарбий аскар бўлмоқчи эмасман, чунки жангчилик менга ёт нарса. Ўйлаб кўрсам, мен учун бирдан бир тўғри соҳа – миршаблик экан. Қалбим ҳам шуни истаяпти. Менинг узримни қабул этинг ва тушунинг.

Бу сўзларни эшитган қозикалон анча ўйланиб қолди. У жуда ақлли инсон эди. Ўзининг ҳозирги даражасига ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзининг чуқур мушоҳадалари ва хатти-ҳаракатлари туфайли эришган эди. Атрофлича фикр юритадиган ва мустақил қарор қабул қила оладиган инсонларни ҳурмат қиларди. Шунинг учун, Муҳаммаднинг мантиқий сўзларига эътибор қилди ва бу йигитга ёрдам бериш ҳам керак деган хулосага келди.

– У ҳолда, мен нима ҳам дердим. Сендек инсоннинг қалби шу ишни истаётган экан, демак бу Яратганнинг хоҳишидир. Миршаблик сени оҳанрабодек тортаётган экан, мен ёрдам

бераман. Шаҳримизнинг Бош миршаби билан яқин инсонлармиз. Сен ҳақингда у билан гаплашаман. Шу ҳафта бу ерда ишлаб тур. Агар, у рози бўлса, кейинги шанба кундан бошлаб у ерга хизматга ўтасан.

Уларнинг суҳбатлари шу зайилда тугади.

Қозикалон ўз сўзида туриб, шогирдини кейинги ҳафтадан шаҳар миршабхонасига ишга ўтказди. Муҳаммад бундан чексиз қувонди. Хатто, қушлардек қанот чиқариб учгиси ҳам келди. У йигирма икки ёшида Бош миршабнинг ёрдамчиси сифатида хизматини бошлади.

Хўжа Муҳаммад Афзал ўғлининг буюк ишлари ҳали олдинда эди.

* * *

Янги иш жойига вақтликкина етиб келган Муҳаммадни Бухоро шаҳрининг бош миршабининг қабулхонасида ўтирган мирзаси қарши олди. Ва, “Бошлиқ келгунча кутиб туринг! – деб жой кўрсатди. Унинг юз ифодасида ва сўзларида на бир хушмуомилалик, на бир хушфеъллик сезилди. Бундай совуқлик ёш йигитга ғалатиноқ туюлди. “Балки, миршаблик иши шундай муомилани талаб қилса керак...” – деб ўйлади. Шу дақиқалардан у ҳам ўта жиддий қиёфага кирди.

Қабулхонага бир-иккита одамлар кириб-чиқиб кетишди. Мирза билан сўзлашишди. Уларнинг гаплари оҳангидан ҳам қор ва музнинг тафти келарди.

Ниҳоят, шаҳар Бош миршаби ўз хизматида етиб келди. Унинг ҳам қовоғи солиқ эди. Лекин, мирза унга салом бериб, уни бир йигит кутаётганини айтгач, ҳиёл жилмайди.

– Қозикалон айтган йигит сенмисан? – сўради у.

Муҳаммад унга салом берди-да, тасдиқ жавобини берди.

– Ҳа, бош миршаб жаноблари!

– Шундай бўлса, юр менинг хонамга! – буюрди у, энди барала жилмаяр экан.

Муҳаммад унинг ортидан хос хонага кирди. Кўрсатилган жойга ўтирди.

– Хўш! – деди бошлиқ ўз курсисига чўкиб. – Қани айт-чи, нега қозилиқдан воз кечиб, миршабликни ихтиёр қиляяпсан?

Муҳаммад соддаларча жилмайди ва аста жавоб қилди.

– Менга қозилиқдан кўра миршаблик ёқади!

– Ажаб! – деди бош миршаб. – Шаҳримизда сендан ўтадиган ёш қози бўлмасада, сен эса қаршингда турган порлоқ истиқболдан воз кечиб, миршаблик ишига ўтишни истасанг!? Қарангки, бу кишига миршаблик ёқармиш? Бу хизматнинг қандайлигини тасаввур қиласанми, ўзи? Ё ташқаридан қараб ҳуқуқ посбонларининг пўрим кийимларига, белларига осиб юрган ҳашаматли қиличларига ҳавасинг келаяптими?

– Бош миршаб жаноблари! – хитоб қилди Муҳаммад. – Мен ўзим учун бундай қарор чиқаришдан олдин жуда пухта ўйлаганман ва бу ишга тайёргарлик кўрганман!

– Майли, сўзларингга ишонай – чунки, сенга қозикалоннинг ўзлари кафил бўлмоқдалар. Лекин, айтчи, жиноятчилар қанақа бўлишини, улардан нималар кутиш мумкинлигини, кўпинча улар билан олишишга тўғри келишини ва хаттоки ҳалокатга учрашинг эҳтимоли мавжудлигини биласанми?

– Ҳа, албатта! – шаҳдам сўз қотди ёш йигит. – Шунинг учун, ҳарб санъатини ҳам ўрганганман!

– Жуда соз! Бир ўзинг бир вақтда нечта одам билан кураша оласан?

– Агар, қиличбозлик бўлса уч ёки тўртта кишидан ҳимоялана оламан. Хаттоки, уларни енгишим ҳам мумкин. Найза билан эса ўн беш-йигирма қадамлар наридаги душманни аниқ мўлжалга олиб қулата оламан.

– Сен-а!? – ажабланди яна бош миршаб. – Бу сўзларга жуссангни кўрган одам асло ишонмайди... Бироқ, қозикалон анойи эмас, уни алдаш жуда мушкул. Сен у кишининг даргоҳида

қанча муддат хизмат қилдинг?

– Тахминан бир йил, бош миршаб жаноблари!

– Бундай оз муддатда шунчалар оғизга тушдингми? Биласанми, Бухорода ва унинг атрофларида сен ҳақингда қандай афсонасифат воқеалар оғиздан оғизга кўчиб юрганини!.. Ажабо, сохта гувоҳларнинг, жиноятини беркитадиган айбдорларнинг қалбидан чин сўзларни суғуриб ололсанг, Қуръонни ва шариатни тўлиқ ёд билсанг, бунинг устига моҳир қиличбоз-у уста найзабоз бўлсанг – шундай девқомат бўлмаган жуссангга кўплик қилмайдими?

Муҳаммад жавоб қилди.

– Барчаси Оллоҳдан, бош миршаб жаноблари!

– Ҳа, тўғри айтасан... Майли.. Мен сени синаб кўраман, имтиҳонимдан ўтсанг – миршаб бўласан, акс холда хафа бўлиш йўқ!

Бош миршаб ўрнидан турди-да, жавонга яқинлашиб у ердан бир китобни олди.

– Биласанми, бу нима? – сўради у.

– Миршабликнинг қонун-қоидалари битилган рисола бўлса керак!

– Баракалла! Жуда зийрак йигит экансан. Бу жилдда сен ўрганишинг зарур бўлган барча маълумотлар бор. Буни сенга бераман – қалбингга тўлиқ қилиб жо қилишинг учун. Шариат қонунларини қандай билсанг, ушбу қоидаларни ҳам шундай даражада ўзлаштиришинг шарт! Англадингми?

– Ҳа! Бунинг учун менга қанча муддат берасиз?

– Истаганингча. Мен шошмайман. Қачон тайёрман деб келсанг, бир нечта ёрдамчиларим билан имтиҳон қиламиз. Ма, ушла.

Муҳаммаднинг кўзлари ёнди. Худди ноёб бир топилмага қарагандек боқди ва оҳиста қўл узатди. Авайлаб ушлади.

Бош миршаб унинг китобга бўлган муносабатини кузатар экан, дилидан қониқди. Бундай инсонлар ҳеч қачон ақл ва руҳ маҳсулотларини хор қилмайдилар.

– Ушбу рисола беш қисмдан иборат. – деди у. – Мен сенга уларни айтиб бераман: **биринчисида** – миршабнинг вазифалари, мажбуриятлари ҳамда жиноятчилар ёки жиноятчиликда айбланаётганлар билан мулоқот қилиш қонун-қоидалари баён этилган. Яъни, уларга нисбатан қандай чоралар кўриш мумкин, қандайларини эса қўллаш мумкин эмас ва ҳаказолар; **иккинчисида** – ўзингдан лавозими юқорироқ ва лавозими пастроқ миршаблар билан муносабатлар тартиблари ифодаланган; **учинчисида** – маълум бир ҳудудда, айтайлик шаҳар, шаҳардаги маҳалла ёки қишлоқда тинчлик ўрнатиш тадбирлари келтирилган; **тўртинчисида** – тинч аҳоли билан муносабатлар тамойиллари, оддий халққа жинойий ишларнинг гуноҳи ва ундан келиб чиқадиган жазолар даражасини англатиб бориш ишлари қандай бўлиши ҳақида гап боради; **бешинчисида** – жиноятчиларни қозиларга рўпара қилиш ёки қозихоналарга ўтказиш қоидалари тушунтирилган.

Бош миршаб сўзларини тўхтатди. Аста жилмайди ва давом этди.

– Қалай, қизиқарлими? – сўради у. – Лекин, бундан қатъи назар, шу бешта бўлимни жуда яхши билишинг шарт! Шундагина яхши миршаб бўлиб етишасан. Ҳарб ишига келганда, уни фақат жиноятчиларни ушлаш пайтида, улар томонидан қаршилик кўрсатилган ҳолларда ва уларнинг жиноятлари яққол ифодаланиб турган дақиқалардагина қўллашинг мумкин. Ноўрин ва ҳаддан ортиқ қаттиққўллик миршабхонада бошлиқлар томонидан муҳокама қилинади. Зарурати йўқ вақтдаги қурол ишлатган миршаб албатта жазоланади. Тушунарлими?

– Ҳа! – жавоб қилди Муҳаммад ва яна нима гап эшитар эканман деб диққат қилди.

Лекин, бош миршаб суҳбатини якунлади.

– Менимча, барча лозим сўзлар айтилди. Энди сен китобни ол-да, уйингга бор! Уни яхшилаб ўрганиб чиққач, олдимга келасан!

Муҳаммад ўрнидан турди. Таъзим қилди.

– Раҳмат, бош миршаб жаноблари! – хитоб қилди у ва китобни авайлаб бағрига босганча, ташқарига йўналди.

* * *

Муҳаммад уч кунда бу китобни яхшилаб ўқиб, мағзига тушуниб олди. Рисоладаги барча қонун-қоидалар-у тартиблар унинг онгига Қуръон каби мустаҳкам михланди.

Тўртинчи кун эрта тонгдан яна шаҳар Бош Миршабхонаси томон йўл олди.

У яна ўша мирзага учрашиб бошлиқ ҳузурига киришга изн сўради.

– Хўш, нималарга тушунмадинг? Нима саволлар билан келдинг? – сўради шаҳар бош миршаби, ўзининг ўтқир кўзларини йигитга қаратар экан.

– Ҳеч қандай саволим йўқ, бош миршаб жаноблари! – хитоб қилди Муҳаммад.

– У ҳолда нима юмуш билан келдинг?

– Имтиҳонга тайёрман, шуни айтгани келгандим.

Бош миршабнинг кўзларида ҳайрат учқунлари чақнади. Бир дақиқа индамай турди. Ва ниҳоят гапирди.

– Тўлиқ ўрганиб чиқдингми? Ишончинг комилми?

– Албатта, бош миршаб жаноблари!

– Бунча тез?! Сенинг лаёқатларинг ҳақида эшитганман, лекин яшин тезлигида шундай катта ҳажмли китобни ўзлаштириб олишингни кутмагандим...

Бош миршаб шу сўзларни айтгач, бошини қашлади ва гапини давом этдирди.

– Аммо, нима ҳам дердим. Майли. Тайёрман десанг, имтиҳон қилаберамиз. Аср намозидан сўнг кел. Мен барча ўринбосарларимни ва миршаблик қонуниятларини пухта билувчи кишиларни чақираман. Келишдикми?

– Ҳа!

– Яхши, унда кутаман.

Муҳаммад тайин этилган вақтга бир неча дақиқа илгари етиб келди. Вожабки, шаҳар бош миршабининг мирзаси уни жилмайиб қарши олди.

– Бир оз кутиб туринг! – деди у, тишларининг оқини кўрсатар экан. – Сизни имтиҳон қилувчи жамоа зум ўтмай ҳозир бўладилар!

– Улар кўпчиликми? – сўради йигит, беихтиёр табассум қилар экан.

– Ҳа, етти киши.

Ҳақиқатдан ҳам имтиҳон қилувчилар – ҳаёят аъзолари кўп куттиришмади. Бош миршаб бошчилигида кириб келаётган махсус кийимдаги кишиларга Муҳаммад ҳиёл таъзим билан салом берди. Ва хосхонага улар ортидан кирди. Ҳамма ўз ўрнига ўтиргач, бош миршаб Муҳаммадга жой кўрсатди.

– Энди, – давом этди у, ўзи ҳам жойлашиб олгач, – вақтни бекор кетказмай имтиҳонни бошлаймиз. Ҳаммангизга маълум, бугун биз шу қаршингиздаги йигитни – Муҳаммад Афзал ўғлини синовдан ўтказишимиз лозим. Агар, миршаблик қонун-қоидаларини яхши ўзлаштирган бўлса, уни сафимизга қўшамиз. Агар билими саёз бўлса, унга икки ҳафтадан сўнг яна бир марта имконият берамиз – у охиргиси бўлади. Демак, бошладик, биринчи саволни менинг биринчи муовиним беради!..

...Муҳаммадни етти киши икки соат мобайнида имтиҳон қилишди. У бирорта ҳам хато жавоб бермади. Муовинларнинг бири, хаттоки, турли жинойй вазиятлар ҳақида гапириб, шундай холларда қандай иш тутиши зарурлигини сўради. Ва у ҳам кўнглидагидек жавобни олди.

Унинг билими даражасидан қониқмаган киши қолмади. Айниқса, бош миршаб жуда ҳайратга тушди.

– Жаноблар! – хитоб қилди у, атрофидаги ҳайъат аъзоларига, – кўриб турибсиз, эшитдингиз, бу йигит жуда пухта тайёргарлик кўрган! Унинг уч кун ичида эгаллаган билими ҳар қандай таҳсинга лойиқ. У миршаблик васиқасини олишга муносиб

эканлигини кўрсатди. Кимнинг бу таклифга нисбатан монелик қилувчи сабаблари бўлса, айтсин – тинглайлик!

Ҳеч ким норозилик изҳор қилмади.

Бош миршаб шу ерда ўтирган мирзага буюрди.

– Муҳаммад Афзал ўғлига Бухоро шаҳри миршаби васиқасини ёзиб беринг. Ҳамда, бу ердан чиққач, ўзига лойиқ махсус кийимлар ва қурол беринг – у эртадан хизматга киришаберсин!

Шу дамда биринчи муовин сўраб қолди:

– Дарвоқе, бу йигитни қайси бўлинмага белгилаймиз?

Бош миршаб Муҳаммадга юзланди.

– Хўш, ўзинг айт-чи, қандай бўлинмада хизмат қилишни истайсан?

– Мен жиноятчиларни тутувчилар сафига юборишин-ғизни илтимос қиламан. – деди у ийманибгина.

– Дабдурустан, ҳали жуда ёшсан, тажрибанг йўқ, бундай оғир жойда хизмат қилиш сенга мушкуллик туғдирмасмикан? – сўради ўринбосарларнинг бири.

– Менимча, туғдирмайди! – Муҳаммад учун жавоб қилди Бош миршаб. – Бу йигит тегирмонга тушса, бутун чиқса керак!

Ушбу бир оғиз сўз билан унинг келгуси тақдири ҳал этилди.

Шу бугуноқ унга махсус кийим, миршаблар қиличи ва пичоғи тақдим этилди.

Эртаси куни тонгданоқ Муҳаммад “Жиноятчиларни тутиш” бўлинмасига келиб қўшилди.

Миршабхона ҳовлиси анча кенг экан. Бу ерда турли машқлар қилса ҳам, югурса ҳам бўладиган майдон бор экан. Бўлинма бошлиғи ўзининг саф тортиб турган миршабларига янги одам келиб қўшилганини кўрди. У дарҳол мирза ёзиб берган йўлланмани кўрсатди. Бошлиқ, бу – унча катта гавдага эга бўлмаган йигитга синовчан нигоҳ ташлади. “Бу тирранчани қўлидан нима иш келаркин? Нега бундай ёш йигитни менга юборишибди?..”, ўйлади у. Ва беҳафсалароқ савол берди.

– Хўш, Муҳаммад Афзал ўғли, сен бир жиноятчига рўпара

келиб қолсанг, уни ушлаб, қўлини боғлаш лозим бўлса ва у сендан бақувват бўлса, қандай тадбир қўллайсан?

– Жаноб бўлинма бошлиғи! Бундай ҳолларда мен оғзаки равишда уни огоҳлантираман. Агар буйруғимга бўйсунмаса, қиличимни чиқариб яна бир марта таслим бўлишни таклиф қиламан. Шунда ҳам ўжарлик қилса, қурол ишлатишга мажбур бўламан!

– Қурол ишлатишни биласанми ўзи?

– Албатта, жаноб бўлинма бошлиғи!

– Ундай бўлса, мен билан кураша оласанми?

– Сизга ҳамла қилсам ва ғолиб чиқсам, ҳурматсизлик бўлмайдими?

– Йўқ! Мени мағлуб эта олсанг, тасаннолар айтаман! Чунки, қиличбозликда менга унча-бунча одам бас келолмайди. Бошлаймизми?

– Майли, жаноб бўлинма бошлиғи!

Раҳбарининг имосини илғаган ёрдамчиларнинг бири югуриб бориб, қурол-аслаҳа сақланувчи ҳужрадан махсус қиличларни олиб келди ва икки тарафга тутқизди.

Улар майдон марказига боришди ва жангга тайёр ҳолда туришди.

– Биринчи бўлиб, сен ҳамла қил! – деди бўлинма бошлиғи.

– Жазм этолмайман! – жавоб қилди Муҳаммад.

– Бўлмаса, унда, мана мен жазм қиламан ва каллангни оламан! – хитоб қилди раҳбар, унга ташланар экан.

Муҳаммад унинг ҳужумига дарҳол чап берди. У, раҳбарнинг ҳурмати, беш-олти дақиқа ҳамла қилмай турди. Бу вақт давомида фақат ҳимояланди. Бўлинма бошлиғи жуда яхши қиличбоз экан – унинг моҳирлиги ҳар бир ҳаракатидан билиниб турарди. Ниҳоят, Хўжа Афзал Илёс ўғлининг қони қизиб, ҳужумга ўтди ва икки ҳамла билан уни чекинтирди. Бу том маънодаги чекинтириш эмас, балки биратўла мағлубиятга учратиш эди. Бўлинма бошлиғи янги миршабнинг қиличи зарбасига ўз қиличини рўпара этса-да, тўрт-беш қадам нарига учиб тушди ва йиқилди.

Муҳаммад яшин тезлигида унинг бўйнига қилич учини тиради.

Бошлиқ мард инсон экан.

– Таслимман! – тан олди у.

Ўрнидан туриб ўз қўли остидагилар ва анча-мунча гувоҳлар олдида Муҳаммаднинг қўлини сиқди ва табриклади, унинг маҳоратига қойил бўлганини айтди.

– Қойил! Мени учириб юбординг-а! Паррон экансан! Бундай қиличбозликни қаерда ўргангансан? – сўради у.

– Бағдодда...

– Ажойиб! Қойилман! Зўр устоздан таълим олган экансан! – бўлинма раҳбари бошқа миршабларга юзланди. – Ҳаммангиз мана шундай маҳоратга эга бўлинглар! Шунда ҳар бир жиноятчи миршаб деганда зир титрайди. Уларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетади. Агар орангизда истовчилар бўлса, Муҳаммаддан илтимос қиламиз, кун охирида, хизматдан сўнг ундан дарс олиб турсин!

Бўлинма бошлиғининг бу ёш йигитга берган таъриф-сифати, яъни “паррон” ибораси, шу-шу ёш миршабнинг исмига қўшиб айтиладиган бўлди. Муҳаммад Паррон дейилса, барча шу йигитни тушунадиган бўлиб қолди.

Шу воқеадан сўнг, Хўжа Афзал Илёснинг кичик ўғлининг обрўси Бухоро миршаблари орасида ҳам кескин кўтарилди. Хизмат давомида уни энг хавfli вазифаларга юборадиган бўлиб қолишди. У албатта билдирилган ишончни оқларди. Ҳеч бир газанда, ўғри-ю қароқчи ундан қочиб қутилолмасди. Унинг бир ҳамласидан мана ман деган барзанги газандалар ҳам беш-олти қадам нарига учиб йиқилардилар. Муҳаммад Паррон уларнинг барчасини банди қилиб бошлиғи қошига олиб келарди.

Унинг бу хислатида, яъни парронлигида, фақат жисмоний куч эмас, улкан руҳий қувват мавжудлигини кўпчилик билмасди. Айримлар буни ҳис қилардилар, лекин сабабини англамасдилар. Унинг ўзи эса бундан воқиф эди: бу, Оллоҳнинг менга берган инояти,

деб

ўйларди.

Баъзан, унинг онгида шаҳарга ташқаридан бирор ўғри келгани

ҳақида фикр пайдо бўларди, хатто унинг қиёфаси кўз олдида аниқ гавдаланарди. Шундай пайтларда бошлиғидан рухсат сўраб, бир шериги билан одамлар кўп бўладиган жойлар – бозорлар-у карвонсаройларни айланарди. Ва уни албатта ўғрилиқ устида ушларди. Қўли эгри ва дили нопок кимсалар ўзларининг муносиб жазоларини олишарди.

Муҳаммаднинг саъйи-ҳаракатлари сабабли Бухорода жазоланмаган ўғри қолмади. Хаттоки, четдан ҳам бу шариф шаҳарга қўли эгрилар келмайдиган бўлдилар. Улар аниқ билардилар – албатта ушланадилар ва муносиб жазоларини оладилар. Натижада, бу муқаддас маскан жуда осойишта жой бўлиб қолди.

Йиллар ўтди. Муҳаммад йигирма тўрт ёшга кирди. Бир куни кечқурун у оила даврасида ўтирганда дадаси гапириб қолди.

– Ўғлим! Мана, анча улғайдинг, ўз йўлингни топдинг. Мен сендан жуда хурсандман. Лекин, бизни яна бир қувонтирадиган иш қилишинг лозим!

Муҳаммад ҳайрон бўлиб Хўжа Афзал Илёсга боқди.

– Нима топшириғингиз бор, дада? Айтаберинг – бажараман!

– Ўғлим, сен энди уйланишинг, бола-чақали бўлишинг керак. Мана, онанг қанча пайтдан бери пойлаб юрибди, ўзингдан бир садо чиқармикан деб. Сенинг эса парвоинг палак...

Муҳаммад индамай ерга қаради.

Шундан сўнг, онаси тилга кирди.

– Болам, бирор обрўли одамнинг қизига кўзинг тушган ва у сенга ёққан бўлса, айт – мен совчиликка борай!

Муҳаммад яна индамади. “Демак, кимгадир кўнгли бор!..”, хулоса қилди она ва сўзини давом этдирди.

– Болам, айтабер, бунинг ҳеч бир айб жойи йўқ! Дадангнинг шаҳарда обрўлари баланд. Ўзинг ҳам жасурлигинг ва яхши ишларинг билан оғизга тушгансан. Кимлар сенга қизини бермайди?! Албатта, беради. Уялма!

Қанчадан қанча жиноятчиларни зир титратган йигит ота-

онаси олдида қизариб кетди. Миқ этмади. Четга боқди.

Дадаси аёлига қарата сўз қотди.

– Бўлди, уялтирма болани! Эртага холи қолганингда сўрарсан. Мендан уялаётгандир...

Шу сўздан кейин Муҳаммад ўрнидан туриб, ўз хонасига кириб кетди.

Муҳаммад ҳақиқатдан ҳам бир қизни ёқтириб қолганди. У ўғридан жабр кўрган бир оиланинг фарзанди эди. Бу оила ўзига тўқ, хонадон эгаси мадрасада мударрис эди. Отаси уйланишдан гап очишдан ярим йил илгари, ўша қиз истиқомат қиладиган ҳовлига ўғри тушганди. Муҳаммад барча оила аъзолари билан суҳбат қилиб, улардан маълумот олиб, аҳволни ўрганганди. Ўшанда у жиноятчини жуда тез топиб, қонун кўлига – қозихонага топширганди.

Шунинг учун, онаси кўнглингда бирор кимса борми, деб сўраганда ўша гўзал сиймо дарҳол кўз олдига келди. Бу ҳолатни дабдурустдан айта олмади. Лекин, бир нарсани аниқ биларди: қалбига ўрнашган қизга уйланса – ҳеч қачон ўзини бахтсиз ҳис қилмайди, у билан бир умр қўша қариб яшаши мумкин. Чунки, у латофатли гўзалнинг юраги поклиги ва яхши тарбия олганлиги Муҳаммаднинг қалб кўзига яққол кўриниб турарди.

Хуллас, у эртаси куни онасига ўз истагини билдирди. Хўжа Афзал Илёснинг аёли хурсанд бўлиб, аввалига таниш-билишлардан у оиланинг қандайлигини суриштирди ва яхши одамлар эканлигига ишонч ҳосил қилди, кейин совчиликка қатнашни бошлаб юборди-да икки хафта деганда мударрис хонадонини ўзларига қуда бўлишга кўндирди. Натижада икки томон вакиллари иштирокида патир ушатилади.

Тўй чиройли ўтди. Узоқ-яқиндан жуда кўп обрўли инсонлар ташриф буюришди. Келин-куёвга узоқ умр, бахт-саодат ва ували-жували бўлишлар тиланди, дуолар қилинди.

Икки ёш Оллоҳга шукроналар айтиб, бирга яшай бошлашди.

Тўйда покдил инсонлар томонидан қилинган дуолар ижобат

бўлдими, икки ярим йил деганда Муҳаммад икки фарзандли бўлди.

Муҳаммад йигирма етти ёшга тўлганда, уни янги ишга ўтказишди. Бунга шахсан Бухоро ҳокимининг буйруғи асос бўлди.

Шу воқеадан икки ой илгари, у тонгга яқин туш кўрди. Унда, Муҳаммад Бағдод шаҳрида таҳсил олиб юрган йиллари, руҳий мулоқот орқали ҳарб ишидан дарс берган ва Оллоҳ бахш этган парронлик хусусиятидан қандай фойдаланиш усуллари кўрсатган отахон намоён бўлди.

– Муҳаммад! – сўз қотди отахон тикилиб қарар экан. – Сени рўй бериши мумкин бир салбий воқеадан хабардор этмоқчиман!

Бу отахон анча пайтлардан бери на туш ва на руҳий алоқа орқали мулоқот қилмаётган эди.

– Ассалом алайкум! – салом берди Муҳаммад.

– Ваалайкум ассалом! – алик олди у зот ва сўзларини давом этдирди. – Яхшилаб қулоқ сол ва гапларимни ёдингда тут! Бугун Бухоро ҳокимига суиқасд қилиш режалаштирилган. Сен уни даф этишинг керак!

– Қандай қилиб? – сўради йигит.

– Бу ахборотни дарҳол ўз бошлиғингга етказ!

– У гапимга ишонармикан? У, табиийки, бу хабарни қаердан эшитганимни сўрайди.

– Ҳис қилдим, дейсан! У эса ҳайрон бўлади: “Ҳаёлингга келган нарсани далил-исботсиз гапирсанг – ким ишонади?”

– Албатта шундай дейди.

– Унинг бу хитобига мана бундай жавоб қил: “Бошлиқ жаноблари! Мен, мана, сизнинг қўлингизда анча йиллардан бери хизмат қиляпман. Шунча вақт мобайнида бир марта янглиш ёки нотўғри қадам қўйдимми? Биласиз, қанча-қанча мураккаб жиноятларни очганман! Ҳеч ким танимайдиган, билмайдиган ўғри-киссавурларни тутганман! Қозихонада ишлаганимда ҳам турли олғир жиноятчиларни, пихини ёрган муттаҳамларни айбларига тан олдирганларимни эшитмаганмисиз?! Ўша

дақиқаларда менга ана шу ҳиссиётларим ёрдам берган! Мен ахир туғма миршабман, туғма жиноят очувчиман ва туғма парронман!”

Муҳаммад сўради.

– Шундай десам, мақтанчоқлик бўлмайдими? Ахир, инсон камтар бўлиши лозим-ку!

– Ҳар бир ишнинг ва ҳулқнинг ўз вақти бор. Сенда унинг қалбига таъсир кўрсатадиган бошқа асосли сўзлар йўқ! Шунинг учун, гапиравер!

– У ишонармикан?

– Айтганларинг, хабарингнинг чинлигига уни ишонтиради, лекин у сендан яна сўрайди...

– Бошқаларга нима важ кўрсатамиз дейдими?

– Ҳа! Сен унга бундай сўзларни айтасан: “Бу хабарни бизга бир хуфямиз етказди. Унинг номини ошкор қилолмаймиз, деймиз”, – деб хотиржам этасан...

Муҳаммад ўз руҳий отахонининг сўзларини охиригача эшитиб, эслаб, тушуниб олди...

...Ва унинг барча айтганларини бажо келтирди. Бошлиғига бекам-у кўст руҳий отахонининг сўзларини етказди. У ҳам мўлжаллангандай жавоб қилди:

– Ундай бўлса, майли, розиман. Юр! Бош миршабга хабар етказамиз! – хитоб қилди бошлиғи.

Улар иккаласи шаҳар миршабхонаси томон шитоб билан юришди.

Қабулхонага кириб, мирзадан хосхонага киришга изн сўрашди. У эса одати бўйича хўмрайиб жавоб қилди.

– Хўжайин ҳозир бандлар, муҳим ҳужжатларни кўриб чиқаяптилар. Пешиндан сўнг келинг.

Муҳаммаднинг жаҳли чиқди. “Сен ўзингга чегара қўймасанг, демак сенга чегара йўқ!”, деган экан Арасту. Шунинг учун, зарур пайтда сунъий равишда юзага келтирилган турли шароитларга бўйсунуш лозим эмас. У мирзага ҳеч қандай жавоб қилмади-да, шартта бориб хосхона эшигини очди. Бош миршаб ҳужжатлардан

бошини кўтарди-да, безовта қилаётган ким экан деб ўйлаб, у томон назар ташлади. Ўзининг севимли шогирдини таниб жилмайди.

– Киравер, Муҳаммад! Нима зарур ишинг бор?!

Афзал ўғли ўз бошлиғига имо қилди. Улар биргалашиб кирдилар. Мирза Бош миршабнинг хитобини эшитгани учун бошқа монелик қилмади.

Бош миршаб уларнинг ахборотини диққат билан тинглади. Ўта жиддий қиёфага кирди.

– Яна бир гап бор, – деди Муҳаммад, – бизнинг бу ахборотимизни ҳокимнинг бош вазири билмаслиги керак!

– Суиқасднинг ташкилотчиси – бош вазир, демоқчимисан?

– Ҳа!

– Ундай бўлса, мана бундай иш қиламиз! – деди Бош миршаб. – Ҳозироқ, иккалангизга мен энг жасур ва моҳир миршаблардан уч нафарини қўшиб бераман. Сиз ҳокимнинг бош соқчиси ҳузурига бориб, овга чиқаётган олий зотнинг кўриқчиларига қўшимча куч сифатида юборганимни айтасиз. У ҳайрон бўлмайди, чунки бир неча марта шундай қилганман ва у мени одатларимни яхши билади, ҳамда менга ишонади.

Бош миршаб уларга ўзининг ўткир кўзларини тикди.

– Эплайсизларми бу ишни?

Гуруҳ бошлиғи жавоб берди.

– Албатта, Бош миршаб жаноблари!

– Сен бу ишга жавобгарсан! Зимдан иш олиб боринглар ва бош вазирда ҳеч қандай шубҳа туғдирманглар! Менимча, у биргалашиб овга чиқмайди. Асосий ташкилотчи доимо четда туради... Шундай бўлса-да, огоҳликни бўшаштирманглар! Тушунарлими?

– Ҳа! Жаноб бош миршаб жаноблари! – баробар жавоб беришди улар.

Шу дамда Муҳаммад яна сўз қотди.

– Сизга яна бир илтимосим бор эди!

– Айтавер!

- Менга минишим учун жуда бир учқур от берсангиз!
- Нега?
- Вазифамни тўлиқ бажара олишим учун.
- Майли. Сенга яхши от берилади.

Хўжайин кўнғироқчани жингиллатди, эшик очилиб мирза кўринди.

- Лаббай! Бош миршаб жаноблари?!
- Сен буларга менинг қаромағимдаги учта миршабни қўшиб бер. Уларга айт, мана бу йигитлар нима дейишса, ўшани қилишсин! Ва менинг энг учқур отимни Муҳаммадга топшир!
- Хўп бўлади, бош миршаб жаноблари! – деди мирза ва ташқарига йўналди.

Бош соқчи уларни хушфезллик билан қабул қилди.
– Жуда соз! – деди у. – Соқчиларим сафига қўшилинг!

* * *

Ёзиб қолдирилган тарихий воқеалардан маълумки, қадимда ҳар қандай ҳукмдорнинг саройида турли мақсадларда хуфёна кураш борган. Кимдир шоҳга ёки хонга янада яқинроқ бўлишни истаган, бошқа биров юқорироқ амалга интилган. Яна кимдир катта инъомларга сазовор бўлишга ҳаракат қилган. Бу ишлар гоҳо ошкора, асосан эса яширин бажаришга уринилган.

Одатда бундай курашларда раҳм-шавқат, маънавият ва инсонпарварлик каби хислатлар тамоман унутилади. Мақсадга эришиш йўлида тўғаноқ бўлиб турган одамзот ҳаётининг бир чақалик ҳам қадри бўлмайди. У йўқ қилинади – мақсадга етилади, тамом вассалом.

Бу пайтда Самарқандни пойтахт қилиб, Моворауннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахонийлар саройида ҳам худди шундай вазият вужудга келган эди. Бухоро – бой вилоят бўлгани учун, бу заминда ҳоким бўлишга интилувчилар

анчагина эди. Уларнинг биринчиси мавжуд ҳокимнинг бош вазири эди. Ушбу йиллардаги ушбу ҳоким қорахонийлар хони Махмудни қониқтиргани учун, унинг атрофидаги ўша вазирга раҳнамолик қилувчи айрим кишилар Бухоро ҳокимини минг ёмонласалар-да, ҳукмдор пинагини бузмас, уни алмаштирай демасди. Шунинг учун, бош вазир ҳокимга суиқасд уюштиришни мўлжаллади, шундай қилса бўшаган ўринга ўтирадиган биринчи номзод деб ўзини кўрди. Қолаверса, айтилганидек, уни қўллаб-қувватловчи раҳномо-ҳайбаракаллагчилар саройда етарли эдилар.

Вазир бош соқчини ўз томонига оғдиришга кўзи етмади, чунки у ҳокимга жуда садоқатли эди. Шу сабаб, у хос соқчиларнинг барчасининг феъл-атворини ўрганди ва олтин-кумушга муккасидан кетган икки нафарини ҳузурига чақирди ҳамда битмас-туганмас бойликлар ваъда қилиб, йўриғига юришга кўндира олди. Унинг асл нияти – мақсадга эришилиб, ҳоким ўлдирилгач, барча айбни шу икки қўриқчига ағдариш ва уларни қатл қилдириш, сўнг ҳокимлик лавозимига ўтириш эди.

* * *

Муҳаммад хос соқчилар қаторига қўшилгач, айтилган икки сотқин қўриқчини дарҳол таниб олди. Уларнинг юракларига ўзининг қалб кўзи билан бир мартагина боқди-ю кўрди: бу аъзоларда олтин-кумуш ишқи қора тутун чиқариб ёнмоқда эди.

Афзал ўғли ўзига тайинланганидек бош соқчининг ёнига туриб олди. Ундан бир қадам ҳам нарига жилмади. Чунки, у шундай қилиш лозимлигини, акс ҳолда нохушлик рўй бериши мумкинлигини биларди.

Ов жараёни жуда суст бошланди. Тутишга ёки отиб ўлдиришга арзийдиган бирор ёввойи ҳайвон кўринмасди. Ҳоким эса саҳро сари ичкарилаб от чоптириб кетаверарди. Унинг тагидаги дулдул жуда учқур эди. Соқчилар унга зўрға етишиб

борардилар.

Ниҳоят, ҳокимнинг кўзи бир жайронга тушди. Ва дарҳол у томон отини солди. Жайрон одамларни пайқагач, кучи борича қочишга тушди. Аммо, уни таъқиб қилувчилар ҳам ортда қолмадилар. Ҳоким энг олдинда, бош соқчи ундан қолиб кетмасликка тиришиб ҳайвонни қувишга тушдилар. Икки сотқин қўриқчи эса улар ортида югурардилар. Муҳаммад атай улардан сал орқароқда от чоптирарди, чунки у биларди – бу хоинлар асосий тўдадан анча ажралишгач, ҳоким ва бош соқчини ўлдирадилар, сўнг айбдорни жиноят устида ушладик деб, ўз бошлиқларини ер тишлатганларини хаспўшлайдилар.

Улар Муҳаммаднинг ортларида чопаётганига унча парво қилмасдилар. Орқада қолиб кетса – яхши, ишларига гувоҳ бўлиб қолса, уни ҳам гумдон қиламиз деган ҳаёлда эдилар. Асосий тўда эса анча орқада, кўринмас масофада эди.

Икки хоин аввалига бош соқчига яқинлашиб, унга ҳамла қилдилар. Бу кутилмаган ҳужумдан бош соқчи эсанкираб қолди. Бехосдан урилган қилич уни яралаб отидан йиқитди. Бундай ишга тайёр бўлган Муҳаммад дарҳол хоинларга қиличи билан отилди. Беш-ўн сонияда сотқин соқчилар унинг кучли ҳамласи оқибатида отларидан қулаб, паррон бўлиб думалаб кетдилар. Бош соқчининг қичқириғиданоқ ортига ўгирилган ҳоким бу ҳолатни тўла-тўқис кузатишга ва кимларнинг суиқасдчи эканлигини аниқлашга улгурди. Орқадан етиб келган бошқа ов аҳлига бош соқчининг ярасини боғлашни ва икки хоинни ушлаб кишанлашни буюрди.

Ҳоким дарҳол, шу ернинг ўзидаёқ уларни сўроқ қилишга тараддудланди. Чунки, уларга топшириқ берган асосий ташкилотчи ким эканлигини аниқламоқчи бўлди.

Буни яхши тушунган Муҳаммад ҳокимга таъзим билан мурожаат қилди.

– Зоти олийлари! Сизга ботиниб бир сўз айтишга рухсат берсангиз.

– Бемалол гапиравер, сен ахир менинг ҳаётимни сақлаб

қолдинг! Дарвоқе, исминг нима? Соқчиларим сафига қачон қўшилгансан? Илгари сени пайқамаганман!

– Исминг – Муҳаммад Афзал ўғли, ҳоким жаноблари! Ҳимоянгизни кучайтириш учун соқчиларингиз сафига бугун, бош миршабнинг буйруғига биноан қўшилгандим. Ўзим шаҳарда миршаб бўлиб хизмат қиламан.

– Жуда соз! Сендек моҳир соқчини юборгани учун мен бош миршабни албатта тақдирлайман. Гапиравер арзингни! Нима тиласанг – амр қиламан, бажо келтирилади!

– Ҳоким жаноблари! Тилагим шуки, бу икки хоинни сўроқ қилишни менга топширсангиз. Мен илгари қозихонада ишлаганман. Бу соҳада яхши тажрибам бор.

– Шу ёш бошингга ҳам моҳир миршабман, ҳам тажрибали қозиман, демоқчимисан? Бунга биров ишонмайди!

Шу пайт овга ҳамроҳ бўлиб чиққан сарой аҳлининг бири сўз қотди.

– Ҳоким жаноблари! Бу йигит ҳақиқатдан ҳам жуда кучли. Эл оғзига тушиб улгурган. “Паррон” деган лақаби ҳам бор, чунки ким билан олишса, уни бемалол учириб юборади. Муҳаммадга бемалол ишонаберинг. У – шаҳримиз қозикалонининг севимли шогирдидир.

– Ундай бўлса, майли. Қани, бошла! Кўрайлик-чи!

Муҳаммад банди қилиниб, ёнма-ён чўккалатилиб қўйилган икки хоин олдига яқинлашди. Уларнинг атрофини бутун ов аҳли қуршаб олди. Афзал ўғли аввалига уларга тикилди ва тушунди: бундай кишилар сўроқ пайтида мардларча туриб бермайдилар. Улар осонликча ташкилотчини айтиб берадилар. Фақат зарур сўзларни билиб айтиш лозим.

– Мен биламан, сиз бу ишни ўз ихтиёрингиз билан қилмадингиз, – деди Муҳаммад, – мен хатто сизларни бу ишга ким ундаганини ва сизларга нималар ваъда қилганини ҳам биламан. Сизлар суиқасдни амалга оширганингиздан сўнг, у сизларни барибир ўлдирарди. Унинг асл нияти шунақа эди. Сиз унинг битмас-туганмас бойликлар бераман деган гапларига,

қуруқ ваъдаларига ишониб, янглишиб қолдингиз. Сиз у нобакорнинг кимлигини айтмаслигингиз мумкин. Лекин, бу ҳолатда аниқ дорга осиласиз! Агар, рост сўзласангиз, балки ҳокимимиз жаноблари сизга раҳм-шавқат қиларлар. Шунинг учун, ўз оғзингиз билан айтинг – ким у?

Хоинларнинг бири бўғиқ овозда тан олди.

– Ҳокимимизнинг бош вазирлари...

Иккинчи хоин буни тасдиқлади

– Ҳа, шундай. Биз жуда янглишибмиз...

Шу гаплардан сўнг улар бошларини ҳам қилишди.

Ҳокимнинг ранги қизариб кетди. Наҳотки?! Энг ишонган, таянган одами-я! Астағфируллоғ! Инсон ҳам шунчалик нонкўр бўладими? Ташқарида юрганда, уни ўз ўрнига қолдирса, имкониятидаги барча ёрдамларни қилса, ер-сувлар ва тиллалар инъом этиб турса?! Уни ахир оддий ходимликдан вазирликкача ўзи олиб чиққанди-ку!.. У атрофига қаради.

– Кетдик, саройга! Шаҳарга ҳамма секин-аста ва хотиржам киради. Шундан сўнг барча шаҳар дарбозалари беркитилади! Мен айтмаганимча! Сўнг бош вазир банди қилиб, зиндонга тиқилгачгина очилади! Тушунарлими? Йўлга!

* * *

Ҳоким ўзига суиқасд уюштирган ва уни амалга оширишга уринган нобакорларни кишанлатиб, зиндонбанд этгач, бу ҳақда мактуб ёзиб, уларга не жазо бериш лозимлигини сўраб Маҳмуд Қорахонийга чопар жўнатди. Ҳар холда, бош вазир унинг рухсати билан ушбу мансабга тайинланганди. Бир неча кундан сўнг хабар келди: бош вазир банди қилинган холда махсус кўриқчилар билан хон қароргоҳига юборилсин – уни Маҳмуднинг ўзи сўроқ қилади ва жазо беради; ўз хожасига хиёнат қилган икки соқчига эса шариат бўйича ҳукм чиқарилсин.

Бухоро ҳокими ўзининг хоин соқчиларини қозикалон ихтиёрига берди – уларга ўлим жазоси берилди. Суиқасд

уюштирган бош вазирни эса Маҳмуд Қорахоний саройидаги раҳнамолари ўртага тушиб қатлдан чутқариб қолдилар. У фақат зиндонга ташланди.

Айбдорлар жазоларини олишгач, ҳоким ўзига бошқа қоровулбоши олди ва янги соқчиларни йиғди. Муҳаммад эса ўз хизматида ишлаб юраберди.

* * *

Шу воқеалардан сўнг уч-тўрт ой ўтди. Бир куни Самарқанддан чопар келди. У ҳокимни Маҳмудхон чақираётганини хабар қилди.

Шаҳар бошлиғи сафар тадоригини кўра бошлади. Бош миршаб бундан воқиф бўлиб, ҳоким ҳузурига қадам ранжида қилиб, сўз қотди.

– Ҳоким жаноблари! Йўл олис, турли кутилмаган хатарларга дуч келишингиз мумкин. Ёнингизга катта тажрибага эга жангчиларни, ишончли соқчиларни олишингиз лозимлигини айтмасам ҳам, ўзингиз буни яхши тушунасиз. Менинг сизга бир таклифим бор. Уни қабул этсангиз, бу иш фойдадан холи бўлмайди. Эсингиздами, сизга суиқасд уюштирилганда, мен бир миршабни соқчиларингиз сафига қўшимча куч сифатида юборгандим, у ўшанда сизни қутқариб қолганди. Ушбу йигит жуда сезгир – ер тагида илон қимирласа билади ва қилич чопишга ҳам жуда уста, бу нарсани жуда кўп марта шоҳиди бўлганман. Шунинг учун, уни яна бир марта соқчиларингиз сафига киритиб ола кетинг! Ажаб эмас, у яна жонбозлик кўрсатса!

– Ҳа, ўша йигит менинг ёдимда! Исми Муҳаммад Парронмиди?

– Худди шундай, ҳоким жаноблари!

– Яхши, уни чақиртиринг!

Муҳаммад ҳоким аркига етиб келгач, шаҳар бошлиғи унга буюрди.

– Шу бугундан эътиборан менинг соқчиларим қаторига кирасан! Сенга янги кийим-бош ва янги қурол-аслаҳа берилади! Янги хизматга кириш!

– Хўп бўлади, ҳоким жаноблари! – жавоб берди Муҳаммад.

* * *

Самарқанд шаҳрига етиб келишда ҳеч қандай муаммоларга дуч келинмади.

Маҳмудхон ўз ҳузурига етиб келган Бухоро ҳокимига, яхши хизматлари учун, зарбоф тўн кийгизди, қимматбаҳо совғалар ва олтин буюмлар инъом этди. Сўнг, хон ҳоким билан якка қолиб, унинг ҳисоботини тинглади ва салтанат ишлари бўйича суҳбатлашди. Кечки пайт эса, меҳмон шарафига зиёфат берилди.

Эртаси куни ҳоким ўз вазири ва бошқа аёнлари билан хонликнинг махсус боғида ҳордиқ чиқарди.

Индинига Маҳмудхон ҳокимни саройга чақирди ва вазифалар бериб, Бухорога қайтишни, бориб ўз хизматини давом этдиришни буюрди.

Ҳоким хурсанд холда шариф шаҳарга йўл тутди. У ўз аёнлари билан шаҳар дарбозасидан чиқар экан, Муҳаммад яқинлашиб сўз қотишга изн сўради. Рухсат олгач, фикрини баён этди.

– Ҳоким ҳазратлари! Биз Бухорога бориш йўлимизни ўзгартиришимиз лозим! Сабаби, **Кармана**га яқин жойда бизни яхши қуролланган кўп сонли пистирма кутиб турибди.

– Қаердан билдинг?

– Кеча Самарқанд карвонсаройида Бухородан келган кишиларни учратдим, – ичидан тўқиб гапирди Муҳаммад, чунки у бу ҳолатни қалб кўзим билан кўриб турибман деёлмасди, шундай деса, унга ҳеч ким ишонмасди. – Улар қишлоқ яқинида яшириниб ётган жангчиларни пайқашибди. Бу беҳуда ҳолат эмас, шунинг учун ўз йўлимизни ўзгартирганимиз маъқул!

Ҳоким ўйга толиб қолди. Иккиланди – Муҳаммад Парроннинг гапига ишонсинми ёки парво қилмасинми? У ўз вазирига

саволомуз боқди. Вазир унга бош эгиб хурмат билдирар экан, маслаҳатини берди.

– Ҳоким ҳазратлари! Ёнимизда ҳар қандай пистирмадаги ёвни қириб ташлаш имкониятига эга содиқ жангчиларимиз бор. Биз ҳеч кимдан кўрқмаймиз. Аммо, нохуш тасодифдан сақланишга интилиш оқил-у доноларнинг иши. Келинг, шу ер тагида илон қимирласа сезувчи йигитнинг сўзларига ишонайлик. Бош миршаб беҳуд уни бизга ҳамроҳ қилиб бермаган. Бухорога бошқа йўл билан етиб боргач, бир кучли саркарда билан жанговар қўшин юборамиз ва бу гапнинг нечоғлиқ ҳақиқат эканлигини аниқлаймиз. Рост бўлса, бошимиздан кулфат ариган бўлади ва Муҳаммадга тасаннолар айтамыз. Ёлғон бўлиб чиқса, ҳеч қиси йўқ – эҳтиёт чорасини кўрилган бўлади...

Ҳоким розилик билдирди. Улар ўзга йўллар билан манзилларига етишди. Шу куниёқ махсус қўшин айтилган қишлоққа юборилди. Ҳақиқатдан ҳам улар пистирмада ётган жангчиларга дуч келишди. Уларнинг бир қисмини яксон қилиб, қолганларини асир олиб қайтиб келишди. Асирлар уларни бу суиқасдга аввалги вазирнинг ҳайрихоҳлари ундаганлари ва пул тўлаганликларини айтишди.

Эртаси куни Ҳоким оддий соқчи Муҳаммад Афзал ўғлини ҳузурига чақиртирди.

– Сенга бошқа иш бермоқчиман! – хитоб қилди у, – Розимисан?!

– Сиз менга не вазифа берсангиз ҳам бажаришга тайёрман! – жавоб қилди Муҳаммад.

– Бугундан бошлаб сен менинг бош соқчим этиб тайинландинг! Қолган барча соқчилар сенга бўйсундилар. Уларни имтиҳон қил ва ғалвирдан ўтказ, бўшроқлари бўлса ўз хоҳишингга кўра алмаштир!

– Ишончингиз учун раҳмат, ҳоким ҳазратлари! – таъзим қилди Афзал ўғли.

Шундай қилиб, Муҳаммад Афзал ўғлининг ҳаётида янги

босқич бошланди. Унинг саройдаги обрўси жуда ошди. Ҳоким уни жуда ҳурмат қилар, ёнидан узоққа жилдирмас, қаерга борса, унинг олдида вазир-у бош соқчи бўларди. Шаҳарга чиқишми, овга боришми – барча юришлар вақтини у билан маслаҳатлашиб, амалга оширарди.

Аста-секин Муҳаммаднинг олиб бораётган ишлари муносиб тақдирлана бошлади. Ҳоким унга ер-сувлар, боғлар инъом этди. Бошидан зарлар сочди. Катта маош тайинлади. Натижада Муҳаммад давлатманд одамга айланди.

Афзал ўғли ҳам ўз навбатида ҳокимни жамики хавф-хатарлардан огоҳ этиб турди. Унинг аёнлари сафига фақат софдил, бировнинг ҳақидан қўрқадиган одамлар қўшилишига сабабчи бўлди. Кўнгли қора, ҳасадгўй кимсалар бошқарув ишларидан четлатилди. Саройда бир-бировни ёмонлашлар, турли ғийбатлар, ноўрин жанжаллар барҳам топди. Бухоро вилоятининг бошқарув жараёни тинч оқим йўлига тушди. Шаҳарда ободончилик ишлари ривожланди ва адолат кучга айланди.

Орадан уч йил ўтди. Шу вақтда ҳокимга суиқасд уюштирган собиқ вазирнинг зиндондан чиқарилганлиги ва у озодликка чиққач, кўп овқат еб қўйиб, бўкиб ўлгани ҳақида хабар келди.

Ва яна уч йил ўтди. Муҳаммад ўттиз уч ёшга кирди.

Бу пайтда унинг фарзандлари мактаб ёшига етиб, қўлларига хафтиякни олган эдилар.

Бир жума куни у ҳоким унга дам олишга рухсат берди. Одатда, у бундай кунларда ҳам у хизматда бўларди. Лекин, айти шу куни ҳоким ундан ишга келишни талаб қилмади. Муҳаммад ўз ўрнига энг ишончли ёрдамчисини қолдирди.

У пешингача дам олди. Фарзандларининг олаётган билимлари даражасини текширди. Маслаҳатларини берди. Вақт етгач, жамоат билан намоз ўқишга равона бўлди.

У масжиддан чиқиб уйига қайтар экан, қарши томондан келаётган бир нуроний отахонга кўзи тушди. Яқинлашишганда, у

бош эгиб салом берди.

Отахон дарҳол алик олди ва сўради:

– Бўтам! Бир муҳтож одамга ёрдам бера оласанми?

Муҳаммад чўнтагини кавлади-да, бир тилла танга чиқариб унга узатди.

– Мана, олинг, отахон!

Нуроний киши пулни олди-да, миннатдорчилик билдирди.

– Раҳмат, бўтам! Бу эҳсонингни Оллоҳ даргоҳида қабул этсин!

Афзал ўғли яна бошини эгди-да, йўлида давом этмоқчи бўлди. Лекин, шу пайт отахон унинг исмини айтиб хитоб қилди.

– Муҳаммад! Тўхтаб тур. Менинг сенга айтадиган гапларим бор.

– Тақсир! Сиз мени танийсизми?

– Албатта, бўтам! Сен ўзинг нега мени танимаяпсан?!

Шундагина Муҳаммаднинг қалбида фикр уйғонди: “Бу зот, ахир, Ҳизр бува бўладилар-ку!”

– Узримни қабул этинг, Ҳизр бува! Анчадан бери энди дам олишсиз ишлаб, ниҳоят бугун рухсат олгандим. Шунинг учун, мўлжаллаган юмушларимни бажариб қўяй деб уйимга шошаётган эдим.

– Сенга айтадиган гапларим кўп эмас. Уларни яхшилаб эшит, онгингга жойла ва амал қил!

Ҳизр бува бор вужудини қулоққа айлантирган йигитга боқди-да, маслаҳатларини бера бошлади:

- Муҳаммад, шунча йил миршаблик қилдинг, энди бу ишни тўхтатишнинг фурсати етди. Сенинг саъйи ҳаракатларинг натижасида Бухоро шаҳри ва унинг атрофида жиноятчи ўғрилар қолмади. Адолатпарвар ҳокимни йўқотишни истовчиларга сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетди. Эртадан истеъфога чиқ! Ҳоким йўқ демайди. Ўрнингга яхши, ишончли одамни тавсия қил. Бундан кейинги ҳаётингдаги вазифа – одамларга дуо ўқиб ёрдам қилиш ва фойдали маслаҳатлар беришдир. Қолган умрингни шу ишга сарфлашинг лозим. Сенинг олдингга фақат Бухоро кишиларигина эмас, бутун мамлакатдан одамлар келишади. Шоҳ-

у султонлар қошингда тиз чўкишади. Сенинг ҳар бир айтган гапингни ҳукм сифатида қабул этишади. Шайтонга бўйсунувчи инсонлар камаяди. Шу тахлит сен бу салтанатдаги жараёнларга ижобий таъсир ўтказасан! Бухоро ҳалқи асрлар оша сендан миннатдор бўлади. Моворауннаҳр мамлакатада одамлар турмуши янада яхшиланади, инсоният ривожланиши жараёни тўғри йўлга тушиб олади.

Бу сўзлар Муҳаммаднинг қалбига кўрғошиндек қуйилди.

Ҳизр бува топшириқларни айтиб бўлгач, сўради:

– Яхши англадингми, бўтам?

– Ҳа, Ҳизр бува!

– Ундай бўлса, уйингга боравер. Менинг ҳам вақтим бемалол эмас. Ишларим кўп. Оллоҳ сенга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр берсин! Хайр!

Ҳизр бува ўгирилди-да, ўз йўлига қараб қадам ташлади.

– Хайр, Ҳизр бува! Мен, Яратганнинг мадади билан барча айтганларингизни бажаришга интиламан! – деди Муҳаммад ҳам ва уйи томон йўналди.

У беш-олти одим юргач, негадир ортига ўгирилди ва кўрдикки у зот ғойиб бўлибдилар.

Муҳаммад ўз хонадонига катта таассуротлар билан қайтди.

* * *

1162 – 1205 йиллар.

БУХОРО ШАҲРИ.

Ушбу йилларни Хўжа Муҳаммад Паррон фақат Бухоро шаҳрида ўтказди. Ҳеч қаерга сафар қилмади. Ва давлат ишига, хатто вазирлик лавозимига минг бора чақирилса ҳам асло рози бўлмади. У кейинги ҳаётини фақат оддий одамларга ёрдам беришга бахшида этди. Ҳар пайшанба-ю жумадан ташқари кунлари у ўз хонадонига инсонларга маслаҳат берар, уларга

ёмонлик қилаётганларни баҳоли қудрат жазолашга уринарди. Уларнинг арз-додига етмаган қози-ю миршаблар олдига ўзи борар, тушунтирар ва адолат ўрнатарди. Қозилар ҳам миршаблар ҳам уни ғоят ҳурмат қилишар, унга пир сифатида муомила қилишарди.

Шунинг учун, у тарихда миршабларнинг раҳномоси ва пири сифатида ном қолдирди.

Хўжа Муҳаммад Паррон, шунингдек, севишганларнинг раҳнамоси эди. Бир бирларини севган, бир-бирига муносиб, покдил йигит ва қизларнинг йўлларида кимларнидир ғийбати ёки туҳмати сабаб ғовлар пайдо бўлса, у албатта уларга ўзининг ёрдам қўлини чўзарди. Ўша йилларда унинг кўмаги туфайли кўп ёшлар бахтли яшашган. Умрлари ўзгалар томонидан тиқиштирилган инсон билан азобда ўтмаган, улардан оқил фарзандлар туғилган.

Хўжа Муҳаммад Парроннинг яна бир хислати бўлганки, у жуда мушкул муаммоларни ҳал қилишда ягона ва тўғри кўрсатмалар бера оларди. Мураккаб масалаларининг ечимини топиш учун унинг қошига бойлар, ҳокимлар ва бошқа турли амалдорлар бош уриб келишар, ўзларининг сиёсатлари ҳамда хизматларининг жараёни ҳақида жўяли маслаҳатлар олиб қайтишарди. Бундай кишилар, хаттоки, Моворауннаҳрнинг бошқа вилоятлари ва шаҳарларидан ҳам йўл юриб келишдан эринишмасди – улар билардилар – бу нодир инсонга учрашганларнинг, унинг айтганларини бажарганларнинг ҳаётлари албатта яхши томонга ўзгарарди.

Хўжа Муҳаммад Паррон тўрт ўғил ва икки қиз фарзандларни улғайтирди. Ўғлонлар ўз замонасининг етук одамлари даражасига етишди. Қизлар ўз бахтларини топдилар. Лекин, Оллоҳ ҳеч бир фарзандга оталарига берганидек вазифани юкламади. Уларда бундай хислатлар уйғонмади.

Яна йиллар ўтди. 1205 йил кириб келди. Хўжа Муҳаммад Паррон бу вақтда етмиш етти ёшга етди. Унинг аваралари ва чеваралари мўл бўлиб кетди. Шу йили Яратган уни ўз ҳузурига

чақирди. Унинг руҳи ёруғ юз билан Мутлоқ Буюк Зотнинг даргоҳига қадам қўйди.

Бухоро ҳалқи катта қайғу ва улкан ҳурмат билан унинг вужудини ерга топширди. Унга алоҳида мақбара бино қилинди. Йиллар давомида унинг мақбарасини зиёрат қилувчи инсонлар миқдори асло камаймади.

1220 йил кириб келди. Хўжа Муҳаммад Паррон каби инсонларнинг йўқлиги туфайли Бухорода калтабин сиёсат юритувчи ҳокимлар ва амалдорлар, ҳамда мутаассиб дин пешволари кўпайиб кетди. Натижада, тинч, тўқ ва фаровон ҳаёт деярли тўхтади. Бу пайтда бирон бир инсон мушкул вазиятда энг тўғри қарорни чиқара олишни билмасди.

Шу йили гуллаб яшнаётган мамлакатга Чингизхон бошчилигидаги мўғул-татарларнинг ёввойи галалари бостириб кирдилар. Улар жуда кўп шаҳарларни ёндириб, талон-тарож қилгач, Бухорога ҳам етиб келдилар. Босқинчилар шаҳарни қамал этиб, ҳужум тактикасини ўйлай бошладилар. Бундай вазиятда, шариф юртнинг калтабин амалдорлари ва ўзларини ўта илмли қилиб кўрсатувчи руҳонийлари ваҳший мўғулларга қаршилик қилмасликни ва шу усул билан омон қолиш йўлини танладилар.

Чингизхон омонлик бераман деган ваъдасида ҳеч қачон турмаган. У ўзининг бу қабиҳ ишини номардлик ҳисобламаган, балки ҳарбий ҳийла деб атаган. Мўғуллар хони осонгина шаҳарга кириб олди ва ўз қўшинига буюрди – улар шаҳарни таладилар, ёндирдилар, аҳолини қирғинбарот қилдилар.

Анча йиллар ўтгач, шаҳар аста тиклана бошлади. Бу муқаддас масканда яна одамлар яшай бошладилар. Лекин, орадан ярим аср ўтгач, Бухоро яна ғорат ва талон-тарож этилди.

1272 йили Эронда ҳукмронлик қилаётган мўғул хони, чингизий Хулагу Моворауннаҳрга бостириб кирди. Унинг аскарлари Кеш ва Нахшабни таладилар, кейин Бухорони қамал қилдилар. Шариф юрт аҳолиси бир неча ой мардоновор курашди, лекин, 1273 йилнинг бошида мўғуллар ниҳоят шаҳарга муваффақ бўлиб, ўзларининг ёввойи инстинктлари бўйича қирғин ва

талончиликни бошладилар. Тинч аҳолини қириш, ўлдириш бир ҳафта давом этди. Бу маданий масканда бирорта тирик одам зоти қолмагач, оддий уйлардан тортиб, мадраса-ю кутубхоналар ҳам аямай ёндирилди. Натижада, Бухоро ва унинг атрофи ҳувиллаб қолди. Етти йил давомида шаҳар жонсиз ётди.

Ана шундай мудҳишликлар туфайли Хўжа Муҳаммад Паррон ҳақидаги маълумотлар ёндирилди, йўқотилди ва унутилди.

* * *

Хўжа Муҳаммад Парронга эътибор, фақат Буюк ўзбеклар империяси ташкил топгандагина, Абдуллахон II ҳукмронлиги вақтида, 1584 йили қайта пайдо бўлди. Унинг ҳақидаги кўп маълумотлар йўқ бўлиб кетган бўлса ҳам, ҳалқ уни яна азиз-авлиё сифатида эъзозлай бошлади.

Орадан кўп замонлар ўтди. Ушбу, XXI асрнинг 2009 йили кириб келди. Мен ўзимдаги ёзувчилик салоҳияти ва қандайдир бир руҳий ундов сабаб, қўлимдан келганча шу буюк инсон ҳақида бир рисола битишга тутиндим.

* * *

2010 йил, 25 май.

ЖОПЛИН шаҳри, Миссури штати, АҚШ.

Ниҳоят, шу куни мени ушбу асарга сўнгги нуқтани қўйишга эришдим.

Дунёнинг ишларини қаранг, мен бу мамлакатга қачонлардир қадам қўяман деб ўйламагандим. Аммо, фалакнинг гардиши шунақа экан.

Жоплин АҚШнинг Миссури штатида жойлашган. Катта шаҳар эмас. Лекин, бу ерда Америкадаги кучли университетларнинг бири жойлашган. Менинг жажжи фарзандим Фарангисхон, Тошкентда мактабни битиргач, шу,

ғарбий ярим шардаги мамлакатда таҳсил олишга бел боғлади ва барча талаб этиладиган имтиҳонларни топшириб, шу олийгоҳни, яъни Миссури Штатининг Жанубий Университетини танлади. Ва, мана, битирди.

Бу мамлакатдаги таомилга кўра, диплом тантанали равишда барча талабаларнинг ота-оналари иштирокида топширилар экан. Шунинг учун, мен ҳам шу анжуманга таклиф этилдим. Лекин, таклиф этилиш осон, элчихонадан рухсат олиш жуда мушкул экан. Консуллар ҳузурларига виза сўраб қадам ранжида қилганларинг барчасини юксак тараққиётга эришган Америкада қолиб кетишни мўлжаллаётган киши сифатида сўроқ қилишар экан. Уларга, мен қайтиб келаман деб, минг бора айтинг, ўзларига мос асос топа олмасалар, пинакларини бузмай рад жавобини беравишар экан.

Мен аввалига, Яратгандан мадад сўрадим. Кейин Тошкент шаҳридаги азиз-авлиёларни зиёрат қилиб, улардан дуо сўрадим. Элчихонага киришимга икки кун қолгандагина, тушимда кимнингидир қисқача кўрсатмаси эшитилди: “Бориб кел, кўриб кел, ёзиб кел!”

Бу дунёнинг кўп қирралик эканлигини кўраяпсизми? Мен ахир, Хўжа Муҳаммад Паррон ҳақидаги асаримни, тирикчилик ташвишлари билан югурабериб, етарли вақт ва куч йўқлигидан тугата олмай юргандим. (Мен ахир қандай ёзувчиман, ўзимнинг асосий ишимни вақт топиб бажара олмасам? Тарихий асарни битиш минг қийин бўлса ҳам, ёзмасам, бир кун келиб, бунинг учун қаттиқ сўроққа тутилишим мумкинку!.. Қўрқаман жуда..)

Бу туш орқали, мен ўзимга берилган вазифани, яъни бир буюк азиз-авлиёнинг ҳаёти воқеаномаларини шу мамлакатда битиришим шартлигини англадим. Ва дилимда сўз бердим.

Натижада, элчихона консулини ўз юртим менга афзалроқ эканлигига ишонтира олдим. Рухсатнома паспортимга ёпиштирилди.

Жоплин шахрига 19 май куни етиб келдим. 22 майда тантанали маросим ўтказилди. Анжуман ўтказилган саройнинг тепасида менинг фарзандим Фарангисхон шарафига бошқа давлатлар қатори жонажон Ўзбекистонимизнинг байроғи мағрур ҳилпираб турарди. Мен қизимнинг таҳсил йиллари мобайнида уни оталиққа олган ва ушбу тантанада иштирок этаётган оила вакилларига қалбимда шуур билан Ватанимиз рамзига ишора қилдим. Улар ҳам жилмайиб мени табриклашди ва шундай ажойиб қиз билан шунча йиллар мулоқотда бўлганликларидан хурсанд эканликларини изҳор этдилар. Ва, шу билан бирга, Фарангисхоннинг кетаётганлигидан хафа эканликларини билдиришди.

Айни жойда, мен ушбу, – қизимни ўқиши мобайнида оталиққа олган инсонлар, – Тим ва Керол Оуенлар оиласи ҳақида қисқача бўлса ҳам ёзмасам, кўнглим жойига тушмайди.

Мен ўзаро суҳбатда улардан сўрадим:

– Сизларни ким мажбур қилди, ўзга ва узоқ юртдан келган қизни оталиққа олиб, унга меҳрбонлик қилишга, меҳмонга чақириб туришга, уйда етишмаган жиҳозларини – стол-стулларни, микротўлқинли печка ва яна анча нарсаларни олиб бериб туришга? Ахир, ўзингиз ҳам ёлғиз эмассиз – икки қизингиз бор? Бунинг устига, Фарангисхонни турли экскурсияларга, саёҳатларга олиб чиқиб турар экансиз?!

– Ҳеч ким! – жавоб беришди улар

– Янаги йилга яна бирор талабани оталиққа оласизми?

– Албатта, биз бу ишни қанда қилмаймиз...

Ажабланарлиси шуки, бу оила Америка миқёсида асло бадавлат эмас. Алоҳида бир қаватли уй-жойлари ва унга ёпишган кўм-кўк ўтлоқли боғлари бор. Эр-хотиннинг иккаласида автомашина мавжуд (бу шаҳарда шахсий автомобилсиз юриш қийин). Оилабоқар Тимнинг ўзи –

компьютер информацияси соҳасида ишлайди. Керол эса фарзандлари тарбияси билан машғул.

Мен бу оиланинг нега бундай эканлигини кейин тушундим. Улар мени ҳам машиналарига ўтказиб, икки-уч кун мобайнида шаҳарни кўрсатишди, уч юз километр наридаги, АҚШдаги машҳур, бир неча ўн гектар юзани эгаллаган парк – “Силвер доллар сити”га, Спрингфильд шаҳрининг диққатга сазовор жойларига ҳам олиб бориб, кун бўйи олиб юришди. Жоплинни айланаётганимизда улар мени ўз черковлари билан ҳам таништиришди. Ҳар якшанба куни ушбу оила вақтини шу ерда ўтказар экан. Мен шунда уларнинг Яратганни жуда севишлари, унинг айтганларини бекам-у кўст бажаришга уринишларини ҳис этдим. Тим ва Керол Оуеннинг бундай ишларни бирор таъма умидида эмас, фақат ўзлари шундай тарбияланганликлари ва Мавлони рози этиш учун қилаётганликларини англадим.

Йиллар давомида, умуман дини ва яшаш тарзи бошқача инсонга ўз вақтларини ва маблағларини аямайдиган одамларни Яратган зот хушламайдими?

Уларнинг ўзга инсонни деб сарфлаган вақтлари учун, бир неча баробар кўпроқ умр қўшиб бермайдими?

Беғараз ишлатган маблағлари эвазига қўшимча молиявий мадад етказмайдими?

Уларнинг жамики орзу-умидларига бекам-у кўст етказмайдими?

Нима деб ўйлайсиз?..

Юртимизнинг буюк азиз-авлиёлари ҳам ота-боболаримизни шундай бўлишга ўргатишган эмасми? Хўжа Муҳаммад Паррон ҳам Моворауннаҳр ҳалқини шу хилда яшашга қайта-қайта ўргатган ва чақирган эмасмилар?

Менимча, у буюк зот ҳам шундай маслаҳатлар беришдан тўхтамаганлар ва чарчамаганлар...

Хуллас, мана, бугун 2010 йил, 25 май, сешанба. Олти кун мобайнида, бўш вақтим ва кучим бўлиши биланоқ асаримни

ўйладим ва ниҳоят тугатдим. Бунинг учун, менга мадад, куч ва имконият берган Энг Буюк Зотга чексиз шукурлар қиламан. Ва кейинги рисолани битишга ўтаман.

**Тошкент, Ўзбекистон. 2009 йил, январь –
Жоплин, Миссури штати, АҚШ.
2010 йил, 25 май.**

СИРЛИ ЧОЙХОНА

(фантастик ҳикоя)

Менинг исмим – Фарангисхон. Сизга бўлиб ўтган бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Ўша йили еттинчи синфда ўқирдим.

Бир куни кечқурун, дадамлар оймларга эрта тонгдан машиналарида Жиззах шаҳрига йўл олмоқчи эканликларини айтдилар. Уларнинг бизнес ишларининг бир қисми шу вилоят марказидаги қурилиш гипси ишлаб чиқарувчи корхона билан боғлиқ эди. Дарҳол эргашдим.

– Мени ҳам ола кетинг, дада! Жиззахда ҳеч қачон бўлмаганман. Тошкентдан ташқарига чиқмаганман. Бир бошқа шаҳарни ҳам кўрай!

– Чорвоққа чиққансан! Ғазалкентни кўргансан.

– Жиззахни ҳам кўргим келаяпти!

– У шаҳар кичкина ва оддий. Кўрмасанг ҳам бўлади.

– Бир янги синфдошим бор, уларнинг оиласи яқинда Тошкентга кўчиб келган. У қиз – ўша ерлик. У, доим Жиззахдан гўзалроқ юрт бу дунёда йўқ, деб айтади. Мен шундай ажойиб жойни кўришим керак.

– Ўқишдан қоласан-ку!

– Жавоб сўрайман, ўтилган мавзуларни китоблардан ўқиб оламан!

Дадам ниҳоят кўндилар.

– Майли, Фарангисхон! – дедилар, – Фақат эрталаб вақтли туриб кетамиз. Бўптими?

– Майли! – қувондим мен. – Фотоаппаратимни оволаман. Ҳамма жойни расмга тушираман.

Эрталаб соат еттида уйдан чиқиб кетдик. Февраль ойи бўлгани учун, кун хали ёришмаган, ғира-шира пайт эди. Ҳаво булут бўлса-да, ёгингарчилик йўқ, йўллар қуруқ эди. Шунинг

учун, биз шаҳарни тарк этиб, текис тўғри йўлга тушганимиздан сўнг, дадамлар “Жигули”нинг тезлигини оширдилар. Биз манзил сари ғизиллаб елиб кетдик. Мен орқа томондаги ўриндиқда жойлашиб олганимча, деразадан атрофдаги далаларни томоша қилиб борардим.

Кун борган сари ёришиб борар, манзаралар ҳам ёрқинлашарди. Ярим соатлар ўтгач, машинамиз секинлашди ва биз бир милиция постидан ўтдик.

– Бу қайси шаҳарники?

– Янгийўлники, – хабар бердилар дадам ва бермоқчи бўлган саволимни ҳис қилдиларми, кўшиб қўйдилар. – Лекин, бу шаҳар трассадан четроқда. Биз у ерга кирмаймиз.

Машинамиз яна илдамлашди. Ўн дақиқалар юрганимиздан сўнг, олдинда, йўл четида бир одамнинг қораси кўринди. У машинамизни тўхтатиш учун бир қўлини кўтарди. Дадам индамай ўтиб кетмоқчи эдилар-у, яқин қолганда у кишининг қария эканлигини пайқаб, тормозни босдилар. Сал ўтиб кетганлари учун, автомобилни орқага юргизиб, ўша одамнинг рўпарасига тўхтатдилар. Ёнларидаги эшикни очиб, сўз қотдилар.

– Ассалом алайкум, амаки! Келинг, ўтиринг, обориб қўяман.

– Ваалайкум ассалом, болам! Мени сал нарироққа ташлаб қўясанми?

– Бемалол, ўтираберинг!

– Катта йўлдан ўнг томонга қайриламизда, бир-икки чақирим юрамиз, майлими?

– Майли, амаки.

Қария дадамнинг ёнларига ўрнашди. Мен дарҳол салом бердим.

– Ассалом алайкум!

– Ваалайкум ассалом, қизим! Яхши юрибсанми?

– Яхши, раҳмат! – жавоб бердим мен.

Бу одамнинг эғнида йўл-йўл чопон, оёқларига этик кийган эди. Пойафзалининг четлари бирозгина лойлигини ҳам пайқадим. Унинг бошида уринқираган қулоқчин телпак бор эди.

Отахон бошқа бир сўз демади, индамай кетаберди. Камгап одам бўлса керак, ўйладим мен. Бир қанча юрганимиздан сўнг, ўнг томонда, йўл четида янги, замонавий услубда қурилган чойхона кўринди.

– Болам, мен шу ерда қоламан, – деди отахон. – Мана бу жойда ишим бор. Ёдимдан кўтарилибди. Шу ерга келганимда эсимга тушди. Темир аравангни тўхтатақол.

Дадам чойхонанинг олдида “Жигули”нинг тормозини босдилар.

Отахон чўнтагини кавлаб қанчадир пул чиқарди ва уни дадамларга узатди.

– Етадим, болам?

Дадам бош чайқадилар.

– Керак эмас, отахон! Шундоқ ўзимнинг йўлим эди.

– Олақол, тагин мендан норози бўлиб юрма!

– Йўқ, асло. Сиз рози бўлсангиз, бўлди.

– Гап розилиқда бўлса, шунча йўл юриб, манзилимга олиб келиб қўйдинг, сенга раҳмат дейман ва дуо қиламан, майлими?

– Майли, отахон.

– Қани, кафтингни оч!.. Ё, Оллоҳ! Шу йигитнинг темир аравасини омадли ва барокатли қилгин! Бу темир арава унинг эгасига улуғ ризқ-насиба олиб келсин! Омин!

– Раҳмат, отахон! – жилмайдилар дадам.

Қария машинани тарк этгач, биз яна йўлимизга равона бўлдик. Шунда мен бир нарсага афсус қилдим. Чунки, фотоаппаратим билан шу отахонни расмга олмабман. Жуда зўр бўларди-да. Кейин ўртоқларимга кўрсатардим. Тошкентда бундай кийинган одамлар йўқ...

Биз йўл юриб, йўл юрсак-да, мўл юриб, ниҳоят соат тўққиздан ошганда Жиззах шаҳрига етиб келдик.

Буни қаранг-ки, биз борадиган ташкилот Тошкент кўчасида жойлашган экан. Дадам машиналари билан унинг ичига кирдилар. Бизни, ушбу саҳни каттагина корхонанинг раҳбарлари

кутиб олишди.

Дадам мени уларга танитдилар:

– Бу қиз – Фарангисхон! Менинг кичик фарзандим. Жиззах шахрини кўраман деб тўполон қилди. Шунинг учун бирга олиб келдим!

Абдуҳабиб ака ва у кишининг ўринбосари Комил акалар, дадам менга уларнинг номларини айтдилар, жилмайиб, менинг хоҳишимни қувватлашди. Шундан сўнг, улар мени ташкилот ҳовлисида қолдириб, идорага шартнома тузиш учун кириб кетишди. Менга, истасам атрофни томоша қилиш, хоҳласам машинада ўтириб мусиқа эшитиш вазифаси топширилди.

Ярим соатлар ўтгач, дадам хурсанд холда идора биносидан чиқиб келдилар. Уларни ташкилот раҳбарлари кузатиб чиқишди.

– Озод ака! Энди фақат сизга умид қиламиз. Тошкент шаҳрида бизнинг гипсимизни тарқатиш сизга юклатилди. Ишонамизки, маҳсулотимизнинг сотилиши ҳажми анча ошади!

– Албатта, Абдуҳабиб ака! Мен ишончингизни оқлаш учун бор имкониятларимни ишлатаман!

– Озод ака! Сиз бизни чарчатиб қўясиз деган умиддаман! – сўз қўшди Комил ака.

Бу, оқ-сарикдан келган киши, Абдуҳабиб аканинг қўлида ўқиган экан, иқтидорли бўлгани учун, устоз ўз шогирдини янги корхона очганда ёнига чақирибди. Асли самарқандлик бўлган Абдуҳабиб ака эса, авваллари институтда дарс бергани учун, “домла” деб ном чиқарган экан. Бу гапларни менга дадамлар кейинроқ, йўлда айтдилар.

Ташкилотдан чиқиб, биз Жиззах шахрини айландик. Марказни томоша қилдик. Бозорга кирдик – Тошкент бозорларига жуда ўхшаш, фақат нархлар сал арзонроқ. Анча жойларни расмга олдим. Туш вақти яқинлашганда овқатхонага кириб сомса буюрдик. Бу ернинг сомсаси жуда катта бўлар экан. Ва уни қиздирилган пахта ёғига булғаб-булғаб танаввул қилишар экан. Бунга жуда ҳайрон бўлдим.

Мен битта сомсани зўрға едим. Иккинчиси қорнимга сиғмади.

Кейин, ортга қайтдик. Жуда хурсанд эдим. Дадам машиналарини ҳайдардилар, мен эса мусиқа эшитганча Мирзачўл далаларини томоша қилиб кетабардим. Бир соатдан кўпроқ юрганимиздан сўнг, дадамлар сўрадилар.

– Хали, эрталаб Жиззахга кетаётганимизда бир отахонни йўлдан олиб, кейин қандайдир чойхона ёнида қолдириб кетгандик. Эсингдами?

– Ҳа, дада, эсимда!

– Ўша ерда тўхталик. Қараб кет. Узоқдан кўришинг билан айт. Биттадан чой ичиб оламиз. Йўл барибир чарчатади.

– Хўп, дада! – дедим мен ва йўл четини диққат билан кузатиб кета бошладим.

Биз анча юрдик. Лекин, у чойхона кўриная демасди. Ҳамма ёқ дала ва одамларнинг уйлари.

– Нега эрталабки чойхона кўринмаяпти? – сўрадилар дадам.

Мен елкамни қисдим.

– Ҳайронман!

Биз Янгийўл шаҳри постига келдик ҳамки, барибир у чойхона қорасини кўрсатмади.

– Қизиқ! Бу не сир-синоат экан?

– Билмадим, дада, - дедим мен. – Балки, пайқамай ўтиб кетгандирмиз?

– Бўлиши мумкин эмас! Унинг қаердалиги тахминан ёдимда. Унинг ўрни бийдай дала бўлиб қолибди. Ярим кунда шундай катта бинони тўсатдан бузиб, ўрнини текислаб, шудгорлаб қўйиш мумкинлиги ақлга сиғмайди.

Индамадим. Нима ҳам дердим. Дадам билмасалар, мен билармидим?!

Шу сирли чойхонани ўйлаб, уйимизга етиб келдик.

Орадан ярим йил ўтди. Бу орада дадамлар Жиззахда ишлаб чиқарилувчи юқори сифатли гипсни Тошкентда яхши сотилишини йўлга қўйдилар. Унинг харидорлари кўпайди.

Тошкентда қурилиш молларини сотадиган бир машҳур одам

бор экан. Исми – Икром ота экан. Орқаваротдан у кишини Икром Ўрис деб аташаркан. Бундай аталишига сабаб, у ёшлик чоғида, юртимизни ўз ичига олган СССР деган мамлакат Германия билан уруш қилганда, у ота-онасиз қолиб, кўп болалар қатори Ўзбекистонга олиб келинган экан. Шунда, бир Жамол ака исмли ўзбек киши уни бағрига олиб, Ислом деб ном бериб, катта қилган экан. Боланинг келиб чиқиш миллати бошқа бўлгани учун, барча уни Ислом Ўрис деб чақиришга одатланган экан.

Дадам уни Тошкентда билмайдиган киши йўқ, у жуда ҳурматга сазовор инсон дедилар. Бир неча марта, машиналари бузилиб қолиб, яёв юрганларида, кўчада такси тўхтатиб, Икром Ўрисниқига олиб бориб қўйинг, десалар – индамай обориб қўйишган ҳам экан.

Ана шу Икром отанинг Мурод исмли ўғли, ўз отасининг изидан бориб қурилиш маҳсулотлари сотадиган жой ташкил қилибди. Халқимиз: “Отанг қилган ишни қилсанг, ишинг юришади”, дейди. Шунинг учунми, Муроднинг ҳам омади чошиб, мижозлари кўпайибди ва у дадамларга таклиф қилибди: “Озод ака! Шу гипсни фақат ўзимга олиб келиб беринг! Қанча десангиз, бетўхтов олабераман. Бошқаларга берманг. Бирга ишлайлик!” Дадам бу таклифга рози бўлибдилар. Чунки, ўнта-ўн бешта жойга маҳсулот тарқатгандан кўра, бир ишончли киши билан ҳамкорлик қилиш қулай-да!

Дадам бундан ташқари қурилиш моллари бозоридан ҳам жой олиб, у ерга сотувчи қўйдилар. Кейин, бирон бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона очсаммикан, деб ҳам мўлжаллай бошладилар.

Орадан бир йил ўтгач, бу ниятлари ҳам амалга ошди.

Кейин икки йил ўтди. Дадамларнинг барча ишлари яхши борарди.

Уч йилдан сўнг, дадам бошқа машина олиш тараддудига тушдилар. Уларнинг пуллари кўпайганди. Энди, “Жигули” эмас, чет эл машинасини ҳайдашни истаб қолдилар.

Натижада, эски машиналарини сотдилар ва Японияда ишлаб чиқарилган “Мазда” автомобилини харид қилдилар. Бундан биз

ҳаммамиз – ойм, опам ва мен жуда суюндик. Аммо, барвақт хурсанд бўлган эканмиз.

Шу вақтдан бошлаб, дадамларда турли муаммолар пайдо бўла бошлади.

Қурилиш моллари бозоридаги сотувчи тушум пулларини бермайдиган, унга бунга ишлатиб қўйдим, кейин топганимда бераман, дейдиган одат чиқарди. У ойлаб, қарзларини узмайдиган бўлиб қолди. Дадам уни ҳайдаб юбордилар. Бошқа тузук одам тополмай, вақтинча у ердаги ишни тўхтатдилар.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг тарқалиши ҳам кескин тушиб кетди. Дадам бунинг сабабини билолмай гаранг бўлардилар. Ҳамма ишни тўғри қиляпман-ку, нега бунақа бўлаяпти, дердилар.

Устига устак, Икром отанинг ўғли бўлмиш Мурод ўз лабзини унутибди. У дадамларнинг ўрнига, ўзининг бир жиззахлик қариндошини қўйишни ўйлаб қолибди. Уни Абдуҳабиб аканинг олдига жўнатибди. Яхши ҳамки, “домла” унга рад жавобини берибди. Дадам бундан хурсанд бўлдилар. Лекин, бу қониқиш ҳисси узоққа чўзилмади. Ўша қариндош жуда ҳаракатчан экан, юқори идораларда ишловчи турли кишиларга қўнғироқ қилдириб, Абдуҳабиб акани дадамлар билан бошқа шартнома тузмасликка мажбур қилибди.

Дадамлар, асли олим ва файласуф бўлганлари учун, руҳларини чўқтирмадилар. Шароитни таҳлил қилардилар, ечим қидирардилар. Бир куни мен билан гаплашдилар. Мен бу пайтда коллежда ўқиётгандим.

– Фарангисхон! – дедилар улар. – Эсингдами, биз бирга Жиззахга боргандик!

– Ҳа, дада. Эсимда! – жавоб бердим мен.

– Йўлда учраган отахон-чи, ёдингдами?

– Ҳа, ёдимда. Ўшанда у кишини расмга олмаганимга афсуслангандим.

– Чойхона-чи?

– Сирли чойхона ҳам эсимда, дада! У кейин тополмаган-дик.

Қаёққадир ғойиб бўлиб қолганди.

– Мен бир нарсани тушундим. Ўша сирли чойхона олдида, отахон бизни дуо қилгандилар. Ҳамма гап ўша дуода! Ҳозир бизда у дуонинг кучи йўқ. Билдингми?

Мен дарҳол сўз қотдим.

– Отахон ёдимда. У бизни эмас, машинангизни дуо қилганди. Ўшанда бундай деганди: “Ё, Оллоҳ! Шу йигитнинг темир аравасини омадли ва барокатли қилгин! Бу темир арава унинг эгасига улуғ ризқ-насиба олиб келсин! Омин!”

– Ростдан шундай деганмиди?

– Ҳа, дада. Худди кечагидек ёдимда! Биласиз-ку, эсда сақлаш қобилиятим яхши.

Дадам ўйланиб қолдилар. Кейин хулоса чиқардилар.

– Мен эртагаёқ “Жигули” имни қайта сотиб оламан!

Эртаси куни кечқурун дадамлар уйга хорғин қайтдилар. Ойим сўрадилар.

– Ҳа, дадаси, чарчадингизми?

– Шунақа бўлса керак... – жавоб қилдилар улар.

Кийимларини алмаштириб, ўтириб овқатландилар. Кейин мен сўрадим.

– Дада, “Жигули”ни қайта сотиб ололмадингизми?

– Ҳа, қизим. Унинг янги эгаси сотмайман, деди. Уни ҳозир минмаётган экан. Ҳовлисининг тўрига қўйиб қўйибди. Экспонат қилиб. Ўзи бошқа янги машина ҳайдаб юрибди. “Сизнинг “Жигули”ингиз жуда омад олиб келувчи экан. Бир йилда ишларим жуда зўр бўлиб кетди. Бундай автомобилни сотиб бўлмайдим!”, деди.

Мен дадамга ҳам, ўзимга ҳам ачиндим. Ахир, коллежни битиргач, чет элга ўқишга бормоқчи эдим. Шунинг учун, зўр бериб инглиз тилини ўрганаётгандим. Пул бўлмаса, яхши ўқиш қаёқда?! Энди, орзу-умидларим нима бўлади?

Ҳомуш бўлиб турдим-да, бирдан онгимда бир ёрқин фикр чарақлади! Уни дарҳол дадамга билдирдим.

- Дада! Эртага Жиззахга бориб келайлик!
- Нега, қизим?
- Пахта ёғига булғаб сомса егим келаяпти. Мазаси оғзимда қолган.
- Ўқишинг нима бўлади?
- Мавзуларни аниқлаб, китоблардан ўрганиб оламан!
- Майли, қизим. Барибир, менинг ҳеч бир ишим йўқ, эртага. Обориб келаман.

Тонгда йўлга тушдик. Бу гал менинг атрофдаги манзараларга бепарво эдим. Шаҳардан чиққач, ярим соатлар ўтгач, биз милиция постидан ўтдик.

- Бу қайси шаҳарники? – сўрадим мен, билсам ҳам.
- Янгийўлники, – хабар бердилар дадам.

Постдан ўтгач, “Мазда” мизнинг тезлиги ошди. Ўн дақиқалар юрганимиздан сўнг, олдинда, йўл четида бир одамнинг қораси кўринди. Мен худди шу дақиқани кутаётгандим. У машинамизни тўхтатиш учун бир қўлини кўтарди. Дадам индамай ўтиб кетмоқчи эдилар-у, яқин қолганда у кишининг қария эканлигини пайқаб, тормозни босдилар. Сал ўтиб кетганлари учун, автомобилни орқага юргизиб, ўша одамнинг рўпарасига тўхтатдилар. Ёнларидаги эшикни очиб, сўз қотдилар.

- Ассалом алайкум, амаки! Келинг, ўтиринг, обориб қўяман.
- Ваалайкум ассалом, болам! Мени сал нарироққа ташлаб қўясанми?
- Бемалол, ўтираберинг!
- Катта йўлдан ўнг томонга қайриламиз-да, бир-икки чақирим юрамиз, майлими?
- Майли, амаки.

Қария дадамнинг ёнларига ўрнашди. Мен дарҳол салом бердим.

- Ассалом алайкум!
- Ваалайкум ассалом, қизим! Яхши юрибсанми? Анча катта бўлиб қолибсан-ку!

– Ҳа, отахон! – жавоб бердим мен. – Сиз эса ўзгармабсиз!
Кийимингиз ҳам ўша-ўша!

– Ўтган гал, сен расмга олсанг-да, барибир чиқмасди!

Бу вақтда дадам машинани юргизгандилар. Қўллари рулда, кулоқлари бизнинг суҳбатда эди. Нега мени бу отахон билан эски танишлардек гаплашаётганимни хали англаб етмагандилар.

Қария бошқа бир сўз демади, индамай кетаберди. Мен ҳам мувозанатни бузиб қўймаслик учун сукут сақлаб кетдим. Бир қанча юрганимиздан сўнг, ўнг томонда, йўл четида янги, замонавий услубда қурилган чойхона кўринди. Бу, худди ўша, ўтган сафардаги сирли чойхона эди!

– Болам, мен шу ерда қоламан, – деди отахон. – Мана бу жойда ишим бор. Ёдимдан кўтарилибди. Шу ерга келганимда эсимга тушди. Темир аравангни тўхтатақол.

Дадам чойхонанинг олдида “Мазда”нинг тормозини босдилар.

Отахон чўнтагини кавлаб қанчадир пул чиқарди ва уни дадамларга узатди.

– Етадим, болам?

Дадам бош чайқадилар.

– Керак эмас, отахон! Шундоқ ўзимнинг йўлим эди.

– Олақол, тағин мендан норози бўлиб юрма!

– Йўқ, асло. Сиз рози бўлсангиз, бўлди.

– Гап розиликда бўлса, шунча йўл юриб, манзилимга олиб келиб қўйдинг, сенга раҳмат дейман ва дуо қиламан, майлими?

– Майли, отахон.

– Қани, кафтингни оч!.. Ё, Оллоҳ! Шу йигитнинг темир аравасини омадли ва барокатли қилгин! Бу темир арава унинг эгасига улуғ ризқ-насиба олиб келсин! Омин!

– Раҳмат, отахон! – жилмайдилар дадам.

Қария менга ўгирилди.

– Қизим, худо хоҳласа, албатта чет элга ўқишга борасан. Бахтли бўлсан! Ҳамма яхши ниятларингга етасан!

Шу гапларни айтиб, отахон машинани тарк этди. Дадам эса бу

пайтда тахтадек қотиб, ўтган сафардаги воқеа қайтарилганига ҳанг-манг бўлиб қолгандилар.

Мен уларга сўз қотдим.

– Дада, мана бу сирли чойхонага кириб, биттадан чой ичмаймизми?

Улар атрофга алангладилар ва сўрадилар:

– Қани чойхона?

Ҳақиқатдан ҳозиргина ёнимизда турган бино кўздан йўқолганди. Машинамиздан тушган отахон ҳам ғойиб бўлганди.

– Дада, унда уйга кетдик! – дедим мен.

– Вой, жиззах сомса емаймизми?! – сўрадилар.

– Йўқ, менга тошкентча сомсага писта ёғини қиздириб берсангиз, ўшанга булғаб ҳам ея бераман!

Шу воқеадан бир ой ўтар-ўтмас, қурилиш моллари бозори бошқарувчиси дадамларни чақирди. “Озод ака! – дебди у. – Менинг бир жуда ҳалол жияним бор. Жойингизга маҳсулот тушириб беринг, савдо қилсин. Унинг нотўғри ишига мен жавоб бераман!”

Икки ойдан сўнг, ишлаб чиқараётган маҳсулотларига иккита “Қурилиш моллари савдо уйи” харидор бўлиб, катта миқдорга шартнома туздилар.

Уч ойдан сўнг эса, Абдуҳабиб ака тўсатдан қўнғироқ қилиб қолди.

– Озод ака! – деди у. – Ўрнимга Комилни бош раҳбар қилиб тайинладим. Ўзим эса фирмани ташкил этувчи мақомида қоламан. Муроднинг қариндоши билан ишни тўхтатаяпман. У бизнинг ишончимизни оқламаяпти. Шунинг учун, келаётган hafta ичида Жиззахга келсангиз, янги шартнома тузар эдик!

Кейин, Комил аканинг ўзи алоқага чиқди.

– Мен ҳозир бош раҳбарликка ўтдим. Энди фақат сиз билан ишлаймиз!

– Муроднинг қариндоши-чи?! Унинг юқори жойларда ояхонлари бор. Босимга чидай оласизми? – сўрадилар дадам.

– Улар қўнғироқ қилишса, бир машина мол бераман, яна қўнғироқ бўлса, яна бир машина бераман. Учинчисида жонларига тегади, – деди у.

– Мурод-чи?! У ҳам ўз қариндошига ён босар?

– Унга ўзим тушунтираман. Агар у гипсимизни олмаса, бошқалар тайёр турибди. Бундай мустаҳкам гипс – Ўзбекистонда битта!

Шундай қилиб, дадамнинг ишлари яна аввалги изга тушиб кетди. Бу йил янги “Ласетти” машинаси сотиб олдилар. “Мазда” эса экспонат бўлиб ҳовлида турибди.

Мен эса ушбу бўлган воқеани Американинг Миссури штати университети кутубхонасида ўтириб ёздим. Доимо яхшилик қилинг – дуо оласиз. Дуо эса – олтиндир..